# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**5-сон (349) 2009 йил 5 февраль**


*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*


33. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1046-сон қарори

34. «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сон қарори

35. «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарори

36. «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қиди-

рув институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ—1049-сон қарори

37. «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ—1050-сон қарори

38. «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ—1051-сон қарори

## *Учинчи бўлим*

39. «Вазирлар Маҳкамасининг «Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисидаги низомларни, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхоналари уставларини тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 22 июндаги 262-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 январдаги 20-сон қарори

40. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги 21-сон қарори

41. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ—1005-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 январдаги 22-сон қарори

43. «Ўзбекистон Республикасининг Греция Республикаси билан яқин истиқболдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 январдаги 24-сон қарори

44. «Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

45. «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 декабрдаги 100-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889*)

46. «Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 75-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1890*)

47. «Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги 120-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891*)

48. «Банк кассаларидаги накд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 18 январдаги 1/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-2*)

49. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 январдаги 5, 2009-4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1594-3*)

50. «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 24 январдан 30 январгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 33 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида

Қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр сектори самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишига янги қудратли туртки бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, қишлоқда, аввало ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг кенг комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2009 йил Ўзбекистон Республикасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин. Давлат дастури қуйидагиларга йўналтирилган:

қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш мақсадида қонунчилик базаси ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш;

қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, ривожланиш ва архитектура — режа асосида қурилиш бош схемаларига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши, қишлоқдаги турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари намунавий лойиҳалар бўйича барпо этилишини назарда тутувчи қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса бориш қийин бўлган ва олис қишлоқ аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси билан қамраб олинишини ошириш;

мамлакатнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш;

қишлоқни мавжуд энергия ва газ таъминоти объектларини реконструкция қилиш ва шундай янги объектлар қуриш ҳисобига зарур энергетика

ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш бўйича шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқда шаклланаётган янги мулкий муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

2008 — 2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, энг аввало, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни бажариш асосида тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш;

қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарнинг кенг тармоғини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолиси, энг аввало ёшлар ишга жойлаштирилишини, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлиги оширилишини таъминлаш;

инсонлар саломатлиги муҳофаза қилинишини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини юксалтириш, қишлоқда умумий ва касб-ҳунар таълими тизимини янада ривожлантириш ва унинг даражаси ҳамда сифатини ошириш, қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг моддий базасини мустаҳкамлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 11 декабрдаги Р—4023-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари бошчилик қиладиган тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин ҳамда улар зиммасига республика минтақаларида Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгарлик юклансин.

3. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

Дастурга киритилган чора-тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда давлат бошқарувининг тегишли республика ва ҳуду-

дий органлари, шунингдек жамоат ва ноҳукумат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштирсин;

ҳар чоракда Дастурнинг амалга оширилишига доир материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилиши учун киритилсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурнинг бажарилиши тўғрисида ахборот бериб борсин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари Дастурнинг мақсад ва вазифалари кенг тушунтирилишини, уни амалга ошириш, қишлоқни ривожлантириш, ободонлаштириш ва унинг қиёфасини сифатли ўзгартиш бўйича Дастурда назарда тутилган тадбирларни бажаришга тармоқ ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ва ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь,
ПҚ–1046-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 26 январдаги
ПҚ–1046-сон қарорига
ИЛОВА

## «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»
## ДАВЛАТ ДАСТУРИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш** | | | | | | |
| 1. | «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2009 йил I чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси | | | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланишнинг мақбул шарт-шароитлари ва хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалигини юритиш учун берилаётган ер участкасининг энг кам ўлчамини кўпайтириш нормаларини қабул қилиш |
| 2. | «Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2009 йил I чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, Давсувхўжаликназорат инспекцияси, Фермер хўжаликлари уюшмаси | | | Қонун лойиҳаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади. |
| 3. | Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2009 йил II чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, Давсувхўжаликназорат инспекцияси, Фермер хўжаликлари уюшмаси | | | Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини кўпайтириш, сувни тежаш технологияларини татбиқ этишни назарда тутувчи бошқа қонун ҳужжатлари. |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи Фармон ва қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш: | 2009 йил I чорак | | | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари лойиҳалари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | а) ривожланиш ва архитектура-режа асосида қурилиш бош схемаларига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктлари қурилишини амалга ошириш;<br>б) турар-жойларни замонавий қурилиш материалларидан намунавий лойиҳаларга мувофиқ барпо этиш;<br>в) намунавий турар-жой барпо этилишини лойиҳалаштириш ва қишлоқ аҳоли пунктларининг комплекс қурилиши учун ҳудудий филиаллари бўлган ихтисослашган лойиҳалаштириш ташкилотини яратиш;<br>г) қишлоқ қурилиши бўйича ҳудудий бўлинмалари билан бирга ихтисослаштирилган банк ташкил этиш;<br>д) қишлоқ жойларда турар-жой ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган ташкилотларни ташкил этиш. | 2009 йил II чорак | Даврархитектқурилиш қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси<br><br>Даврархитектқурилиш қўмитаси, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Ўзсаноатқурилишмоллари» АК, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги | | | |
| 5. | Ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2009 йил II чорак | «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасида ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер участкалари бериш ва уларни олиб қўйиш бўйича материалларни расмийлаштириш, шунингдек ердан фойдаланувчиларга, ижарага олувчиларга ва ер участкалари эгаларига етказилган зарарларни қоплаш тартибини ўрнатиш назарда тутилади. |
| | **II. Қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш** | | | | | |
| 6. | Қуйидагиларни:<br>— жойларнинг табиий-иқлим шароитлари ва рельефини;<br>— ижтимоий-демографик хусусиятларни;<br>— маҳаллий қурилиш ва норуда материаллари борлигини;<br>— мавжуд қурилиш индустриал базасини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ уй-жойларининг ва ижтимоий-маданий, санитария-маиший объектларнинг янги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш. | 2009 йил март — июнь | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, «ЎзЛИИТИ» акциядорлик жамияти, «Қишлоққурилишлойиҳа» акциядорлик жамияти, Молия вазирлиги | 350,0 | Лойиҳа-қидирув ишлари, 2009 йилги инвестиция дастури (давлат бюджети) | Ҳар бир минтақа бўйича қишлоқ ҳудудининг хусусиятларини назарда тутадиган ва қишлоқ уйларининг қулайлиги даражасини ошириш талабларига жавоб берадиган намунавий лойиҳалар қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини анча яхшилаш имконини беради. |
| 7. | Қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг бош режалари ва ҳудудларни архитектура-режа асосида қуриш лойиҳалари билан босқичма-босқич таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш. | 2009 йил II чорак | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар | Ҳисоб-китоб бўйича | Маҳаллий бюджет маблағлари | Муҳандислик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштириш билан ўзаро боғлиқ равишда қишлоқ аҳоли пунктлари қурилишини тартибга солишга йўналтирилган «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | ҳокимликлари | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг биргаликдаги дастури. |
| 8. | Қишлоқ жойлардаги қурилишни комплекс ривожлантириш, намунавий турар-жой ва ижтимоий инфраструктура объектлари барпо этилишини лойиҳалаштириш ҳамда архитектуравий назоратни амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш. | 2009 йил I чорак | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги | Ҳисоб-китоб бўйича | Муассисларнинг шахсий маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг лойиҳа институтларидаги малакали кадрларни жалб этган ҳолда қишлоқда ягона архитектуравий режалаштириш сиёсати ўтказилишини назарда тутувчи қарори лойиҳаси |
| 9. | Минтақаларда (Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумани) энг янги қурилиш-технология ечимларидан, замонавий қурилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланган ҳолда айрим аҳоли пунктларини тажриба тарзида намунавий қуриш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. | 2009 йил II чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, лойиҳа ташкилотлари, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | Ҳисоб-китоб бўйича | Корхоналар маблағлари ва банкларнинг кредитлари | Қишлоқнинг архитектура қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилашга йўналтирилган қишлоқ аҳоли пунктларини тажриба тарзида намунавий қуришни татбиқ этиш. |
| 10. | Бешта рағбатлантирувчи мукофот таъсис этган ҳолда энг яхши қишлоқ аҳоли пунктини қуриш бўйича «Энг яхши қишлоқ», «Энг яхши вилоят» танловини ўтказиш. | 2009 йил IV чорак | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | Ҳисоб-китоб Бўйича | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Қишлоқ қиёфасини яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктлари қуриш сифатини ошириш, танлов ғолибларини рағбатлантириш бўйича маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари фаолиятини жадаллаштириш. |
| **III. Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш** | | | | | | |
| **а) Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш** | | | | | | |
| 11. | Жорий йилда қишлоқ жойларда умумий майдони 7100 минг кв. м. уй-жой фойдаланишга топширилишини таъминлаган ҳолда 2009 — 2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. | 2009 йил июнь | «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, «Қишлоққурилишлойиҳа» институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Ҳисоб-китоб бўйича | Аҳоли, корхоналар ва банклар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлар бўйича янги намунавий лойиҳаларга мувофиқ қишлоқда босқичма-босқич уй-жой қуриш дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳаси. |
| 12. | Қишлоқ қурилиши бўйича тармоқланган ҳудудий бўлинмалари билан бирга ихтисослаштирилган тижорат банкини ташкил этиш. | 2009 йил III чорак | Марказий банк, Молия вазирлиги | | Марказий банк, Молия вазирлиги, муассислар маблағлари | Қишлоқ қурилиши банкини тузиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплекси.<br>Қишлоқда уй-жой, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалари қурилиши билан боғлиқ лойиҳаларни кредитлаш, шунингдек қишлоқ тадбиркорларига банк ва консалтинг бўйича турли хил хизматлар кўрсатиш. |
| 13. | Жумладан, умумий майдони камида 500,0 минг кв. метр якка тартибдаги уй-жойни капитал таъмирлашга кредит бериш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш. | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 87943,0 | Аҳоли маблағлари, «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека | Қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | банки кредит ресурслари | |
| 14. | Аҳолиси 5 минг киши бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини 2009 йилда ва аҳолиси 2 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини 2010 йилда аҳоли ва юридик шахсларнинг:<br>— истиқболда ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини, сув ресурслари манбаларини аниқлаш ва сув ўтказгичлар (зарурият бўлганда) ва водопровод тармоқларини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;<br>— электр энергиясига бўлган истиқболдаги эҳтиёжини, уланиш манбаини (электр узатиш линиялари, трансформатор ва ҳоказолар) ва электр энергиясини узатишнинг тегишли категориялари тармоғини ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиққан ҳолда аниқлаш;<br>— уй-жой қурилиши учун қўшимча ер участкалари ажратишга бўлган истиқболдаги эҳтиёжини, режадан ташқари қуришга йўл қўймаслик зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, қишлоқ аҳоли пунктларининг чегаралари ва жойлашишини аниқлаш;<br>— тасдиқланган нормалар ва нормативлардан келиб чиқиб, тегишли аҳоли пунктлари таъминоти, ободончилиги ва кўкаламзорлаштирилиши бўйича ходимларнинг қўшимча сонига бўлган истиқболдаги эҳтиёжини аниқлаш юзасидан ялпи хатловдан ўтказиш. | 2009 йилнинг 1 сентябригача ва 2010 йилнинг 1 сентябригача | Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Даварxитект-қурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | Қишлоқдаги аҳоли турмуш сифатини яхшилашни ва ҳудудларни ободонлаштиришни назарда тутадиган комплекс чора-тадбирлар. |
| 15. | Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган банк томонидан қишлоқ аҳолисига намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишига камида 10 йил муддатга ва Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизига тенг миқдордаги фоиз ставкаси билан соддалаштирилган кредит беришни ташкил этиш.<br>Ёш оилаларга — фермер хўжаликлари аъзоларига намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой фонди қурилишига узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш механизмини татбиқ этиш. | 2009 йил июль | Молия вазирлиги, Марказий банк, қишлоқ қурилиши бўйича махсус «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки | 250000,0 | Мактаб таълимини ривожлантиришга ажратмалар ҳисобидан кредит ресурслари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси.<br>Қишлоқ жойларда 20 минг оиланинг уй-жой шароитлари яхшиланишини таъминлаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 16. | Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдаги уй-жой таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш, уларни барча турдаги солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлардан (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно) озод этиш. | 2009 йил давомида | «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | Алоҳида ҳисоб-китоб бўйича | Корхоналар ва ташкилотларнинг шахсий маблағлари Банкларнинг кредитлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг уй-жой таъмирлаш қурилиш ташкилотларини тузиш бўйича Фармони лойиҳаси.<br>Қишлоқда уй-жойларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш сифатини ошириш. 40 минггача кишини қўшимча равишда ишга жойлаштириш. |
| 17. | Қишлоқ жойларда уй-жой, ижтимоий объектлар, шаҳарчалар ичида йўллар, қурилиш индустрияси, саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этадиган пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун қишлоқ қурилиши уюшмасини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар тайёрлаш. | 2009 йил апрель | «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги | 1000,0 | Муассисларнинг шахсий маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ объектлари қурилишини амалга оширувчи пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи қишлоқ қурилиши уюшмасини ташкил этишни, қурилиш техникаси ва механизмлари билан жиҳозлашда кўмак беришни назарда тутадиган қарори лойиҳаси. |
| 18. | Табиий-иқлим ва демографик шароитлардан келиб чиқиб, қишлоқда уй-жойни самарали, сифатли ва эстетик қуришни тарғиб этишга йўналтирилган «Қишлоқдаги шинам уй» мавзусида телекўрсатувлар туркумини ташкил этиш. | 2009 йил I чорак | Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | Телекўрсатувлар туркуми.<br>Қишлоқ аҳолиси учун сифатли ва шинам яшаш шарт-шароитларини яратиш. |
| **б) Қишлоқда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш** | | | | | | |
| 19. | Маҳаллий аҳамиятга эга умумий фойдаланадиган 1913,9 км.га тенг автомобиль йўллари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш. | 2009 йил февраль | Молия вазирлиги, «Ўзавтойул» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги | 45000,0<br>шу жумладан<br>20000,0<br><br>25000,0 | Маҳаллий бюджет маблағлари<br>Республика йўл жамғармаси маблағлари | Ҳудудлар бўйича йўл-қурилиш ишлари ҳажмининг йиғма параметрлари акс эттирилишини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.<br>Қишлоқ жойларда автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш. |
| 20. | Қишлоқ жойларда йўналишларни янада ривожлантириш ва 67 та қўшимча автобус йўналишлари очиш ҳисобига қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган автотранспорт хизматлари даражаси ва сифатини ошириш. | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | Транспорт ҳаракатчанлиги даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш. |
| **в) Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш** | | | | | | |
| 21. | Қуйидагилар:<br>умумий узунлиги 1836 км янги сув ўтказгич ва водопровод тармоқлари қуриш;<br>республиканинг 304 та қишлоқ аҳоли пунктида сув таъминоти объектини реконструкция қилиш ва тиклаш ҳисобидан қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш. | 2009 йил февраль — ноябрь | Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 36260<br><br>20545 | Давлат бюджети, жумладан ХМИ иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича республика ҳиссаси | Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича Республика комиссиясининг баённомаси.<br>Қишлоқ аҳоли пунктларида водопровод тармоқлари ва иншоотларни реконструкция қилиш ва тиклаш 360 минг кишини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 22. | Халқаро молия институтларининг қарз маблағлари ва кредитлари ҳисобига сув таъминоти бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш, жумладан: «Қорақалпоғистон Республикасида, шу жумладан: Кегайли туманида — 15,2 км; Беруний туманида — 61,2 км; Хоразм вилоятида, шу жумладан: Қўшкўпир туманида — 14 км; «Хива-Янгиариқ» сув ўтказгичи — 18 км барпо этилишини назарда тутадиган «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш. | 2009 йил | Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги | 7,5 млн АҚШ доллари | Осиё Тараққиёт банки (Халқаро молия институтлари)нинг қарз маблағлари | 420,2 минг кишини, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасида — 220,2 минг кишини, Хоразм вилоятида — 200,0 минг кишини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш. |
| 23. | Қуйидагиларни: Қашқадарё вилоятида, шу жумладан: Қамаши туманида — 53,0 км; Косон туманида — 98 км. Навоий вилоятида, шу жумладан: Қизилтепа туманида — 63 км; Нурота туманида — 32 км. водопровод тармоқлари қурилишини назарда тутадиган «Қашқадарё ва Навоий вилоятлари қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва санитарияси» лойиҳасини амалга ошириш. | 2009 йил | | 10,8 млн АҚШ доллари | Осиё Тараққиёт банки (Халқаро молия институтлари)нинг қарз маблағлари | 110 минг кишини, шу жумладан Қашқадарё вилоятида — 70 минг кишини, Навоий вилоятида — 40,0 минг кишини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш. |
| 24. | Сурхондарё вилоятида, шу жумладан Олтинсой, Қумқўрғон, Музработ, Ангор, Шеробод, Бандихон ва Қизириқ туманларида сув ўтказгичларни тиклаш ва реконструкция қилиш. | 2009 йил мобайнида | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги | 625,0 | Давлат бюджети | Сув ўтказгичлар қувватини суткасига 45,0 минг куб метрга кўпайтириш ҳисобига қишлоқ аҳоли пунктларининг сув таъминотини яхшилаш. |
| 25. | 2010 — 2015 йилларда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлашни янада ривожлантириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2009 йил 1 июль | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | Ҳисоб-китоб бўйича | Буюртмачи маблағлари | Муайян қишлоқ ҳудудлари сув таъминоти тизимини такомиллаштиришга оид инвестиция лойиҳалари рўйхатини, уларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ва молиялаш манбаларини назарда тутувчи сув таъминотини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси |
| | **г) Қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат даражасига кўтариш** | | | | | |
| 26. | 2009 йилда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, 140 мингга янги иш ўринларини ташкил этиш, жумладан: — 452 та чакана савдо объектлари, асосан минимаркетлар; | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш | 30169,0 шу жумладан Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бажарувчилар, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари, «Микрокредит- | Бажарувчиларнинг биргаликдаги чора-тадбирлари. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | — 126 та умумий овқатланиш объектлари;<br>— 1856 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари (сартарошхоналар, ҳаммомлар, кийим, пойабзал тикиш ва таъмирлаш корхоналари, фотосалонлар, устахоналар ва бошқа)ларни ишга тушириш йўли билан. | | вазирлиги,<br><br>«Микрокредитбанк» ва тижорат банклари | ҳисобидан — 4212 млн. сўм; «Микрокре–дитбанк» ҳисобидан — 2673 млн. сўм | банк» акциядорлик-тижорат банки «Савдогарбанк», «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банки, «Ўзмиллийбанк», Халқ банки | |
| 27. | 2009 — 2015 йилларда аҳоли сони 500 кишидан ортиқ бўлган ҳар бир қишлоқ аҳоли пунктида камида битта минибанк фаолият кўрсатишини таъминлаш | 2009 — 2015 йиллар | Марказий банк, тижорат банклари | | Тижорат банклари маблағлари | Тижорат банклари Кенгаши қарори. |
| 28. | 5 минг кишигача аҳолиси бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида «ZiyoNet» компьютер тармоғига қўшилган электрон кутубхона фондига эга, шунингдек замонавий видеопроекцияли ускуна билан жиҳозланган ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш | 2009 — 2011 йиллар | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | Битта марказ — 200 млн. сўм | Давлат бюджети, жумладан ХМИ иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича республика ҳиссаси | Ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини, жумладан электрон кутубхона фонди билан танишиб чиқиш зали ва видеофильмлар томоша қилиш заллари ташкил этиш бўйича 2009 — 2011 йилларга мўлжалланган Идоралараро чора-тадбирлар дастури. |
| 29. | Қишлоқ жойларда ижтимоий аҳамиятли инфратузилма объектларини телефонлаштириш (3363 мактаб, 2388 мактабгача муассаса, 1249 қишлоқ врачлик пункти, 93 коллеж ва 70 касалхона). | 2009-2010 йиллар | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси | 5 млн. доллар эквивалентда | ХХР (ХМИ) имтиёзли кредити | Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани амалга ошириш бўйича қарори лойиҳаси.<br>Ижтимоий аҳамиятли инфратузилма объектларини тўлиқ телефонлаштириш, қишлоқ жойларда, шу жумладан чекка ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида барча таълим муассасаларининг ахборот тизимларидан бемалол фойдаланишларини таъминлаш. |
| 30. | Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ва бошқа вилоятларда 72 та аналог қишлоқ телефон станцияларини реконструкция қилиш. | 2009 йил мобайнида | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси | 1500,0 | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўз маблағлари, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига | Қишлоқ жойларда телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш тармоқ дастури.<br>Қишлоқ аҳоли пунктларининг рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олинишини 52 фоиздан 62 фоизгача кўпайтириш. |
| 31. | Қораўзак, Қўнғирот, Узун, Сариосиё, Денов, Кармана, Навбаҳор, Томди, Бўстонлиқ, Оқтош, Каттақўрғон, Косон туманлари ва бошқа туманларда 200 тадан ортиқ бориш қийин бўлган ва чекка аҳоли пунктларини почта алоқасининг анъанавий ва замонавий хизматлари билан қамраб олган ҳолда қишлоқ жойларда почта алоқасининг 20 та кўчма бўлимини ташкил этиш. | 2009 йил III чорак | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти | 300,0 | «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг ўз маблағлари | Почта алоқасини ривожлантиришнинг тасдиқланган дастурига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари режаси.<br>200 тадан ортиқ аҳоли пунктини почта алоқаси хизматлари билан қамраб олиш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 32. | Қишлоқ аҳолиси учун туризм тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш. Қишлоқ аҳолиси (ўқувчилар, оилалилар, жамоавий ва бошқалар) учун тизимли, имтиёзли асосда Ўзбекистон Республикасининг тарихий жойлари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа жойлар, шунингдек жамоавий дам олиш жойлари) бўйлаб саёҳатлар ташкил этиш. | 2009 йил мобайнида | «Ўзбектуризм» МК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | | Қишлоқ аҳолиси, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар маблағлари | Қишлоқ аҳолиси турли қатламининг маданий ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш бўйича бажарувчилар қарорлари. |
| 33. | Қишлоқ аҳолисининг, энг аввало, ёшларнинг театр ва концерт томошалари, музейлар ва бошқа тарихий жойларга боришини ташкил этиш. | 2009 йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЎМКҲТ маркази, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси | | Қишлоқ аҳолиси, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар маблағлари | Қишлоқ аҳолисининг турли қатлами маданий ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш бўйича бажарувчилар қарорлари. |
| 34. | Сирдарё вилоятида ўрта мактаблар ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларини ўтказиш. | 2009 йил май | Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги | 900,0 | Бюджет маблағлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва ҳомийлар маблағлари | Болаларни спортга, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, мактаб ўқувчиларининг, айниқса қишлоқ жойлардаги мактаб ўқувчиларининг маданий ва жисмоний даражасини ошириш. |
| | **д) Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш** | | | | | |
| 35. | 2009 йил мобайнида «Наврўз», «Мустақиллик» байрамларига бағишланган умумхалқ ҳашарлари ўтказиш йўли билан қишлоқ аҳоли пунктлари, кўчалар, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни ташкил этиш. | 2009 йил март, август | «Маҳалла» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси | 5000,0 | Ҳашар иштирокчиларининг ўз маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси.<br>Ҳудудлар, аҳоли пунктлари ва маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш. |
| 36. | Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда туман марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини, шунингдек ходимларнинг малакасига ва хизмат кўрсатиш зонаси ҳамда бажарадиган ишлар сифатига бевосита боғлиқ ҳолда ободонлаштириш бошқармаси ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш. | 2009 йил II чорак | «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | | | Ҳудудларни ободонлаштиришни таъминлаш ва ободонлаштириш бошқармалари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. |
| 37. | Тракторлар ва бошқа махсус транспорт ҳамда техника сотиб олинишини ҳисобга олган ҳолда 2009 — 2011 йилларда қишлоқ туманлари ободонлаштириш бўлимларининг моддий-тех- | 2009 йил I чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари | ҳисоб-китоб бўйича | Маҳаллий бюджет маблағлари, банкларнинг кредитлари | Қишлоқ аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ника базасини мустаҳкамлаш дастурини ишлаб чиқиш. | | | | | |
| 38. | Қишлоқ аҳоли пунктларида реконструкция қилиш элементлари билан 84 та деҳқон бозорлари ҳудудини ободонлаштириш. | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари | 15 000 | Муассислар маблағлари ва банкларнинг кредитлари | Қишлоқ жойларда савдони ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш. |
| **IV. Мамлакатимизнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, йиғма конструкциялар ва маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қурилишининг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этиш** | | | | | | |
| 39. | Боғловчи материаллар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш:<br>— Андижон (6 минг тонна) ва Тошкент (68 минг тонна) вилоятларида цемент ишлаб чиқариш;<br>— Андижон (2 минг тонна), Қашқадарё (1 минг тонна), Навоий (500 тонна) вилоятларида оҳактош ишлаб чиқариш;<br>— Қашқадарё вилоятида гипс (400 тонна) ишлаб чиқариш. | 2009 йил март — декабрь | Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари | 1240 | Хусусий маблағлар, банкларнинг кредитлари | Қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, қурилиш материаллари ва буюмлар турларини кўпайтириш,талаб юқори бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш имконини кенгайтириш. |
| 40. | Ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланилган ҳолда умумий қуввати йилига 81,1 миллионта бўлган замонавий, энергияни тежайдиган ғишт заводларини ишга тушириш, шу жумладан:<br>Қорақалпоғистон Республикасида — йилига 1,0 млн та<br>Андижон вилояти — йилига 4,1 млн та;<br>Жиззах вилояти — йилига 2,5 млн та;<br>Қашқадарё вилояти — йилига 12 млн та;<br>Навоий вилояти — йилига 4 млн та;<br>Наманган вилояти — йилига 1,0 млн та;<br>Самарқанд вилояти — йилига 12,0 млн та;<br>Сурхондарё вилояти — йилига 20,0 млн та;<br>Тошкент вилояти — йилига 15 млн та;<br>Фарғона вилояти — йилига 9,5 млн та. | 2009 йил май — октябрь | «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари | 2400 | Банкларнинг кредитлари | Қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, шу жумладан транспорт харажатларини камайтириш ҳисобига ғишт ва умуман қурилиш қийматини арзонлаштириш. |
| 41. | Қишлоқ жойларда замонавий том ёпиш материаллари тайёрлаш бўйича 6 та ишлаб чиқариш объектини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:<br>Андижон вилояти — 170 минг та/йил;<br>Бухоро вилояти — 250 минг та/йил;<br>Қашқадарё вилояти — 500 минг та/йил;<br>Навоий вилояти — 500 минг та/йил;<br>Хоразм вилояти — 500 минг та/йил;<br>Тошкент вилояти — 210 минг кв м. | 2009 йил март — декабрь | «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 800,0 | «Ўзсаноатқурилишбанк» кредитлари | Ишлар сифатини ошириш, бинолар томидан фойдаланиш муддатларини узайтириш ва харажатларни камайтириш, талаб юқори бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 42. | Қуйидаги 6 та карьер ва конларда қувватларни тиклаш, реконструкция қилиш ва кўпайтириш: Севаз, Китоб шаҳри (қоплама тош), Сайроб (қоплама тош), Ғаллаорол (гипс), Кармана (қумли шағал), Нукус (оҳактош), Қизилқум (қум). | 2009 йил, апрель — ноябрь | «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Давлат геология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари | 5000 | Банкларнинг кредитлари | Қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, қурилиш материаллари ва буюмлари турларини кўпайтириш ва қийматини пасайтириш. |
| 43. | Замонавий безак материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш:<br>— Самарқанд (200 минг кв. м) ва Сурхондарё (200 минг кв. м) вилоятларида гипсокартон;<br>— Бухоро (3 минг тонна) ва Тошкент (2 минг тонна) вилоятларида қуруқ безак аралашмалар;<br>— Қашқадарё (400 тонна) ва Самарқанд (500 тонна) вилоятларида алебастр ва қурилиш оҳаги;<br>— Тошкент вилоятида (1 минг тонна) пластик материаллар;<br>— Қорақалпоғистон Республикасида (1 минг тонна) вермикулит;<br>— Қашқадарё (1 минг кв м) ва Хоразм (9 минг кв м) вилоятларида дераза, эшик блоклари ва ойна пакетлар. | 2009 йил март — декабрь | «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 2640,0 | Ўз маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, банкларнинг кредитлари | Қурилиш материаллари ва буюмлари турларини кўпайтириш ва қийматини пасайтириш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш. |
| 44. | Чимбой, Андижон, Чуст, Сирдарё, Фарғона туманларида енгил қурилиш конструкцияларидан (шу жумладан, «сэндвич» типидан) фойдаланган ҳолда тоғли ва бориш қийин бўлган туманларда болалар спортини ривожлантириш дастури доирасида 5 та лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2009 йил июнь — декабрь | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари | 1155,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси | Қурилиш муддатларини қисқартириш, иш сифатини ошириш ва йиғма темир-бетон ишлаб чиқарилмайдиган ва уларни етказиб бериш имконияти бўлмаган жойларда индустриал методларни қўллаш. |
| 45. | Йиғма конструкцияларнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини хатловдан ўтказиш ва қуйидагилар бўйича ҳудудий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш:<br>— йиғма конструкциялар ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш;<br>— йиғма конструкциялар ва маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда қишлоқда объектлар қурилишининг индустриал ва йиғма технологияларини татбиқ этиш. | 2009 йил январь — апрель | Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давархитектқурилиш қўмитаси, «Ўздавстандарт», Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | ҳисоб-китоб бўйича | Корхоналар маблағлари, банклар кредитлари | Республика ҳудудларида мавжуд йиғма конструкциялар ишлаб чиқариш қувватларини белгилаш.<br>Қишлоқ қурилишида йиғма конструкцияларни татбиқ этишни, қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал методларини қўллаш, қурилиш муддатларини қисқартиришни назарда тутувчи ҳудудий комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 46. | Йиғма конструкцияларни қўллаш билан, жумладан:<br>— қишлоқда объектларни қуришнинг индустриал усуллари каталогларини ишлаб чиқиш ва чоп этиш;<br>— қурилиш иштирокчиларини техник ва технологик ҳужжатлар билан таъминлаш;<br>— қишлоқда йиғма конструкцияларни йиғиш ва монтаж қилиш бўйича асбоб-ускуналар ярмаркасини ўтказишни ҳисобга олган ҳолда қурилиш иштирокчиларига техникавий ёрдам кўрсатиш. | 2009 йил сентябрь<br><br>йил давомида<br><br>2009 йил IV чорак | Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси,<br><br>«Даврархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўздавстандарт» | ҳисоб-китоб бўйича | Бажарувчиларнинг шахсий маблағлари | Йиғма конструкцияларни қўллаган ҳолда қишлоқда қурилиш ишларини амалга оширишнинг юқори техникавий даражасини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, қурилиш ташкилотлари ходимларининг малакасини ошириш. |
| 47. | Қурилиш материаллари (цемент, металл маҳсулотлари, деворбоп материаллар)ни ҳамёнбоп нархда сотиш бўйича 77 та фирма дўкон ва филиаллар ташкил этиш. | 2009 йил февраль — сентябрь | «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 4000 | Банк кредитлари, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки | Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Воситачиларсиз қурилиш материаллари сотиш механизмини жорий этиш, қурилиш қийматини пасайтириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш. |
| **V. Энергия таъминотининг мавжуд объектларини реконструкция қилиш ва янги объектларини қуриш ҳисобига қишлоқни зарур энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш** | | | | | | |
| 48. | Қишлоқ жойлардаги мавжуд электр тизимлари ва газ тармоқларини янги ишга тушириладиган ишлаб чиқариш қувватлари эҳтиёжини жадал қондириш мақсадида ялпи хатловдан ўтказиш. | 2009 йилнинг I чораги давомида | «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекнефтгаз»МХК, «Ўзтрансгаз» АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | Аниқ молиялаш манбаларини ҳисобга олган ҳолда, 2009 — 2011 йилларда энерготаъминот тизимини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ таклифлар билан уларнинг жорий ҳолатини акс эттирувчи техник ҳолат ҳужжатлари. |
| 49. | Узунлиги 2558,3 км, қуввати 35 — 110 кв бўлган мавжуд электр таъминоти тармоқларини, шу жумладан бажариш даврлари бўйича қуйидагиларни мукаммал таъмирлаш:<br>а) 688 км (Қорақалпоғистон Республикасида — 6,4 км, Андижон вилоятида — 60,0 км, Бухоро вилоятида — 53 км, Жиззах вилоятида — 24,0 км, Қашқадарё вилоятида — 190,0 км, Навоий вилоятида — 35,0 км, Наманган вилоятида — 125,0 км, Самарқанд вилоятида — 37,5 км, Сурхондарё вилоятида — 22,0 км, Сирдарё вилоятида — 17,5 км, Тошкент вилоятида — 28,6 км, Фарғона вилоятида — 89,0 км);<br>б) 1146,5 км (Қорақалпоғистон Республикасида — 46,0 км, Андижон вилоятида — 21,6 км, Бухоро вилоятида — 75,0 км, Жиззах вилоятида — 65,0 км, Қашқадарё вилоятида — 103,8 км, Навоий вилоятида — 160,0 км, Наманган — | <br><br><br>2009 йил 1 апрелгача<br><br><br><br>2009 йил 1 июлгача | «Ўзбекэнерго» ДАК | 8000,0<br><br><br>2150,0<br><br><br><br>3600,0 | Ўз маблағлари | Қишлоқ жойлардаги истеъмолчиларнинг энергия таъминоти ишончлилигини ошириш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 34,0 км, вилоятида — 168,4 км, Самарқанд вилоятида — 34,0 км, Сурхондарё вилоятида — 119,0 км, Сирдарё вилоятида — 99,0 км, Тошкент вилоятида — 149 км, Фарғона вилоятида — 83,4 км, Хоразм вилоятида — 22,0 км);<br>в) 723,8 км (Қорақалпоғистон Республикасида — 91,4 км, Андижон вилоятида — 65,0 км, Бухоро вилоятида — 58,0 км, Қашқадарё вилоятида — 120,5 км, Навоий вилоятида — 37,5 км, Наманган вилоятида — 79,0 км, Самарқанд вилоятида — 111,0 км, Сурхондарё вилоятида — 49,0 км, Тошкент вилоятида — 52,0 км, Фарғона вилоятида — 37,4 км, Хоразм вилоятида — 23,0 км). | 2009 йил 1 октябргача | | 2250,0 | | |
| 50. | Узунлиги 14,42 км, қуввати ВЛ 0,4 — 10 кв бўлган қишлоқ тармоқларини реконструкция қилиш ва Бухоро вилоятининг 10 та туманида ТП қурилмаларини ўрнатиш, шу жумладан:<br>— 3,1 км (Жондор туманида — 1,1 км, Пешку туманида — 1,5 км, Қоракўл туманида — 0,5 км);<br>— 8,72 км (Бухоро туманида — 1,5 км, Ромитан туманида — 1,3 км, Олот туманида — 2,7 км, Шофиркон туманида — 0,72 км, Когон туманида — 2,5 км );<br>— 2,6 км (Вобкент туманида — 2,3 км, Ғиждувон туманида — 0,3 км). | 2009 йил<br>1 июнгача<br>1 июлгача<br>1 августгача | «Ўзбекэнерго» ДАК | 650,0 | Ўз маблағлари | 10 та қишлоқ аҳоли пунктида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳолисини электр энергияси билан кафолатли ва узлуксиз таъминлаш. |
| 51. | Узунлиги 153,9 км бўлган электр энергияси узатиш линияларини ва 2 та ёрдамчи станцияни (35 кВ, 110 кВ) қуриш, шу жумладан:<br>— Бухоро вилоятида ВЛ 110 кВ Газли-Кўрғон — 53,8 км;<br>— Самарқанд вилоятида — ВЛ 110 кВ, ЁС Ургут — 2 (16 минг кВА) — 30,8 км, ВЛ 110 кВ — Сувли-Зирабулоқ — 57,3 км;<br>— Сурхондарё вилоятида — ВЛ 35 кВ, ЁС Сурхонтўқимачи, 12 км. | 2009 йил 1 декабргача<br>1 октябргача<br>1 декабргача | «Ўзбекэнерго» ДАК | 5100,0<br>400,0<br>2800,0<br>1900,0 | Ўз маблағлари | Истеъмолчиларнинг электр таъминоти ишончлилигини ошириш.<br>Янгидан ташкил этилаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари қувватларини электр қувватларини электр энергияси билан кафолатли таъминлаш. |
| 52. | 2010-2011 йилларда қишлоқ жойлардаги электр таъминоти тизимларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш: | 2010-2011 йиллар | «Ўзбекэнерго» ДАК, «Қишлоқэнерголойиҳа» ОАЖ, «Ўртаосиётармоқлойиҳа» ОАЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар | 142300,0, шу жумладан 2010 йилда 62100,0, 2011 йилда | а) корхоналарнинг «Ўзбекэнерго» ДАКнинг махсус ҳисоб рақамида жамланадиган | «Ўзбекэнерго» ДАК нинг қишлоқ жойлардаги электр таъминоти тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича ташкилий-техник тадбирлари комплекси, бунда 2010-2011 йилларда янгидан ишга туширилаётган ин- |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | — мавжуд электр таъминоти тармоқларини, шу жумладан 35 — 110 кВ (4900 км) юқори вольтли линияларни мукаммал таъмирлаш;<br>— мавжуд электр таъминоти тармоқларини, шу жумладан 35 — 110 кВ (896,6 км) электр энергияси узатиш линияларини, 35 — 110 кВ қувватли 29 та ёрдамчи станцияларни янгидан қуриш ва реконструкция қилиш. | | ҳокимликлари | 80200,0 | 33,3 млрд сўм миқдоридаги ўз маблағлари;<br>б) инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари бўлган корхона-ларнинг 109 млрд сўм миқдоридаги ўз маблағлари. | дустрия ва ижтимоий инфратузилма объектлари эҳтиёжини жадал қондириш ҳисобга олинади.<br>Қишлоқ жойларда энергетика асбоб-ускуналари ва электр тармоқлари ишининг ишончлилигини ошириш. |
| 53. | 2009 — 2012 йилларда қишлоқ жойлардаги газ таъминоти тизимларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, улар қуйидагиларни назарда тутади:<br>а) мавжуд газ таъминоти тармоқлари ва объектларини мукаммал таъмирлаш, шу жумладан:<br>— юқори босимли (854,5 км);<br>— ўртача ва паст босимли (1406,6 км);<br>— ГҚК(641та).<br>б) мавжуд газ таъминоти тармоқлари ва объектларини реконструкция қилиш, шу жумладан:<br>— юқори босимли (512 км);<br>— ўртача ва паст босимли (889 км);<br>— ГҚК(454та). | 2009 — 2012 йиллар | «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзгазлойиҳа» МЧЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 80000,0 шу жумладан, 2009 йилда 18000,0, 2010 йилда 21000,0, 2011 йилда 17000,0, 2012йилда 24000,0 | Корхоналарнинг «Ўзтрансгаз» АКнинг махсус ҳисоб рақамларида жамланадиган ўз маблағлари | Қишлоқ жойлардаги газ таъминоти тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш бўйича «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг ташкилий-техник тадбирлар комплекси, бунда 2010-2011 йилларда янгидан ишга туширилаётган индустрия ва ижтимоий инфратузилма объектлари эҳтиёжларини жадал қондириш ҳисобга олинади.<br>Газ асбоб-ускуналари ва газ қувурлари тармоқлари ишлашининг ишончлилигини ошириш. |
| 54. | Қишлоқ жойларда узунлиги 271,1 км бўлган, шу жумладан 115,5 км юқори босимли газ қувурларини, 155,6 км ўртача ва паст босимли газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, — улардан давр бўйича:<br>а) 33,9 км, шу жумладан ЮБГ — 14,4 км, ЎПБ — 19,5 км (Қорақалпоғистон Республикасида — 4,3 км, Андижон вилоятида — 2 км, Бухоро вилоятида — 1,3 км, Жиззах вилоятида — 0,5 км, Қашқадарё вилоятида — 3,6 км, Навоий вилоятида — 0,8 км, Наманган вилоятида — 0,9 км, Самарқанд вилоятида — 3,3 км, Сурхондарё вилоятида — 5,7 км, Сирдарё вилоятида — 3,6 км, Тошкент вилоятида — 3,8 км, Фарғона вилоятида — 1,7 км, Хоразм вилоятида — 2,4 км); | <br><br><br><br>2009 йил 1 апрелгача | «Ўзтрансгаз» АК<br><br><br><br>«Ўзтрансгаз» АК | 11200,0<br><br><br><br>1400,0 | Ўз маблағлари | Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларидаги 178 минг уйнинг газ таъминотини яхшилаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | б) 101,7 км, шу жумладан ЮБГ — 43,3 км, УПБ — 58,4 км (Қорақалпоғистон Республикасида — 13 км, Андижон вилоятида — 6,1 км, Бухоро вилоятида — 3,8 км, Жиззах вилоятида — 1,5 км, Қашқадарё вилоятида — 10,8 км, Навоий вилоятида — 2,4 км, Наманган вилоятида — 2,7 км, Самарқанд вилоятида — 9,8 км, Сурхондарё вилоятида — 17,1 км, Сирдарё вилоятида — 10,9 км, Тошкент вилоятида — 11,3 км, Фарғона вилоятида — 5,1 км, Хоразм вилоятида — 7,2 км);<br>в) 135,6 км, шу жумладан ЮБГ — 57,8 км, ЎПБ — 77,8 км (Қорақалпоғистон Республикасида — 17,4 км, Андижон вилоятида — 8,2 км, Бухоро вилоятида — 5,1 км, Жиззах вилоятида — 2 км, Қашқадарё вилоятида — 14,4 км, Навоий вилоятида — 3,2 км, Наманган вилоятида — 3,6 км, Самарқанд вилоятида — 13,1 км, Сурхондарё вилоятида — 22,8 км, Сирдарё вилоятида — 14,6 км, Тошкент вилоятида — 15,1 км, Фарғона вилоятида — 6,8 км, Хоразм вилоятида — 9,6 км). | 2009 йил 1 июлгача<br>2009 йил 1 октябргача | «Ўзтрансгаз» АК<br>«Ўзтрансгаз» АК | 4200,0<br>5600,0 | | |
| 55. | Электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлар ҳақини йиғиш вазифаларини хусусий операторларга бериш механизмини жорий этиш, ушбу операторлар даромадлари тўловларни йиғиш даражасини тўланиши керак бўлган сумманинг 90 % идан ортиқ миқдорда таъминлаш ҳисобига шаклланади. | 2009 — 2012 йилларда босқичма-босқич | «Ўзбекэнерго» ДАК, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари | | | Бошқа мамлакатлар тажрибаси асосида электр энергияси чакана бозори фаолият кўрсатиш концепциясини, хусусий операторнинг ишлаш механизмини ишлаб чиқиш.<br>Электр энергияси сотиш функцияларини хусусий операторларга бериш, электр энергияси чакана бозори фаолият кўрсатишининг ягона қоидаларини белгилаш, компаниялар хусусий операторлар учун электр-энергияси тарифларини белгилаш мақсадида танлов савдолари ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш. |
| 56. | Олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида яшайдиган қишлоқ аҳолисига суюлтирилган газ ва кўмирни узлуксиз етказиб бериш мақсадида хизматлар кўрсатиш бўйича хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган сервис марказлари ташкил этиш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш. | 2009 йил март — декабрь | «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари | | | Бориш қийин бўлган ва олис қишлоқ аҳоли пунктларига бевосита яқин жойларда суюлтирилган газ ва кўмирни узлуксиз етказиб бериш хизматлари кўрсатиш бўйича сервис марказлари ташкил этиш юзасидан ташкилий-техник чора-тадбирлар комплекси, ушбу марказларни зарур махсус транспорт ва газ балонлари билан таъминлаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **VI. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, фермерларга янги имтиёзлар ва преференциялар бериш, қишлоқда шаклланаётган янги мулкий муносабатларни ўрта синф-мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш** | | | | | | |
| 57. | Қишлоқда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва мулкдорларнинг ўрта бўғинини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини инвестициялар жалб этиш, замонавий минитехнологияларга ва ихчам асбоб-ускуналарга асосланган қайта ишлаш ишлаб чиқаришларини ташкил қилиш, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш масалаларида қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш. | 2009 йил | Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | алоҳида ҳисоб-китоблар бўйича | ўз маблағлари, ҳомийлар маблағлари | Инвестициялар жалб этиш, ишлаб чиқаришлар ташкил қилиш ва янги иш ўринлари яратиш учун фермер хўжаликларига қулай шарт-шароитлар яратиш.<br>Аграр секторни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар манфаатларини таъминлаш. |
| 58. | Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2009 йил II чорак | Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Даврхитект-қурилиш» қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси:<br>қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш учун, айни пайтда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, ер ажратиш тартибини;<br>қишлоқ жойларда жойлаштириладиган объектлар учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирганлик, шу жумладан муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаганлик учун тўлов ставкаларини пасайтиришни;<br>қишлоқ аҳоли пунктларига ва объектларга муҳандислик коммуникациялари олиб келиш дастурларини тасдиқлашни назарда тутади. |
| 59. | Мажбуриятларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан масъулиятни оширишга, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар ҳажмлари ва турларини кенгайтиришга йўналтирилган намунавий низомлар ва шартномаларни қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи фермер ва деҳқон хўжаликларига корхоналар ва ишлаб чиқариш ҳамда бозор инфратузилмаси ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси. | 2009 йил I чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкимёсаноат», «Ўзнефтмаҳсулот» компаниялари, «Ўзагромашсервис уюшмаси, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | Хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулиятини оширишни, шу жумладан намунавий низомлар ва шартномаларнинг қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи ташкилий тадбирлар комплекси. |
| 60. | Фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини қисқартириш бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш технологик хариталарини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи тавсиялар ишлаб чиқиш. | 2009 йил I чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 50 | Бажарувчиларнинг ўз маблағлари | Қишлоқ хўжалиги экинлари ўстиришнинг янги технологик хариталарини ишлаб чиқиш.<br>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини қисқартириш, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва даромадларини ошириш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 61. | Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги техникасини (7547 та), шу жумладан лизинг ҳисобига — 5902 та, тижорат банклари кредитлари ҳисобига — 1208 та, ўз маблағлари ҳисобига — 437 та етказиб бериш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг энергия билан таъминлаганлигини ошириш. | 2009 йил мобайнида | Молия вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси, тижорат банклари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари | 130315,0,<br>шу жумладан 58400,0<br><br>71751,0 | Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилиш жамғармаси маблағлари тижорат банклари кредитлари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 14 ноябрдаги 247-сон қарорини амалга ошириш доирасида.<br>Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг моддий-техника базасини яхшилаш. |
| 62. | Қуйидагилар ҳисобига фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни устувор ривожлантириш: | | | | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ–308-сон ва 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ–842-сон қарорларини амалга ошириш доирасида.<br>Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарорлари ва қурилиш учун рухсатномалари. |
| | а) сунъий уруғлантириш салмоғини 20 фоизгача кўпайтириш ва 7 минг бош наслдор мол келтириш йўли билан наслчилик ишларини яхшилаш; | 2009 йил мобайнида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Наслхизмат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари | 53541 | Банклар кредитлари | |
| | б) чорва озуқаси экинлари майдонини 46,4 минг гектарга кўпайтирган ҳолда 324,6 минг гектаргача етказиш; | 2009 йил мобайнида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | | | Қуйидагилар бўйича ташкилий чора-тадбирлар комплекси:<br>— чорвачилик, шунингдек мева-сабзавотчилик ва узумчилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш;<br>— аҳолини янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш;<br>— озиқ-овқат маҳсулотлари импортини қисқартириш;<br>— янги иш ўринлари яратиш. |
| | в) омухта озуқалар ишлаб чиқаришни 803,5 минг тоннагача етказиш; | 2009 йил мобайнида | «Ўздонмаҳсулот» АК | | | |
| | г) 98 та зооветеринария пунктлари ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш; | 2009 йил мобайнида | | 27040 | | |
| | д) республиканинг ҳар бир қишлоқ туманида иккитадан паррандачилик фермаси ташкил этиш.<br>Ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ноанъанавий ёғли экинлар (кунгабоқар, масхар, кунжут) майдонларини 12,0 минг гектарга кенгайтириш ва етиштириш. | 2009 йил мобайнида<br>2009 йил мобайнида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ёғмойозиқовқатсаноат» уюшмаси | 376,0 | Банклар кредитлари<br>«Пахта-банк» кредитлари | |
| 63. | Ҳар бир қишлоқ туманида муқобил иссиқлик манбаларидан фойдаланган ҳолда камида 5 та енгил конструкцияли иссиқхона ташкил этиш. | 2009 йил май — декабрь | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 9559,0 | Банклар кредитлари | Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкалари ажратиш тўғрисидаги қарорлари ва қурилиш учун рухсатномалари. |
| 64. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ–255-сон қарори билан | 2009 йил апрель | Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январ- |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | берилган солиқ имтиёзлари амал қилишини 2 йилга узайтириш йўли билан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни қайта ишлаш бўйича агросаноат фирмалари фаолиятини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш. | | | | | даги 255-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш бўйича қарори лойиҳаси.<br>Агросаноат корхоналарини ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш. |
| 65. | Бошоқли дон уруғлари етиштирувчи хўжаликларни, шунингдек навлар оригинаторлари — илмий муассасалар, селекционер олимлар ва уруғшуносларни рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2009 йил I чорак | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АК | | | Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қарори.<br>Бошоқли дон экинларининг юқори сифатли уруғи етиштиришни рағбатлантириш. |
| 66. | Жойларда фермер хўжаликларига консалтинг, бухгалтерия хизмати кўрсатиш, шунингдек ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш марказлари ташкил этган ҳолда йириклаштирилган фермер хўжаликлари фермерларини қисқа муддатли ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш. | 2009 йил ва кейинчалик доимий равишда | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари | | Бажарувчилар ва ўқитиладиганлар маблағлари | Ўқитиш дастурлари, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш чора-тадбирлари комплекси. |
| **VII. 2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ энг аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш** | | | | | | |
| 67. | Қуйидагилар ҳисобига ихтисослаштирилган сув хўжалиги қуриш ва фойдаланиш ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, шунингдек фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш: | | | | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ–817-сон қарорини бажариш доирасида. |
| | а) ихтисослаштирилган сув хўжалиги қуриш ва фойдаланиш ташкилотларига, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига, шунингдек фермер хўжаликларига 130 та экскаватор, 30 та бульдозер ҳамда бошқа мелиоратив техника, машина ва механизмлар етказиб бериш; | 2009 йил | «Ўзмелиомашлизинг» компанияси, Мелиорация жамғармасини бошқариш департаменти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | 130000,0<br>шу жумладан<br>27300,0 | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси<br>Халқаро молия институтлари | Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш. |
| | б) қуйидагиларни таъмирлаш ва тиклаш йўли билан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш:<br>магистрал коллекторлар — 6 км;<br>туманлараро коллекторлар — 200 км;<br>хўжаликлараро коллекторлар — 11428 км;<br>ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари — 1290 км; | 2009 йил | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Мелиорация жамғармасини бошқариш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 47290,0 | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ–817-сон қарорини бажариш доирасида.<br>243 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | вертикал дренаж қудуқлари — 1305 та;<br>мелиоратив насос станциялари — 56 та ва бошқалар;<br>в) мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, шу жумладан:<br>магистрал коллекторлар — 55 км;<br>туманлараро коллекторлар — 227 км;<br>хўжаликлараро коллекторлар — 318 км;<br>вертикал дренаж қувурлари — 258 та;<br>мелиоратив насос станциялари — 12 та;<br>ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини тиклаш — 233 км;<br>кузатиш тармоқлари — 485 та. | 2009 йил | Мелиорация жамғармасини бошқариш департаменти, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 55410,0 | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ–817-сон қарорини бажариш доирасида.<br>Коллектор-дренаж сувларини кафолатли чиқариб юбориш, 243 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. |
| 68. | Ирригация тизимини таъмирлаш ва тиклаш, шу жумладан:<br>хўжаликлараро каналлар — 4580 км;<br>гидротехника иншоотлари — 4472 та;<br>гидропостлар — 5250 та;<br>насос агрегатлари — 2710 та;<br>суғориш учун қудуқлар — 1423 та. | 2009 йил I ва IV чораклар | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 7700,0 шу жумладан:<br>1200,0<br>1350,0<br>1250,0<br>1500,0<br>2400,0 | Давлат бюджети | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг комплекс тадбирлари.<br>Сув хўжаликлари тизимларининг техник ҳолатини ва уларни бошқаришни яхшилаш, уларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш, кафолатланган сув бериш. |
| 69. | Қуйидагиларни қуриш ва реконструкция қилиш:<br>каналлар — 59 км;<br>насос станциялари — 0,7 куб.м/сек;<br>сув омборлари — 305 млн.куб метр;<br>суғориш учун қудуқлар — 20 та. | 2009 йил мобайнида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Тошкент, Самарқанд Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари | 9400,0<br>3700,0<br>43300,0<br>800,0 | Давлат бюджети | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги ПҚ–969-сон қарорини бажариш доирасида.<br>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 12,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотини ошириш.<br>Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг 3,8 минг гектар суғориладиган ерларига кафолатланган сув бериш.<br>Жиззах ва Наманган вилоятларининг 30 минг гектар суғориладиган ерларига кафолатланган сув бериш.<br>Наманган вилоятидаги 300 гектар суғориладиган ерларга кафолатланган сув бериш. |
| 70. | Тегишли асбоб-ускуналар ва тизимларни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этган ҳолда 2009 — 2020 йилларда том- | 2009 йил 1 октябргача | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар | | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг томчилатиб суғориш тизимларини босқичма-босқич жорий этиш дастурини, зарур асбоб-ус- |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | чилатиб суғориш тизимларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш. | | Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари ва бошқалар | | | куналарни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутадиган қарори лойиҳаси. |
| 71. | Республика вилоятларида 2009 йилда жами 3710 гектар майдонда томчилатиб суғоришни жорий этиш. | 2009 йил мобайнида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари ва бошқалар | 18550,0 | Фермер хўжаликларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредит маблағлари ва ҳомийлар маблағлари | Сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш.<br>Ҳар йили 1 гектар ҳисобига қарийб 2000 — 3000 куб метр сув ресурсларини тежаш. |
| 72. | Моддий-техник базани яхшилаш, шу жумладан қуйидагилар ҳисобига: | 2009 йил мобайнида | | 71,21 млн доллар | ХМИ маблағлари | |
| | а) ХХРдан :<br>— Андижон сув омборидаги ГЭС — 2 учун;<br>— Бухоро вилоятидаги «Қоракўл» насос станциясини реконструкция қилиш учун:<br>— Оҳангарон сув омборидаги МГЭС учун асбоб-ускуналар етказиб бериш; | 2009 йил | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | 2,93 млн.долл. | ХМИ маблағлари | ХХРдан асбоб-ускуналар етказиб бериш. |
| | б) қуйидагиларни реконструкция қилиш:<br>— «Аму-Занг» машина канали тизими;<br>— Андижон вилоятидаги «Раиш-Хакент-1» насос станцияси;<br>— Андижон вилоятидаги «Улуғнор» насос станцияси;<br>— Бухоро вилоятидаги «Қуйимозор» насос станцияси («Қуйимозор» кўчма насос станцияларини стационар режимга ўтказиш);<br>— Андижон вилоятидаги (Гулбаҳор-1к» насос станцияси;<br>— Бухоро вилоятидаги «Олот» насос станцияси: | 2009 йил | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | 44,98 | ХМИ маблағлари | Машина каналлари тизимини тузатиш. |
| | в) Жанубий Қорақалпоғистондан дренажни узайтириш — Ўзбекистон дренаж лойиҳаси; | 2009 йил | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | 8,90 | ХМИ маблағлари | Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларидаги 100,0 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. |
| | г) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув таъминотини ошириш. | 2009 йил | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | 14,40 | ХМИ маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув таъминотини ошириш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **VIII. Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш** | | | | | |
| 73. | Қишлоқ жойларда камида 65 минг янги иш ўринлари, шу жумладан:<br>— чорвачиликда, паррандачиликда ва иссиқхона хўжалигида (35 минг);<br>— қишлоқ хўжалиги ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашда (8 минг);<br>— тикувчилик буюмлари, пойабзаллар, мебеллар ишлаб чиқаришда, (9 минг);<br>— қандолатчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (6 минг);<br>— маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда (7 минг) янги иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган, кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш. | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари | 10000,0, шу жумладан:<br>7000,0<br>3000,0 | «Микрокредитбанк» АКБ кредитлари<br>Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бандликни таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш ҳудудий дастурлари.<br>Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятини кўпайтирадиган, кўп меҳнат талаб қиладиган иш ўринлари ташкил этиш. |
| 74. | Етакчи хорижий компаниялар — минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар бўйича доимий ишлайдиган кўргазма-савдолар ва ярмаркалар ташкил этиш. | 2009 йил май | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари | 12000,0 (контрактлар ҳажми) | Банкларнинг кредитлари | Вазирлар Маҳкамасининг келгусидаги тадбирлар доирасида 50 тадан ортиқ хорижий компаниялар — мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси. |
| 75. | Республика минтақаларида, шу жумладан Тошкент, Фарғона, Урганч, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида қуйидаги йўналишлар бўйича мини-технологиялар асбоб-ускуналарнинг мавзули кўргазмаларини ўтказиш:<br>— мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш;<br>— чорвачиликни ривожлантириш;<br>— чарм ва жунни қайта ишлаш;<br>— гўшт-сут ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш;<br>— паррандачиликни ривожлантириш;<br>— нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш;<br>— ўраш-жойлаш асбоб-ускуналари; | 2009 йил май — июль | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, тижорат банклари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари | 4500,0 | Банкларнинг кредитлари | Мавзули кўргазмалар ташкил этиш йўли билан минтақаларда қатнашчиларнинг кўргазмаларга бориши учун қулай шарт-шароитлар ташкил этиш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | — касаначиликни ташкил этиш учун мини-технологиялар, шу жумладан тикувчилик ва гилам буюмлари ишлаб чиқариш анжомлари. | | | | | |
| 76. | Барча минтақаларда илғор хорижий технологияларни жорий этган ҳолда мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва идишларга жойлаш бўйича корхоналар ташкил этиш (8 та янги корхона ташкил этиш ва 12 та мавжуд корхонани модернизация қилиш). | 2009 йил мобайнида | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Марказий банк ва тижорат банклари | 13300,0 | Банкларнинг кредитлари | Аниқ объектлар бўйича техник-иқтисодий асослашни ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Кўргазма-савдолар ўтказиш якунлари бўйича 200 тадан кўп лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан сифатли қайта ишланган мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш. |
| 77. | Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан кафолатли барқарор таъминлаш учун барча минтақаларда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш учун аванс бериш, уларни харид қилиш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича ихтисослаштирилган компаниялар ташкил этиш. | 2009 йил мобайнида | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари | 10000,0 | Банкларнинг кредитлари | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси.<br>Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан барқарор таъминлаш, куз-қиш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ошишининг олдини олиш. |
| 78. | Қишлоқ жойларда 70 минг янги касаначилик иш ўринлари ташкил этиш, шу жумладан:<br>— 32 минг — тикувчилик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель саноати корхоналари билан кооперациялашда;<br>— 22 минг — ҳунармандчилик ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ҳисобига;<br>— 16 минг — пудрат шартномалари бўйича ишларни уйда бажариш асосида. | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлари ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, хўжалик бирлашмалари | 10000,0 шу жумладан:<br>7000,0<br><br>3000,0 | «Микрокредит-банк» АКБ кредитлари,<br>Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурлари.<br>Касаначиликни ташкил этиш ҳисобига қишлоқ аҳолиси бандлигини ошириш. |
| 79. | Қуйидагиларни:<br>— коллежлар битирувчиларидан ва вақтинчалик ишламаётган ёшлардан 130 минг нафарини;<br>— Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган ёшлардан 18 минг нафарини;<br>— жумладан касаначиликни ташкил этиш йўли билан квоталанган иш ўринларига камида 2 минг нафар ногиронларни ишга жойлаштиришни таъминлаш. | 2009 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамғармаси | 600,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Ёшларни, коллежларнинг битирувчиларини, шунингдек Қуролли Кучлардан бўшатилган ёшларни ва имконияти чекланган шахсларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш. |
| 80. | Ҳомийлик маблағлари ва Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг имтиёзли кредитлари ҳисобига республиканинг ҳар бир қишлоқ туманида камида 50 та кам таъминланган оилани бир | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза | 5300,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Бандликни таъминлаш ва кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | бошдан қорамол билан таъминлаш, бу 7 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради. | | қилиш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси | | | |
| 81. | Қуйидагиларни:<br>— қишлоқ жойлардаги корхоналар ва ташкилотлар эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда базавий касб-ҳунар коллежларида 20 минг ходимни;<br>— анъанавий ҳунармандчилик туманларида (Риштон, Шаҳрихон, Чуст, Ургут, Нурота, Шаҳрисабз, Ғиждувон, Бойсун, Тўрткўл, Хива ва бошқа туманларда) халқ ҳунармандчилиги ўргатиш учун «Усто-шогирд» методи бўйича кам таъминланган оилалардаги фуқаролар ҳисобига 10 минг ходимни тайёрлаш. | 2009 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Ҳунарманд» бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 1600,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш ва моддий аҳволини яхшилаш.<br>Ишсизларни халқ ҳунармандчилиги касбларига ўқитиш. |
| 82. | Кичик корхоналар ва микрофирмалар (қурилиш материаллари, халқ истеъмол товарлари ва бошқаларни ишлаб чиқаришни) фермер хўжаликлари, иссиқхона хўжаликларини, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 110 минг янги иш ўринлари ташкил этиш. | 2009 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, хўжалик юритувчи бирлашмалар | 132402,0, шу жумладан:<br>60000,0<br>72400,0 | Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари<br>Банкларнинг кредитлари | Қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш ва моддий аҳволини яхшилаш. |
| 83. | Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун барча қишлоқ туманларида ва вилоятлар марказларида иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркаларини ўтказиш йўли билан касб-ҳунар коллежларининг йирик ва кичик корхоналар билан узвий ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш. | 2009 йил мобайнида ҳар чоракда 1 марта | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ, қишлоқ туманлари ҳокимликлари | 100,0<br>шу жумладан<br>10,0<br>90,0 | Бажарувчилар маблағлари, корхоналар ва ҳокимликлар маблағлари<br>Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги тадбирлари.<br>Банд бўлмаган қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш даражасини ўстириш. |
| 84. | Келгусида бошланғич сармоя берган ҳолда ишламаётган 2000 нафар аёлни ўз ишини юритиш асосларига ўқитишни ташкил этиш. | Йил мобайнида | Савдо-саноат палатаси, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Микрокредитбанк», тижорат банклари | 2200,0 | Бажарувчилар маблағлари, «Микрокредитбанк», тижорат банклари | Бажарувчиларнинг қарорлари.<br>Ишламаётган аёлларнинг даромадлар олиш имкониятларини ошириш ва моддий аҳволини яхшилаш. |
| 85. | Қишлоқ ёшлари билан касбга йўналтириш ишларини яхшилаш, ҳамда таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплексини амалга ошириш, бунда:<br>— тегишли корхоналарда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишни такомиллаштириш; | 2009 йил август | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, қишлоқ туманлари ҳокимликлари | | | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг касбга йўналтириш ишларини яхшилаш ҳамда коллежлар ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатларини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплекси.<br>Касб-ҳунар коллежларини аниқ корхоналарга бириктириб қўйиш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | — қишлоқ туманлари меҳнат бозорида коллежлар битирувчиларини самарали мослаштириш мақсадида асосий касблар билан бир қаторда иқтисодиёт, менежмент, компьютер технологиялари бўйича билимлар ва кўникмаларга ўқитиш;<br>— битирувчиларни ишга жойлаштириш кафолати билан корхоналар томонидан мутахассислар тайёрлаш юзасидан буюртмаларни шакллантириш. | | | | | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва туманлар ҳокимликлари ўртасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар режаси.<br>Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежларда ўқитиш дастурларини такомиллаштириш. |
| 86. | Аҳолини уюшмаган ҳолда чет элларга ишга кетишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ва хабардор қилиш мақсадида телекўрсатувлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш. | Тадбирларни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш — 2009 йил 1 чорак, амалга ошириш — йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Миллий телерадиокомпания, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият тарғибот» маркази, «Камолот» ЁИҲ | | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг биргаликдаги қарорлари билан тасдиқланадиган телекўрсатувлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш жадвали.<br>Аҳолининг чет элларга кетиш ва у ерда ишлаш қоидалари тўғрисида хабардорлигини ошириш. |
| **IX. Одамлар соғлигини муҳофаза қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим тизимини янада ривожлантириш, унинг даражаси ва сифатини ошириш ва қишлоқ жойларда мактаблар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий базасини мустаҳкамлаш**<br>**а) Қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш** | | | | | | |
| 87. | «Саломатлик-2», «Шошилинч тиббий ёрдам бўлимларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан:<br>— 46 та қишлоқ врачлик пунктини, 87 та қишлоқ шифохонасини тиббий ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш ва 2315 та қишлоқ врачлик пунктини тўлиқ жиҳозлаш;<br>— 331 та қишлоқ врачлик пунктини ва қишлоқ шифохоналарини, шу жумладан узоқдаги ва бориш қийин бўлган минтақалардаги тиббиёт муассасаларини санитария автотранспорти билан таъминлаш:<br>— 159 та марказий туман шифохоналари шошилинч тиббий ёрдам бўлинмаларига тиббий анжомлар етказиб бериш. | 2009 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Жаҳон банки, Осиё банки, Араб иқтисодий тараққиёт Кувайт жамғармаси | 2550,0 минг АҚШ доллари<br>3099,5 минг АҚШ доллари<br>11400,0 минг АҚШ доллари | Халқаро тараққиёт уюшмаси, Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси кредитлари | Соғлиқни сақлаш бошланғич бўғини муассасалари, шошилинч тиббий ёрдам ва туғруққа кўмаклашиш хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Қишлоқ аҳолисига ихтисослаштирилган ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш сифатини яхшилаш. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қулайлигини таъминлаш.<br>Қишлоқ аҳолиси ўртасида профилактика, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш. |
| 88. | «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига қишлоқ жойлардаги туғруққа кў- | Таъмирлаш ишларини тугаллаш — | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Наманган, | 9,3 млн АҚШ доллари — асбоб-ускуна- | Асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари харид | Туғруққа кўмаклашиш муассасалари инфратузилмасини яхшилаш, уларни базавий замонавий асбоб-ускуналар ва сарфлаш материаллари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | кўмаклашиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш:<br>87 та туман тиббиёт бирлашмаларининг туғруққа кўмаклашиш муассасаларида таъмирлаш ва реконструкция ишларини, тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш ва етказиб бериш ишларини тугаллаш, шу жумладан: Андижон вилоятида — 16 та; Сурхондарё вилоятида — 14 та, Навоий вилоятида — 8 та, Наманган вилоятида — 11 та, Жиззах вилоятида — 12 та, Сирдарё вилоятида — 9 та, Самарқанд вилоятида — 17 та. | 2009 йил I чорак, муассаса-ларни жиҳозлаш — 2009 йил мобайнида | Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари | лар ва сарфлаш материаллари харид қилиш учун | қилишга ОТБнинг қарзи, таъмирлаш ишларини тугаллашга ҳокимликлар, ҳомийларнинг маблағлари | билан жиҳозлаш.<br>Қишлоқ аҳолисига тиббий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш сифатини яхшилаш. Тиббий ёрдам кўрсатиш қулайлигини таъминлаш. |
| 89. | Қишлоқ жойлардаги «Мурувват» уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш: | | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари | 300,0,<br>шу жумладан:<br>130,0<br>170,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, ҳокимликлар маблағлари | Имконияти чекланган инсонларнинг сифатли тиббий ва ижтимоий реабилитациясини ташкил этиш учун тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини яхшилаш. |
| | Бухоро вилоятининг қишлоқ туманларида яшаётган ногирон болаларга хизмат кўрсатадиган Бухоро «Мурувват» уйи; | 2009 йил I ярим йиллиги | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги | 100,0,<br>шу жумладан:<br>50,0<br>50,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| | Хоразм вилояти Гандимиён қишлоғида жойлашган Хива «Мурувват» уйи; | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги | 80,0,<br>шу жумладан:<br>30,0<br>50,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| | Сирдарё вилояти Малик қишлоғида жойлашган Сирдарё хотин-қизлар «Мурувват» уйи. | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги | 120,0,<br>шу жумладан:<br>50,0<br>70,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| 90. | Қишлоқ жойлардаги уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан: | | | 850,0, шу жумладан:<br>425,0<br>425,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси<br>тегишли ҳокимликлар маблағлари | Уруш ва меҳнат фахрийларига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун санаторийларнинг моддий-техника базасини ва шарт-шароитларини яхшилаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Самарқанд вилоятидаги — «Марварид»; | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги | 100,0, шу жумладан:<br>50,0<br>50,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси<br>Самарқанд вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| | Тошкент вилоятидаги — «Товоқсой»; | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги | 300,0, шу жумладан:<br>150,0<br>150,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси<br>Тошкент вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| | Фарғона вилоятидаги — «Олтиариқ»; | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги | 200,0 шу жумладан<br>100,0<br>100,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси,<br>Фарғона вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| | Наманган вилоятидаги — «Косонсой»; | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги | 100,0 шу жумладан:<br>50,0<br>50,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси<br>Наманган вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| | Жиззах вилоятидаги уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Маржон суви» санаторийсининг қишки боғи. | 2009 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги | 150,0 шу жумладан:<br>75,0<br>75,0 | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси<br>Жиззах вилояти ҳокимлиги маблағлари | |
| 91. | Қишлоқ жойларда 5 мингга яқин ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари билан таъминлаш. | 2009 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, халқаро инсонпарварлик ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар | 500,0, шу жумладан:<br>400,4<br>100,0 | Ажратилган бюджет маблағлари доирасида,<br>ҳомийлар маблағлари | Ногиронларни реабилитация қилишни таъминлаш.<br>Имконияти чекланган инсонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш. |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 92. | Бориш қийин бўлган ва тоғли жойлардаги қишлоқларда яшаётган 100 нафар кўзи ожиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни, катаракта билан касалланган беморларни реабилитация қилиш. | 2009 йил март — октябрь | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 10,0 | Ҳомийлар маблағлари | Кўзи ожиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни, катаракта билан касалланган беморларни реабилитация қилиш. |
| 93. | Республиканинг қишлоқ туманларида қуйидагиларни ўз ичига оладиган профилактика ва даволаш тадбирлари сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш:<br>— узоқ ва бориш қийин бўлган минтақаларда яшаётган аҳолини пухта тиббий кўрикдан ўтказиш ва стационар даволашни ташкил этиш;<br>— қишлоқдаги имтиёзли тоифадаги беморларга вилоят кўптармоқли ва республика ихтисослаштирилган тиббий марказларида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;<br>— ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларда касалликларни олдиндан аниқлаш тадбирларини амалга ошириш. | 2009 йил мобайнида алоҳида жадвал бўйича | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ИТҚҚЖ), «Экосан» халқаро ташкилоти | 18706,0, шу жумладан: 3,3 (тиббий хизматлар) 2871,4 минг АҚШ доллари | Ижрочилар маблағлари<br><br>Бюджет маблағлари | Тиббий кўрикдан ўтказиш жадвали.<br>Қишлоқ туманлари аҳолисини, айниқса узоқ, бориш қийин бўлган ва экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда яшаётган аҳолини профилактик кўриклар билан қамраб олиш, касалликларни барвақт аниқлаш, ўз вақтида даволаш ва касалликларнинг олдини олиш.<br><br>Соғлом оила барпо этиш, ногирон болалар туғилишининг олдини олиш. |
| 94. | Қишлоқ жойларда яшаётган 2 ёшгача болаларни профилактик эмлаш билан 100 фоиз қамраб олишни таъминлаш. | йил давомида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 4900,0 | Бюджет маблағлари | Аҳолини иммунлашни ўтказиш жадвали. Вакцинациялаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар мониторинги. Бошқариладиган инфекция билан касалланишни камайтириш. |
| 95. | Соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қишлоқ аҳолисининг тиббий маданияти даражасини қуйидагилар орқали ошириш:<br>— ахборот-таълим материаллари ишлаб чиқиш (видео-радиороликлар, буклетлар, плакатлар, рисолалар, эслатмалар);<br>— тамаки чекиш, алкогол, наркотиклар истеъмол қилишнинг зарари, ОИВ/ОИТС ва жинсий йўл орқали ўтадиган касалликларнинг олдини олиш тўғрисида телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш;<br>— оммавий ахборот воситаларида «Саломатлик-бебаҳо бойлик», «Соғлом ота-оналар-соғлом болалар» рукнларини тайёрлаш. | 2009 йил мобайнида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, МТРК, «Маънавият тарғибот», «Ойдин ҳаёт» марказлари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (ИТҚҚЖ), «Камолот»ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» ННТ, ЭОАВМУ | 300,0 | Ҳомийлар ва донорлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Учрашувлар, акциялар, тадбирлар, лекциялар, суҳбатлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказиш.<br>Буклетлар ва плакатлар рисолалари учун материаллар тайёрлаш.<br>Ўқув дастурлари, амалиёт қўлланмалари ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.<br>Қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини ошириш. |
| 96. | Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, жумладан темир моддаси танқислиги камқонлигининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар бўйича қуйидаги комплекс Дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш: | 2009 йил январда — ишлаб чиқиш, йил давомида — | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар | 2287,4 минг АҚШ доллари | Бажарувчилар маблағлари | Дастур лойиҳаси.<br>Овқатланиш бўйича дастурлар барқарорлигини таъминлаш.<br>Аҳолининг соғлом овқатланиш кўникмасини шакллантириш, микронутриентлар етишмаслиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Темир дори-дармонлари ва фолий кислотаси билан саплементация қилиш»;<br>«Унни фортификация қилиш миллий дастури». | амалга ошириш | ҳокимликлари, ЮНИСЕФ, «Ўздонмаҳсулот» АК, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, МТРК, ЎзА, ЭОАВМУ | | | билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш.<br>Қишлоқ аҳолисининг камқонлик билан касалланишини камайтириш. |
| 97. | Қишлоқ жойлардаги 100 минг болани болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, шу жумладан касаба уюшмалари маблағлари ҳисобига 10 минг болани бепул соғломлаштириш. | 2009 йил июнь-август | КУФК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, муассасалар, корхоналар | 1333,5 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчилар қарорлари.<br>Қишлоқ жойларда яшаётган болаларни соғломлаштириш. |
| 98. | Қишлоқ жойларда яшаётган 20 минг пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш орқали санаторий-курорт муассасаларида соғломлаштириш. | 2009 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, КУФК | 2000,0 | Ажратилган бюджет маблағлари доирасида | Пенсионерлар ва ногиронларни санаторийда даволаш ва режали соғломлаштириш билан қамраб олишни кенгайтириш. |
| | **б) Қишлоқдаги мактаблар ва коллежларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, қишлоқ минтақаларида таълим даражаси ва сифатини ошириш** | | | | | |
| 99. | 2009/2010 янги ўқув йили бошлангунга қадар 2009 йил учун аниқ манзилли қурилиш рўйхатига киритилган қишлоқ жойлардаги 96660 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6 та академик лицей ва 164 та касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш. | 2009 йил август | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Даврархитекқурилиш» қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги | 430700,0 | Бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги ПҚ–969-сон қарорини бажариш юзасидан.<br>9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. |
| 100. | Қишлоқ жойларда қуйидагилар орқали 207562 ўқувчи ўрни бўлган 733 та қишлоқ умумтаълим мактабларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш: | 2009 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Даврархитекқурилиш» қўмитаси | 47083,3 ва 63,95 млн доллар | | Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июндаги 321-сон, 2004 йил 21 октябрдаги 493-сон қарорларини бажариш мақсадида. |
| | — янгидан қуриш — 19316 ўқувчи ўрни бўлган 65 та мактаб; | | | 33829,4 ва 16,5 млн АҚШ доллари | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, СФР ва ОПЕК кредитлари | Қишлоқ умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш, таълим жараёни сифатини ошириш. |
| | — мукаммал реконструкция қилиш — 188246 ўқувчи ўрни бўлган 668 та мактаб. | | | 221905,1 | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси | |
| | Бундан ташқари, мукаммал таъмирлаш — 316310 ўқувчи ўрни бўлган 615 та қишлоқ мактаби ва жорий таъмирлаш — 150674 ўқувчи ўрни бўлган 355 та мактаб. | | | 104175,3 | Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси | |
| | 1703 та қишлоқ мактабларини мебеллар, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, | | | 110373,5 ва | Мактаб таълимини ривожлантириш | |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар | Харажатлар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлаш. | | | 47,8 млн доллар | жамғармаси, ОТБ, ХТУ, Эксимбанк (Корея) кредитлари | |
| 101. | Қишлоқ жойларда 168 та болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш.<br><br>Болалар сув спортини ривожлантириш дастури асосида 6 та сузиш ҳавзасини қуриш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш. | 2009 йил март — декабрь | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 29697,0<br>1405,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни спорт ва жисмоний тарбия, сув спорти турлари билан шуғулланишга оммавий жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш. |
| 102. | Тўрткўл, Пахтаобод, Китоб ва Боёвут туманларида 5 та болалар мусиқа ва санъат мактабини мукаммал реконструкция қилиш ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш. | 2009 йил III чорак | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | 2309,0 | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари | Қишлоқ жойлардаги болаларнинг мусиқа билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш. |
| 103. | Қуйидаги лойиҳалар бўйича грант маблағлари ҳисобига қишлоқ жойлардаги коллежлар ўқитувчилар таркиби малакасини оширишни ташкил этиш:<br>а) Корея Республикаси Ҳукуматининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси;<br>б) Германия тараққиёт банкининг «Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси. | 2009 йил III-IV чорак | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | 400,0 минг АҚШ доллари<br><br>200,0 минг евро | Қуйидаги маблағлар ҳисобига:<br><br>Корея Республикаси Ҳукумати маблағи<br>Германия тараққиёт банки маблағи | Педагог кадрлар малакасини ошириш орқали ўқувчиларнинг таълим сифатини яхшилаш. |
| 104. | Қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг 5000 та ахборот-ресурс марказларини «ZiyoNet» тармоғига улаш. | 2009-2010 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, ОТБ лойиҳаси | 1800,0 | Бюджет ва ҳомийлар маблағлари | Қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ўқитувчиларининг «ZiyoNet» тармоғидан фойдаланишини таъминлаш. |
| 105. | Қишлоқ мактабларининг ахборот-ресурс марказларини ўқув-услубий материаллар, илмий-оммабоп, бадиий ва болалар адабиётлари билан таъминлаш. | 2009 йил IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбеккитобсавдо» АЖ | 6 000,0 минг АҚШ доллари<br><br>300,0 минг АҚШ доллари | Жаҳон банкининг кредит маблағлари,<br><br>ОТБ кредит маблағлари | Қишлоқ мактаблари ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 34 Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини шакллантириш, кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар маъқуллансин:

2009 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

республика вилоятлари бўйича 2009 йилда янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинлари ва узум экиладиган майдонлар ҳамда уларни етиштиришнинг прогноз ҳажмлари 2-иловага* мувофиқ;

2009 йилда республика вилоятлари бўйича гўшт ва сут етиштиришнинг прогноз ҳажмлари 3-иловага* мувофиқ;

республика вилоятларида 2009 — 2011 йилларда гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам ускуналардан фойдаланадиган янги корхоналар, шунингдек хом сут тайёрлаш бўйича сервис пунктларини барпо этиш дастури 4 ва 4а-иловаларга* мувофиқ;

2009 йилда ноанъанавий мойли экинлар экиладиган майдонлар ва уларни ишлаб чиқариш, ана шу экинлардан ўсимлик ёғи тайёрлашнинг ҳисоблаб чиқилган ҳажмлари 5-иловага* мувофиқ;

республикада томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этишнинг прогноз параметрлари 6-иловага* мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2009 йилнинг 15 февралига қадар муддатда 2009 йилда мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум етиштиришнинг прогноз ҳажмлари асосида улардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

---

* 1 — 6-иловалар берилмайди.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар бир қишлоқ туманида мавжуд иссиқхоналарга қўшимча равишда ёқилғининг муқобил манбаларидан фойдаланадиган енгил конструкцияли 5 тадан иссиқхона барпо этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг мева-сабзавот ва картошкани тайёрлаш, сақлаш ва улгуржи сотиш бўйича ҳудудий ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, қайта ишлаш корхоналари, агрофирмалар, фермер хўжаликлари, озиқ-овқат (деҳқон) бозорлари, тижорат банклари, транспорт ташкилотлари ҳамда бозор инфратузилмасининг бошқа корхоналари мазкур компанияларнинг муассислари бўлишлари мумкин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр махсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади;

гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига накд пулга сотиш ҳуқуқи берилади, бунда накд маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шарт.

6. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда тайёр гўшт-сут маҳсулотлари сифати устидан комплекс назорат ўрнатиш тизимини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича белгиланган тартибда қуйидагиларга кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи микдорида (марказлаштирилган ресурслар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми бундан мустасно) махсус кредит линиялари очиш тавсия қилинсин:

маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўлган технология ускуналари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимларини харид қилиш учун;

фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига — иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш учун.

8. 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда қуйидагича солиқ ва божхона имтиёзлари берилсин:

ихтисослаштирилган «Мевасабзавоттайёрловсавдо» компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилиш, бўшайдиган маблағларни мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлаш ҳамда сақлаш

объектларининг айланма маблағларини тўлдиришга ва техникавий қайта жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтириш;

асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хомашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш;

гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш;

2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури бўйича берилган имтиёзларни томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш учун машина, механизм ва ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этиш.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь,
ПҚ–1047-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 35 **2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида**

Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкам-

лаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида, шунингдек Республика иккинчи саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси якунларини ҳисобга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан республика хўжалик бошқаруви органлари ва корхоналари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури маъқуллансин. Дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

2009 йилда саноат маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш ҳажмининг мақсадли параметрлари ва маҳаллийлаштириш даражаси 1-иловага* мувофиқ;

бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ўтувчи лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари рўйхати 2а-иловага* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг ўтувчи лойиҳалари рўйхати 3 иловага* мувофиқ;

тайёр маҳсулот турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг янги лойиҳалари рўйхати 3а-иловага* мувофиқ;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштиришга тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати 4-иловага* мувофиқ.

2. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссиянинг янгиланган таркиби 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин, унга, маҳаллийлаштиришнинг белгиланган даражасини пасайтиришни истисно қилган ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин,

3. 2 ва 3-иловаларга киритилган корхоналар 2011 йил 1 январгача:

четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдала-

---

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 5-илова берилмайди.

ниладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, 2а ва 3а-иловаларга киритилган корхоналар учун ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар лойиҳалар белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссия қарорларига биноан 2012 йилнинг 1 январигача берилади.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимини жорий этиш, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олишга, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга жалб қилинган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сонли Фармони 4-бандининг амал қилиши маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларни харид қилиш учун тузиладиган шартномаларга татбиқ этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасига Махсус комиссиянинг таклифлари бўйича маҳаллийлаштириш лойиҳалари параметрлари ва рўйхатига, шунингдек 4-иловага киритилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин. Бунда Маҳаллийлаштириш дастурига, биринчи навбатда, 4-иловада акс эттирилган, шунингдек Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ўтказиш давомида аниқланган талабга асосланиб, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқариш назарда тутилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар киритилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Низомда лойиҳаларни киритишнинг соддалаштирилган механизми, хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртномалари ваколатли органлар ва Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилишининг аниқ муддатлари ва Маҳаллийлаштириш дастурига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниши назарда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий

алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, манфаатдор хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари корхоналар билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу қарорнинг 2а ва 3а-иловаларига киритилган лойиҳаларнинг паспортлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва Махсус комиссияга тақдим этилишини;

бир ой муддатда моддий ресурслар харид қилишга ва белгиланган прогноз параметрлардан паст бўлмаган ҳолда маҳаллийлаштириладиган маҳсулот етказиб беришга буюртмалар портфели шакллантирилишини таъминласин.

Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи маҳаллийлаштириладиган маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар белгиланган тартибда рўйхатга олинишини таъминласин, натижалар тўғрисида Махсус комиссияга ҳар ойда маълумот бериб турсин.

8. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширувчи корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек корхоналарнинг ходимларини стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалалари бўйича белгиланган тартибда ўқитишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг Ижро этувчи органи, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

саноат кооперацияси алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ва замонавий технологияларни жалб этишга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш борасидаги тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини;

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан ўзлаштирилиши тавсия этилаётган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати тўғрисида мунтазам ахборот бериб борилишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2008 — 2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2008 йил 28 майдаги ПҚ–879-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь,
ПҚ–1048-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 36 «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисида

Қишлоқ аҳоли пунктларини архитектура жиҳатидан режалаштиришни ташкил этиш ва қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш тизимини тубдан яхшилаш, ривожлантиришнинг бош схемаларига ва архитектуравий режалаштирган ҳолда қуриш лойиҳаларига, қишлоқ турар жойларининг ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг намунавий лойиҳаларига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда қуриш, шу асосда қишлоқ қиёфасини қатъиян ўзгартириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзқишлоқлойиҳа» масъулияти чекланган жамият ва «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув ташкилотларининг лойиҳа институтларини бирлаштириш ва улар негизида устав фондидаги давлат улуши камида 51 фоиз бўлган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқда уй-жой ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш тизимини тубдан такомиллаштиришни назарда тутадиган қишлоқ жойларда қурилишни комплекс ривожлантириш бўйича ягона сиёсат олиб бориш бўйича бош ихтисослаштирилган ташкилот функцияларини амалга ошириш;

қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудлар қурилишини архитектуравий режалаштириш жиҳатидан ташкил этишнинг бош ривожлантириш режалари

ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек қурилиш объектлари учун топо-геодезия ва муҳандислик-геология қидирув ишларини олиб бориш;

жойларнинг табиий-иқлим шароитлари ва рельефини, республика минтақаларининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда қишлоқ турар жойлари, қишлоқда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларининг янги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ аҳоли пунктларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини — энергия таъминоти, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти, телекоммуникация ва алоқа тармоқлари ҳамда бошқа объектларни лойиҳалаштириш (магистрал коммуникациялар ва объектлар бундан мустасно);

айрим қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва лойиҳа ҳужжатларини барча босқичларда белгиланган тартибда тасдиқлаган ҳолда объектларни қуриш;

лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик архитектуравий назоратини таъминлаш, қишлоқ аҳоли пунктларида турар жойларни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасида норматив ҳамда методологик ҳужжатларни такомиллаштириш;

қишлоқ аҳоли пунктларидаги турар жойлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлари, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва муҳандислик коммуникацияларининг намунавий лойиҳалари маълумотлар базасини жамлаш, тизимлаштириш ва архивлаштириш.

3. «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтининг ишлаб чиқариш-бошқарув ходимлари чекланган умумий сони 216 нафар бўлган тузилмаси 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти раҳбарига «Даварxитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда, зарурият бўлганда, институтнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун 2-иловага** мувофиқ таркибда комиссия ташкил этилсин.

Комиссия (Н. Ханов) икки ой муддатда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан уни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси манфаатдор лойиҳа-қидирув институтлари билан биргаликда «Ўзгазлойиҳа»

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 2-илова берилмайди.

масъулияти чекланган жамиятнинг газ таъминоти лойиҳалари, «Ўзбекком-муналлойиҳақурилиш» масъулияти чекланган жамиятнинг сув таъминоти, иссиқлик таъминоти ва канализация тармоғи лойиҳалари бўйича ҳамда «Ўзқишлоқэнерголойиҳа» очиқ акциядорлик жамиятининг электр таъминоти лойиҳалари бўйича зарур техник ҳужжатларни янгидан ташкил этилаётган «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтига белгиланган тартибда топширсин, институтнинг тегишли бўлимларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашда ёрдам кўрсатсин.

6. Белгилансинки, «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти мажбуриятлар ва тузилган шартномалар бўйича «Ўзқишлоқлойиҳа» масъулияти чекланган жамият ва «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

7. «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг норматив ва йўриқнома ҳужжатлари, зарур статистика маълумотлари жўнатилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институтини Тошкент шаҳар, А.Қодирий кўчаси, 7-уйдаги «Ўзмеъморқурилиш» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув ташкилотининг биносига жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бўшаб қоладиган бинолардан мақбул фойдаланиш юзасидан икки ой муддатда таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь,
ПҚ–1049-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 27 январдаги
ПҚ–1049-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 26 апрелдаги ПҚ–62-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзқишлоқлойиҳа» МЧЖ лойиҳа институти» сўзлари «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ лойиҳа-қидирув институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон қарорига 1-иловада:

6-банддаги «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда ) 2-илованинг 10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 21 июлдаги 320-сон қарорига 2-иловадан «Ўзқишлоқлойиҳа» акциядорлик жамияти» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда) 1-иловада:

17-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

35-позициядаги «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) 1-илованинг «Устав фондидаги давлат улуши камида 51 фоиз миқдорида бўлган етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари» бўлимида:

6-позициядаги «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарорига 4-илованинг 9 ва 10-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссия ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 12-иловадан «Умаров М.У. — «Ўзқишлоқлойиҳа» АЖ институти директори» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ–512-сон қарори)» 2007 йил 4 январдаги 7-сон қарорига 1-иловадаги «Ўзқишлоқлойиҳа» ОТАЖ» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ташқи инфратузилма объектлари қурилишини жадаллаштириш тўғрисида» 2007 йил 24 июлдаги 150-сон қарорига илованинг 7-позициясидаги «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 37 Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан манфаатдор хўжалик бирлашмалари ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб

чиқилган 2009 — 2011 йилларда 1-иловага* мувофиқ мақсадли параметрларга эришишни назарда тутган ҳолда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида:

икки ой муддатда 2009 — 2011 йилларда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, жумладан янги моддий-техника базасини барпо этиш ва мавжуд базани модернизациялаш юзасидан бинолар ва ер участкалари ажратиш, барча зарур ҳужжатлар кадастр бўйича расмийлаштирилиши, қурилиш ва капитал реконструкция қилишга рухсатномалар бериш каби ва бошқа ишларни таъминласин.

3. 2012 йил 1 январгача бўлган даврда 2-иловага** мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қуйидаги кўринишда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилсин:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасдиқланган рўйхатига киритилмаган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга узайтириш.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари 2-иловага мувофиқ товар гуруҳлари бўйича худди шу товарлар ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга татбиқ этилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва бож-

---

* 1 берилмайди.

** 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

хона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан кредитларни тўлашга йўналтирилади.

Берилган имтиёзлардан бўшайдиган маблағлар мақсадга номувофиқ фойдаланилган тақдирда, ушбу маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бир ой муддатда мазкур қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш, уларнинг берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармонига мувофиқ тузилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишининг мониторинги ҳамда назорати бўйича Ишчи гуруҳига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, ички истеъмол бозорида таркиб топган конъюнктурани ҳисобга олган ҳолда ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган ноозиқ-овқат истеъмол товарларининг товар гуруҳлари рўйхатига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Ишчи гуруҳи (Р.С. Азимов) 1-иловада, энг аввало, 2-иловада тасдиқланган ноозиқ-овқат товарларига истиқболда бўладиган талаб-эҳтиёжларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратсин, ушбу товарларга истеъмолчилар томонидан барқарор кафолатланган буюртмалар бўлган тақдирдагина ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутсин.

6. Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг:

ишлаб чиқарувчи корхоналарга — технологик ускуналар харид қилиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун;

улгуржи савдо корхоналарига — маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ноозиқ-овқат истеъмол товарларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича белгиланган тартибда кредит бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдорида (марказлаштирилган манбалар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредит ҳажмларидан ташқари) махсус кредит линиялари очиш тавсия этилсин

7. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари билан биргаликда халқаро талабларга мувофиқ стандартлар-

ни ишлаб чиқишда, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини тезкор жорий этишда кўмаклашсин, шунингдек ушбу корхоналарнинг стандартлаштириш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалаларига масъул ходимлари ўқитилишини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
ПҚ–1050-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 38 Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимиз шаҳарлари ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини қатъиян яхшилаш, уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишларини янада кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар ва туманларда уй-жой фонди объектларини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида режалаштириш, безаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича

ишларни амалга оширувчи ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Қуйидагилар янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қуриш ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳоли, юридик шахслар ва ягона буюртмачи хизматлари билан шартнома асосида, фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жойларни қайта режалаштириш, безаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қуриш, шу жумладан келгусида янги мулкдорларга, биринчи навбатда ёш оилаларга бериш ва кимошди савдоларига қўйиш учун эскирган ва эгасиз уй-жойларни тиклаш бўйича ишларнинг бутун комплексини амалга ошириш;

уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал ва жорий таъмирлашни, шу жумладан томларни таъмирлаш, уйлар ичидаги муҳандислик коммуникацияларини алмаштириш ва кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини мукаммал таъмирлаш ишларини сифатли бажариш;

юқори даражада эскирган кўп қаватли уй-жойларни реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда унинг хавфсизлигини, қурилиш қиймати арзонлаштирилишини ва қуриш циклининг давом этиш муддатини қисқартиришни таъминлайдиган янги илғор технологияларни замонавий режалаштириш ечимларидан, қурилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланган ҳолда қўллаш;

даҳа ичидаги эскирган уй-жой муҳандислик тармоқларини алмаштириш ва турар жойларга қайта қуриш, шу жумладан турар жой фондининг уйлари олдидаги ҳудудда ландшафт лойиҳа ечимларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

аҳолини, биринчи навбатда ёшларни қурилиш мутахассисликлари бўйича янги иш ўринлари ташкил этиш асосида турар жой шароитларини яхшилаш ва уй хўжалигини юритиш жараёнларига фаол жалб этиш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

ҳар бир шаҳар ва қишлоқ туманида хусусий мулк шаклидаги юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини;

мавжуд фойдаланилмаётган турар жой бинолари, шу жумладан фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш базаси инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига белгиланган тартибда текинга ёки имтиёзли асосда узоқ муддатли ижарага берилишини таъминласинлар;

зарур инвентарь, қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари билан таъминлашда, шунингдек қурилиш касбларини эгаллаган ва ишга жойлашишга муҳтож бўлган малакали ишчилар ва муҳандис-техник кадрлар билан таъминлашда ёрдам берсинлар.

3. Янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

4. Тижорат банкларига қурилиш техникаси, кичик механизациялаш воситалари, махсус транспорт ва инвентарь сотиб олиш учун бошланғич капитални шакллантириш мақсадида ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига имтиёзли кредит ресурслари (Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан) ажратиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси уй-жой фондини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш учун, ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига биржа котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериш учун зарур ҳажмда цемент, металл прокати, асбоцемент плиталар (шифер) ва бошқа қурилиш материаллари ажратишни назарда тутсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой муддатда уй-жой фондини, уларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскириб кетган уй-жойларни, кўп квартирали уйлардаги бўш турган хоналарни, шу жумладан ётоқхоналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш мақсадида ялпи хатловдан ўтказсинлар ҳамда улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ, уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига беришни назарда тутган ҳолда зарур қарорлар қабул қилсинлар;

хатлов якунлари бўйича бир ой муддатда эскириб кетган, авария ҳолатидаги ва бўш турган уй-жойларни, шунингдек бўш турган ётоқхоналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни, молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаган ҳолда, яшаш учун санитария нормаларига ва фойдаланиш қоидаларига жавоб берадиган замонавий уй-жойларга (хонадонларга) қайта режалаштиришни ҳисобга олиб, Уй-жой фондини капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2009 йил 1 июлгача республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида аҳолининг эҳтиёжига ва уй-жой фонди объектлари бўйича таъмирлаш-қурилиш ҳажмларига қараб қурилиш материалларининг жорий биржа котировкаларидан ошмайдиган нархлар бўйича аҳолига қурилиш ва пардозлаш материалларини сотиш юзасидан ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхона-

ларнинг ихтисослаштирилган фирма дўконлари ташкил этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 29 январь,
ПҚ–1051-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 39 Вазирлар Маҳкамасининг «Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисидаги низомларни, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхоналари уставларини тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 22 июндаги 262-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Тоғда яшовчи аҳоли, чегара хизматлари ва Угом-Чотқол давлат миллий боғи ходимлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси тўғрисидаги низомларни, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхоналари уставларини тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 22 июндаги 262-сон қарорига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

3-илованинг 12-бандига «ўрмон кордонлари» сўзларидан кейин «кичик кўприклар» сўзлари қўшилсин;

4-илованинг 12-бандига «ўрмон кордонлари» сўзларидан кейин «кичик кўприклар» сўзлари қўшилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь,
20-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 40 «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ−4059-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) Навоий вилояти Кармана тумани «Дўстлик» агрофирмасининг 205 — 216; 381а — 388; 404 — 470 контурлардаги 500 гектар ер майдонларига жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси Маъмурий кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилсин, қўшимча 3 нафар штат бирлиги ажратилсин, унга Маъмурий кенгаш ишчи органи функциялари юклансин;

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг бошқарув ходимларининг дастлабки сони 5 нафар бўлган дирекцияси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисидаги Низомнинг амал қилиши самарадорлиги юзасидан мониторинг олиб борсинлар ҳамда зарур бўлганда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолияти юритиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тезкорлик билан таклифлар киритсинлар.

5. Белгилаб қўйилсинки, «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси:

Давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиладиган юридик шахс ҳисобланади;

«Навоий» ЭИИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджетининг бир қисми, харажатлар сметаси доирасида белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

---

* 2-илова берилмайди.

«Навоий» ЭИИЗ хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказади ва «Навоий» ЭИИЗнинг қатнашчилари бўлмаган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритади;

инвесторлар билан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига инвестиция киритиш, «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан ер участкалари ижараси юзасидан шартномалар тузади;

белгиланган тартибда танлаб олинган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилади, натижаларини кейинчалик Маъмурий кенгашга тақдим этади;

«Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси» давлат унитар корхонасининг (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси деб аталади) муассиси этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

бир ҳафта муддатда — «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси тўғрисидаги низом лойиҳасини, унинг штатлар жадвалини ҳамда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясини юқори малакали раҳбар кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритсин;

икки ҳафта муддатда — Навоий вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда хорижий ва миллий валютада банк ҳисобрақамлари очилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Навоий» ЭИИЗ дирекциясининг устав фондини республика бюджетидан молиялаштириладиган 2008 йилги Инвестиция дастури бўйича тежалган 4,89 млрд сўм миқдорида шакллантирсин, уларни мақсадли равишда:

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси ҳудуди атрофини периметр бўйича халқаро нормаларга мувофиқ тўсиқ билан ўрашга;

ташқи муҳандислик коммуникациялари, шу жумладан сув таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти ва канализация коммуникациялари келтиришга;

Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасида «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси таъминотига йўналтирсин.

8. Белгилансинки:

хизматлар кўрсатиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган даромадларнинг бир қисми Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган тартибда сарфланган бюджет маблағларини қоплашга йўналтирилади;

Е-40 трассасидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудигача (2,2 км) тўрт полосали автомобиль йўли қурилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилади;

«Навоий» ЭИИЗ ташқи энергия таъминоти объектлари қурилиши «Ўзбек-

энерго» давлат-акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

9. Қуйидагилар:

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — тўсиқлар ва «Навоий» ЭИИЗ ҳудудигача муҳандислик коммуникациялари қурилиши бўйича буюртмачи этиб;

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Зарафшон қурилиш бошқармаси — «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди атрофига тўсиқлар қурилиши бўйича бош пудрат ташкилоти этиб;

«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ — «Навоий» ЭИИЗ, тўсиқлар, ташқи муҳандислик коммуникациялари бош режасини ҳамда зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаштирувчи этиб белгилансин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖга ва Зарафшон қурилиш бошқармасига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни ва қурилиш-монтаж ишларини бир пайтда амалга оширишга:

«Навоий» ЭИИЗ ҳудуди атрофига тўсиқлар қурилиши бўйича 2009 йил 1 мартгача;

ташқи муҳандислик коммуникациялари қурилиши бўйича 2009 йил 1 июлгача рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ва ишлаб чиқилиши устидан архитектура-эксперт кузатувини ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифати устидан давлат назоратини ўрнатсин.

11. Навоий вилояти ҳокимлиги «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида маъмурий бино фойдаланишга топширилгунгача бўлган давр учун «Навоий» ЭИИЗ дирекциясини Навоий шаҳрида хизмат бинолари билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 27 январь,
21-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 27 январдаги 21-сон қарорига
1-ИЛОВА

## «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона фаолият кўрсатишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси** (кейинги ўринларда — «Навоий» ЭИИЗ деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти ҳудудининг Кармана туманидаги 205 — 216; 381а — 388; 404 — 470 контурларга эга бўлган 500 гектарли ер участкасида жойлашган бир қисмидир. Бу ерда махсус ҳуқуқий режим, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган фуқароларнинг кириши, бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома олишининг соддалаштирилган тартиби амал қилади;

**«Навоий» ЭИИЗнинг Маъмурий кенгаши** (кейинги ўринларда — Маъмурий кенгаш деб аталади) — Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан бошқариш функциясини амалга оширадиган, давлат органлари вакилларидан тузиладиган коллегиал орган;

**«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси** (кейинги ўринларда — Дирекция деб аталади) — «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш учун ташкил этиладиган Давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс;

**инвестор** — Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган тартибда ўтказилган танловдан ўтган ҳамда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялашни амалга оширадиган инвестиция фаолияти субъекти;

**«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги битим** (кейинги ўринларда инвестициялаш тўғрисидаги битим деб аталади) — Дирекция билан инвестор ўртасида тузиладиган, уларнинг ҳуқуқлари, мажбурияти ва жавобгарлигини белгилайдиган битим;

**«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиси** (кейинги ўринларда «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси деб аталади) — белгиланган тартибда «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва Дирекция томонидан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчилари реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект;

**ижара шартномаси** — Дирекция билан «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузила-

диган «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ер участкаси, бинолар ва иншоотлар ижараси тўғрисидаги шартнома;

**«Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолият** — «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг «Навоий» ЭИИЗ ҳудуди доирасида инвестициялаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган товарлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, шунингдек уларни сотиш бўйича хўжалик фаолияти.

3. Замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техникани, технология линиялари ва модулларни, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардошли маҳсулотларнинг кенг доирасини ишлаб чиқариш «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

4. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида давлат органларининг фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қўлланилиши «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ−4059-сон Фармонида ва уни ижро этиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, ушбу Низомда, инвестициялаш тўғрисидаги халқаро шартномалар ва битимларда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

5. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида архитектура ва шаҳарсозлик фаолияти қуришнинг дастлабки режасига ёки «Навоий» ЭИИЗ Бош режасига мувофиқ амалга оширилади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилади.

6. «Навоий» ЭИИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 (ўттиз) йилни ташкил этади. Ушбу муддат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан узайтирилиши мумкин.

7. «Навоий» ЭИИЗ ташкил этилган ҳудуд «Навоий» ЭИИЗ мавжуд бўлишининг бутун даврида фойдаланиш ва бошқариш учун Маъмурий кенгашга берилади.

## II. «Навоий» ЭИИЗни бошқариш тузилмаси

8. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш функцияси Маъмурий кенгаш томонидан амалга оширилади. Маъмурий кенгаш тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9. Маъмурий кенгаш қуйидаги функцияларни амалга оширади:

«Навоий» ЭИИЗда жойлаштириш учун инвесторларни танлайди, инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг асосий шартларини белгилайди;

«Навоий» ЭИИЗ фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ер участкаларини, шунингдек давлат мулки бўлган бинолар ва иншоотлар ижараси қийматини белгилайди;

марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган «Навоий» ЭИИЗ ишлаб чиқариш инфратузилмаси қурилиши лойиҳаларини тасдиқлайди;

«Навоий» ЭИИЗ дирекцияси директорини тайинлайди, «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва уни назорат қилади, шунингдек «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети ва Ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиб боради;

қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битимларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

10. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш юридик шахс мақоми билан Давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиладиган Дирекция томонидан амалга оширилади. Дирекциянинг устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси:

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказади ва уларнинг реестрини юритади, уларга тегишли гувоҳномалар беради;

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмаган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини олиб боради;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ер участкаларини субижарага топшириш, ижара шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга бериш, ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш, уларни улуш сифатида устав капиталига қўшиш ҳуқуқисиз ижарага беради. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида ер участкаларини сотиш ва бошқача тарзда ўзгага бериш тақиқланади;

«Навоий» ЭИИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини ўзига берилган ваколатлар доирасида бошқаради;

инвесторлар томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар зарур тарзда бажарилишини назорат қилади;

Маъмурий кенгашнинг қарори асосида қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда инвестициялаш тўғрисидаги битимларни бекор қилиш тўғрисида даъво аризалари билан судга мурожаат қилади;

«Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни бажаради.

12. «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ҳар йили тегишли молиявий йил учун «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Маъмурий кенгашга тақдим этади.

«Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети:

кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Маъмурий кенгашнинг фойдаланишида ва бошқарувида бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумларнинг бир қисми;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

13. Маъмурий кенгаш «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети доирасида «Навоий» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Жамғарма маблағлари «Навоий» ЭИИЗ инфратузилмасини ривожлантиришга ва унинг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишга йўналтирилади.

Жамғармани шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш тартиби Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган «Навоий» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

14. «Навоий» ЭИИЗнинг мустақил бюджети маблағларидан:

«Навоий» ЭИИЗни ривожлантириш жамғармасини ташкил этишда;

белгиланган тартибда «Навоий» ЭИИЗ дирекцияси таъминотида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 2 декабрдаги ПФ–4059-сон Фармонини бажаришга йўналтирилган бошқа вазифалар амалга оширилишини молиялаштиришда фойдаланилади.

15. Дирекциянинг штат жадвали ва харажатлари сметаси Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланади.

## III. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик фаолиятини амалга ошириш

16. Хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари бериш дастлабки қурилиш режасига ёки «Навоий» ЭИИЗнинг Бош режасига мувофиқ шартнома асосида Дирекция томонидан амалга оширилади.

Ер участкалари учун ижара тўлови Маъмурий кенгаш томонидан белгиланади ва ижара шартномаси шартларида алоҳида қайд этилади.

17. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига бериладиган гувоҳнома унинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолиятига нисбатан алоҳида ҳуқуқий режим қўлланилишига, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режими қўлланилишига ҳуқуқларининг тасдиғи ҳисобланади.

18. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисига у белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидаги фаолиятга тегишли қисми юзасидан инвестициялаш тўғрисидаги тегишли битимда мустаҳкамланган мажбуриятлар юкланади.

«Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси инвестициялаш тўғрисидаги битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга беришга ҳақли эмас.

19. Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва устунликлар фақат Дирекция билан тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси фаолияти турларига жорий этилади.

20. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари ҳисобланмаган хўжалик юритувчи субъектлар «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш ҳуқуқига эга.

21. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикасида «Навоий» ЭИИЗ ҳудудидан ташқарида ўз филиалларини ташкил этишига йўл қўйилмайди.

22. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этишга фақат суд тартибида йўл қўйилади.

23. «Навоий» ЭИИЗ соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларига ва инвестициялаш тўғрисидаги битимларга мувофиқ ҳал этилади.

## IV. «Навоий» ЭИИЗнинг махсус ҳуқуқий режими

24. Махсус ҳуқуқий режимнинг, шу жумладан солиқ, валюта ва божхона режимининг амал қилиши фақат қатнашчиларнинг «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида амалга ошириладиган фаолиятига татбиқ этилади.

25. Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва устунликларнинг амал қилиш муддати хўжалик юритувчи субъект «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари реестрига киритилган санадан бошлаб ҳисобланади.

26. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчилари «Навоий» ЭИИЗ ҳудудига олиб кириладиган, олиб чиқиладиган, сақланадиган, тайёрланадиган, қайта ишланадиган, сотиб олинадиган ва сотиладиган товарларнинг ҳисобини юритишга ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органларига ушбу товарлар юзасидан ҳисобот тақдим этишга мажбур.

27. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ «Навоий» ЭИИЗ қатнашчисининг танлаши бўйича амалга оширилади.

28. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида мавжуд бўлган божхона режими остида жойлашган товарлар билан содир этиладиган тақиқланган операциялар ва уларга нисбатан махсус божхона режими татбиқ этилмайдиган товарлар рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланади.

29. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

30. «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириши, чиқиши, бўлиши ва меҳнатга ёлланиши тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

31. «Навоий» ЭИИЗ қатнашчиларининг бошқа соҳалардаги фаолиятини тартибга солиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

## V. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тўхтатиш

32. «Навоий» ЭИИЗ фаолияти у ташкил этилган муддат тамом бўлгандан кейин тўхтатилиши мумкин.

33. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятининг муддатидан олдин тўхтатилишига Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш зарур бўлганда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда йўл қўйилади.

34. «Навоий» ЭИИЗ фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 41 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ—1005-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ—1005-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви республика органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ—3358-сон Фармони талабларига мувофиқ ўзининг янгиланган низомини ва ташкилий тузилмасини тасдиқлаш учун белгиланган тартибда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
22-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 28 январдаги 22-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ТАСИС дастурини амалга оширишни таъминлашда вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1997 йил 29 майдаги 274-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 5-сон, 20-модда):

а) 2-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаментига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТАСИС дастури доирасидаги лойиҳалар бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомда:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ўзбекистондаги ТАСИС дастури фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти ҳузуридаги Ўзбекистонда Европа Иттифоқи Комиссиясининг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш Бюроси («ЎЗЕИКБЮРО») ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти (кейинги ўринларда — Молия вазирлиги Департаменти деб аталади) томонидан мувофиқлаштирилади»;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Барча буюртманомалар ТАСИС дастури мақсадлари ва шартларига мувофиқ муайян мезонлар бўйича «ЎЗЕИКБЮРО»да дастлабки танловдан ўтади ва келишиш, ҳисобга олиш ва кейинчалик мониторинг олиб бориш учун Молия вазирлиги Департаментига юборилади. Танловдан ўтган ва келишилган таклифлар тасдиқлаш ва бўлажак хатти-ҳаракатлар дастурига киритиш учун Европа Комиссиясига юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига юборилади»;

11-бандга «амалга оширилади ва» сўзларидан кейин «Молия вазирлиги Департаменти ва» сўзлари қўшилсин;

15-бандга «ЎЗЕИКБЮРО» сўзларидан кейин «Молия вазирлиги Департаментига» сўзлари қўшилсин;

16-бандга «ЎЗЕИКБЮРО» сўзларидан кейин «Молия вазирлиги Департаментига» сўзлари қўшилсин;

20-банддаги «рўйхатдан ўтказиш», «рўйхатдан ўтказганлик учун» сўзлари

тегишли равишда «вақтинча рўйхатдан ўтказиш» ва «вақтинча рўйхатдан ўтказганлик учун» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги «Ўздавстандарт» маркази» сўзлари «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаментига» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда):

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошига «ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзлари «Молия вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ноҳукумат ташкилотларидан олинадиган техник кўмаклашишнинг молиявий маблағлари, грантлар ва инсонпарварлик ёрдамини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 4 февралдаги 56-сон қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағлари олувчиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан умумлаштириладиган ҳисоботи ва статистика маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни тақдим этсин».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда):

а) Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши-

ни назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомда (3-илова):

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Департаментга ҳамда Давлат статистика қўмитасига» сўзлари «Департаментга, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига ва Молия вазирлигининг Ғазначилигига (кейинги ўринларда — Ғазначилик деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай Ғазначиликка инсонпарварлик ёрдами олинганлиги ва фойдаланилганлиги тўғрисидаги йиғма ахборотни тақдим этади»;

15-банддаги «ва тармоқ комиссиялари» сўзларидан кейин «Молия вазирлиги билан келишган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

16-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ҳудудий ва тармоқ комиссияларининг, шунингдек юқори бюджет ташкилотларининг инсонпарварлик ёрдами юкларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини назорат қилиш натижалари бўйича ҳисоботи ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментига (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси Департаменти деб аталади) тақдим этилади»;

17-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳудудий ва тармоқ комиссиялари» сўзлари «тармоқ комиссиялари ва ҳудудий комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Ҳузурида тегишли тармоқ комиссиялари ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек олувчилар Ғазначиликка инсонпарварлик ёрдами юклари олинганлиги ва улардан мақсадли фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича ва муддатларда тақдим этадилар.

Ғазначилик ҳудудий ва тармоқ комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек олувчилар томонидан тақдим этилган маълумотлар умумлаштирилиши ва Молия вазирлиги Департаментига тақдим этилишини таъминлайди»;

23-бандда:

биринчи хатбошидаги «Департаментга» сўзидан кейин «ва Ғазначиликка» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбошидаги «шакллантириш бўйича» сўзларидан кейин «Молия вазирлиги билан келишган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

27-банднинг биринчи хатбошидаги «Департаментга» сўзидан кейин «Ғазначиликка» сўзи қўшилсин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«28. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тартибда ва муддатларда Ғазначиликка инсонпарварлик ёрдами тўғрисидаги статистик ахборотни тақдим этади»;

Низомга 1 ва 4-иловалар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш СХЕМАСИ




1. Донорлар томонидан мурувват юкларини олувчиларга бериш.
2. Олувчи томонидан товарлар мурувват ёрдамига тегишли юк эканлиги тўғрисида ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни комиссиялар орқали ахборот-таҳлил департаментига юбориш (2а).
3. Ахборот-таҳлил департаменти томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш ва божхона органларига юкларнинг мурувват ёрдамига тегишли эканлиги тўғрисида хулоса бериш.
4. Божхонада расмийлаштириш ва мурувват ёрдами юклари сифатини назорат қилиш.
5. Божхона органлари томонидан мурувват юклари тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментига ва Давлат статистика қўмитасига маълумотлар бериш.
6. Мурувват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳасини тайёрлаш ва асослаш.
6а. Мурувват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳасини Молия вазирлиги билан келишиш.
7. Мурувват ёрдами юкларининг аниқ тарзда тақсимланишини тасдиқлаш.
8. Мурувват юкларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш.
9. Текширишлар ўтказиш, мурувват юкларини божхонада расмийлаштириш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг бажарилишини акс эттирган ҳолда далолатномалар тузиш.
9а. Молия вазирлиги Департаментига текширишлар натижалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.
10. Давлат статистика қўмитасига мурувват юкларининг олиниши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот тақдим этиш.
10а. Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича ва муддатларда Ғазначиликка мурувват ёрдами юкларини олиш ва уларнинг фойдаланилиши тўғрисида ахборот тақдим этиш.
10б. Молия вазирлиги Департаментига умумлаштирилган ахборотни тақдим этиш.
11. Мурувват юкларидан мақсадли фойдаланилишини ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини, шу жумладан (11а) донорлар томонидан текшириш.
12. Молия вазирлиги Департаменти томонидан Ахборот-таҳлил департаментига мурувват ёрдами лойиҳалари амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма ахборотни тақдим этиш.

»

«Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Мурувват лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги**
**СХЕМАСИ**




1. Мурувват лойиҳаларини амалга оширишга доир таклифлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш.
2. Тақдим этилган ахборотни таҳлил қилиш, ҳар йили йиғма ҳисобот тузиш, устувор лойиҳаларнинг биринчи навбатдаги рўйхатини тузиш ва уларни Молия вазирлиги билан келишиш.
2а. Молия вазирлиги билан келишилган мурувват ёрдамининг устувор лойиҳалари бўйича ахборотни Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментига тақдим этиш.
3. Комплекс раҳбари томонидан мурувват лойиҳаларининг устувор рўйхатини тасдиқлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (3а) ва Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган донорларнинг ваколатхоналари (3б) орқали донорларга (3в) юбориш.
4. Қўшма дастур ёки лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда томонларнинг масъулияти тўғрисидаги икки томонлама битимни тайёрлаш.
5. Лойиҳа тўғрисида ахборот тўпланишини таъминлаш, режа-жадвални тасдиқлаш ва лойиҳа бўйича ишлар бажарилганлиги тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни олиш.
6. Мурувват лойиҳалари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни Давлат статистика қўмитасига ва Молия вазирлигининг Ғазначилигига тақдим этиш.
7а. Мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни Молия вазирлигининг Ғазначилигига тақдим этиш.
7б. Ғазначилик томонидан Молия вазирлиги Департаментига йиғма ахборотни тақдим этиш.
8. Молия вазирлигининг Департаменти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментига якуний умумлаштирилган ахборотни тақдим этиш.

»

б) Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банднинг биринчи хатбошига «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига» сўзларидан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаменти (кейинги ўринларда Молия вазирлиги Департаменти деб юритилади) Молия вазирлиги билан келишилган ҳамда» сўзлари қўшилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва минтақалари бўйича ахборотларни туркумлаш ва техник кўмаклашишдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот чораги охирги ойининг 25-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги Департаментига техник кўмакни олувчилар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл бўйича тақдим этади (ушбу Низомга 2-илова).

Давлат статистика қўмитаси Давлат статистика ишлари дастурида назарда тутилган муддатларда статистик кузатувни ташкил этади ҳамда олинган ва ўзлаштирилган грант маблағлари тўғрисидаги статистик ҳисоботларнинг умумлаштирилган маълумотларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига (кейинги ўринларда Ғазначилик деб юритилади), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига, шунингдек тўлов баланси статистикасига киритиш учун — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади»;

6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларини жалб этиш ҳамда уларнинг мажбуриятлари бажарилишининг доимий мониторингини амалга оширади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳасини молиялаштириш бўйича қабул қилган қарорлари тўғрисида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тушаётган ахборот тўғрисида Молия вазирлиги Департаментига ўз вақтида хабар беради.

Молия вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширилиши тўғрисидаги таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади»;

10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ижро этувчи агентликлар уч кун мобайнида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Департаментига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб келинаётган товарлар (хизматлар) тушганлиги тўғрисида ахборот беради»;

11-банддаги «бир ой муддатда» сўзларидан кейин «Молия вазирлиги Департаменти ҳамда» сўзлари қўшилсин;

13-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзларидан кейин «ҳамда Молия вазирлиги Департаменти» сўзлари қўшилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Грант маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни кучайтириш мақсадида Молия вазирлиги техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши бўйича ижро этувчи агентликлар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этишга ҳақлидир»;

15-банднинг иккинчи хатбошидаги «белгиланган тартибда» сўзларидан кейин «Ғазначиликка» сўзи қўшилсин;

16-банднинг биринчи хатбошидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш СХЕМАСИ




**мониторинг**

1. Халқаро молиявий ва иқтисодий институт ёки хорижий ҳукумат ташкилоти томонидан техник кўмаклашиш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш.
2. Молия вазирлиги билан келишилган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган техник кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилишига доир тадбирлар режаси ва грант маблағларини ўзлаштириш жадвали.
3. Техник кўмакни олувчилар тўғрисидаги маълумотлар.
4. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича техник кўмаклашиш грантлари бўйича ҳисоботларни олиш.
4а. Статистик ҳисоботларни тақдим этиш.
5. Ҳар ойлик техник кўмаклашиш маблағлари тушуми ва уларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ўз банк ҳисоб рақамларидан кўчирма олиш.
6. Статистик ҳисоботларнинг умумлаштирилган маълумотларини тақдим этиш.
6а. Умумлаштирилган йиғма ахборот тақдим қилиш.
6б. Техник кўмаклашиш тушуми ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида йиғма ахборот.
7. Лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молиявий ва иқтисодий институт ёки хорижий ҳукумат ташкилотларини жалб қилиш ва мажбуриятлар бажарилишининг доимий мониторинги.
7а. Лойиҳани амалга ошириш, техник кўмаклашиш маблағларини ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланишнинг доимий мониторинги.
7б. Лойиҳани амалга ошириш жадвалидан орқада қолиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан таклифлар.
8. Товарлар (хизматлар) тушиши тўғрисида ахборот.
9. Товарларнинг (хизматларнинг) божхона томонидан расмийлаштирилиши.
10. Лойиҳа амалга оширилганлиги тўғрисида якуний ҳисобот.

**назорат.**

11. Грант маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш.
11а. Текширишлар натижалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш.

»

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисида Низомда:

а) 8-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«— Ўзбекистон Республикасига келаётган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан номоддий шаклдаги воситалар тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва ишлаш»;

б) 9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«— Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан номоддий шаклдаги воситаларнинг тўлиқ ва тизимли ҳисобини юритади»;

в) 10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«— белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари олувчиларидан уларнинг шахсий банк ҳисоб рақамларидан кўчирмалар, шунингдек улар томонидан олинган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан номоддий шаклдаги воситалар тўғрисида ҳисоботлар ва ахборотлар олиш».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 43 Ўзбекистон Республикасининг Греция Республикаси билан яқин истиқболдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги делегациясининг 2008 йил 17 декабрдаги ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Греция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида эришилган аҳдлашувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида яқин истиқболдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш Тадбирлари режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идораларнинг Тадбирлар режасини бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юклансин.

3. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Тадбирлар режасида назарда

тутилган бандларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар, уларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
24-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 28 январдаги 24-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида яқин истиқболдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тадбирлари
## РЕЖАСИ

| Т/р | Мақсад | Тадбирлар | Муддатлари | Бажарувчилар |
|---|---|---|---|---|
| | | **I. Сиёсий соҳа** | | |
| 1 | **Сиёсий дипломатик муносабатлар ва парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш** | 1.1. Сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги раундини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасига Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Т. Кассимиснинг ташрифини ташкил этиш. | 2009 йил II ярим йиллик | Ташқи ишлар вазирлиги |
| | | 1.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистон — Греция» дўстлик гуруҳини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш. | 2009 йил I ярим йиллик | Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси (келишув бўйича), Ташқи ишлар вазирлиги |
| | | 1.3. Пантеон университети ҳузуридаги Халқаро муносабатлар институтининг Россия ва Евроосиё маркази директори К. Филиснинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш. | 2009 йил I ярим йиллик | Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ташқи ишлар вазирлиги |
| | | 1.4. Ўзбекистон Республикасида Греция элчихонасини очишда Греция томонига ёрдам кўрсатиш. | 2009 йил | Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| | | **II. Ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси** | | |
| 2 | **Икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш** | 2.1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги, солиқ, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида, шунингдек Тошкент ва Афина, Самарқанд ва Салоники шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш. | 2009-2010 йиллар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, ИИВ, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ҳокимликлари, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти, Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси |

| Т/р | Мақсад | Тадбирлар | Муддатлари | Бажарувчилар |
|---|---|---|---|---|
| **III. Маданий-гуманитар ҳамкорлик** | | | | |
| **3** | **Туризм ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш** | 3.1. Ўзбекистонда туристик инфратузилмани ташкил этиш ва меҳмонхона комплексларини қуриш лойиҳаларида Греция компанияларининг иштироки имкониятларини ишлаб чиқиш. | 2009 йил<br>I ярим йиллик | «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти |
| | | 3.2. Ўзбекистон олий ўқув юртларидан бирида туризм факультетини ташкил этиш имкониятларини тегишли Греция ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқиш. | 2009 йил<br>I ярим йиллик | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти |
| | | 3.3. Греция туроператорлари ва Греция оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон бўйича инфо-тур ташкил этиш. | 2009 йил<br>II чорак | «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти |
| **IV. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик** | | | | |
| **4** | **Савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш** | 4.1. Тошкентда иқтисодий ва технологик ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Греция қўшма қўмитасининг учинчи йиғилишини ва бизнес-форум ўтказиш. | 2009-2010 йиллар | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти |
| | | 4.2. Озиқ-овқат, енгил ва кўнчилик саноатига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, вино ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, шунингдек ахборот технологияларини, туризмни ривожлантиришга ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш соҳасида Греция компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантириш. | 2009-2010 йиллар | Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 44 Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмини кенгайтириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Йирик саноат корхоналари, хўжалик бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда танқидий таҳлил асосида технология жараёнларини ҳамда хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш, қувватлардан фойдаланиш даражасини кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш ва қўшимча сарф-харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига саноат маҳсулоти таннархини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таннархини қисқартиришнинг 1-иловага* мувофиқ йиғма параметрлари бўйича таклифи қабул қилинсин.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари тармоқ бўйича таннархни қисқартиришнинг тасдиқланган йиғма параметрларидан келиб чиқиб ўз таркибига кирадиган саноат корхоналари учун таннархни қисқартиришнинг мақсадли параметрларини тасдиқласинлар.

3. Йирик саноат корхоналарида таннархни камайтириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш функциялари идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари бошчилик қиладиган махсус ишчи гуруҳларга юклансин.

4. Маҳсулот таннархини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан саноат корхоналари раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар:

---

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

корхоналарда маҳсулот таннархини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан ҳар чораклик мониторинг ўрнатсинлар;

амалга ошириладиган мониторинг якунлари бўйича, зарурият бўлганда, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тўлиқлиги ва самарадорлигига кўра корхоналарнинг раҳбарларини моддий рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш чораларини қўлласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 29 январь,
26-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 26-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Маҳсулот таннархини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан саноат корхоналари раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган «Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури»нинг 1.1-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган, улар бўйича ушбу қарорга мувофиқ 2009 йилда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йиғма энг кам параметрлари (кейинги ўринларда чора-тадбирларнинг йиғма комплекслари деб аталади) келишилган йирик саноат корхоналари раҳбар ходимлари фаолиятига баҳо бериш ва уларни моддий рағбатлантириш механизмларини белгилайди.

2. Корхоналарнинг қуйидаги раҳбар ходимлари:

корхонани бошқаришнинг ижро этувчи органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари;

бош муҳандис, бош технолог, бош энергетик, бош механик, бош бух-

галтер, иқтисодий (молиявий) хизмат бошлиғи, таннархни тартибга солиш бўйича махсус бўлинма бошлиғи;

фаолияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари фаолияти баҳоланиши керак.

Фаолияти ушбу Низомга мувофиқ баҳоланадиган раҳбар ходимларнинг аниқ рўйхати корхонанинг кузатувчи кенгаши ёки корхонани бошқаришнинг бошқа органи (кейинги ўринларда корхонани бошқаришнинг ваколатли органи деб аталади) томонидан тасдиқланади.

3. Раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолаш йилнинг ҳар чорагида корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан амалга оширилади. Раҳбар ходимларни моддий рағбатлантириш юзасидан қарорлар календарь йил якунлари бўйича қабул қилинади.

## II. Корхонанинг раҳбар ходимлари фаолиятини баҳолаш механизми

4. Тасдиқланган йиғма чора-тадбирлар комплекси асосида корхона раҳбари томонидан асосий бўлинмалар ва календарь даврлар бўйича ҳар бир тадбир амалга оширилиши учун масъул бўлган раҳбар ходимлар номма-ном кўрсатилган ҳолда маҳсулот таннархини пасайтириш тадбирлари (кейинги ўринларда тадбирлар рўйхати деб аталади) тасдиқланади.

Бунда тадбирлар рўйхати доирасида 2009 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 26-сон қарорига 1-иловада белгиланган харажатларни пасайтиришнинг тегишли мақсадли кўрсаткичларидан кам бўлмаслиги керак.

Кейинги йилларда маҳсулот таннархини пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош нарх ва зарур фойда ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Таннархни пасайтиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва уларга эришишнинг комплекс чора-тадбирлари корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланади.

5. Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг мақсадли параметрларига риоя этилишини назорат қилиш учун йиғма комплекс чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигида келишган ҳолда 2009 йил учун тайёрланган маҳсулотларнинг асосий турлари бўйича корхонанинг даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китоб жадвали қўлланилади. Корхонанинг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ очиб берилади.

Маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича маҳсулот бирлиги таннархи ҳисоб-китобини аниқлаш қийин бўлган ёки мумкин бўлмаган ҳолларда сотиладиган маҳсулотнинг бир сўми ҳисобига тийинлардаги харажатлар кўрсаткичи-

дан фойдаланилади. Корхона ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг типлари (хиллари)нинг катта миқдорига эга бўлган ёки йил мобайнида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари мутлақ ифодада ошиши мумкин бўлганда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтирган ҳоллар ана шундай ҳолларга тегишлидир.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга молиявий ресурслар тежалишини таъминлаш фақат ходимларнинг ўртача иш ҳақи ҳисобот даврида энг кам иш ҳақи ўзгариши суръатларидан паст бўлмаган миқдорда ўсишини таъминлаш шарти билан технология жараёнлари ва ходимлар сонини мақбуллаштириш, функциялар такрорланишини истисно этиш, ходимларнинг иш унумдорлигини ошириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

6. Ҳар бир календарь чорак якунлари бўйича ҳисоб-китоб жадвалида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари ҳисобга олинган ва ҳисобга олинмаган ҳолда маҳсулотларнинг асосий турлари бўйича корхона даромадлари ва харажатларининг кутилаётган ва амалдаги кўрсаткичлари очиб берилади.

7. Корхонанинг чораклик (йиллик) молиявий ҳисоботи шакллантирилиши муддатларидан кечикмай йиғма чора-тадбирлар комплексининг ва корхонани бошқаришнинг ваколатли органи кўриб чиқиши учун киритиладиган чора-тадбирлар рўйхатининг амалда бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот тайёрланади.

8. Моддий ва молиявий ресурсларни тежаш миқдори (ҳажми) ҳамда сотув ҳажми ўсиши натижасида олинган фойда тўғрисидаги маълумотлар йиғма чора-тадбирлар комплексига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва, зарурият бўлганда, назорат-ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари билан тасдиқланиши керак.

9. Харажатларни (маҳсулот таннархини) камайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан биргаликда маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳажмининг йиғма чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш корхонанинг раҳбар ходимларига ижобий баҳо беришнинг зарур шарти ҳисобланади.

10. Корхонани бошқаришнинг ваколатли органи календарь йил тамом бўлгандан кейин ўн кун мобайнида баённома билан расмийлаштирилган қарор қабул қилади, қарорда ҳар бир раҳбар ходимга нисбатан:

унинг фаолиятига баҳо берилади;

моддий рағбатлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланади.

Қарорда шунингдек умуман корхона бўйича чора-тадбирлар рўйхати амалга оширилишига баҳо берилади.

## III. Раҳбар ходимларни моддий рағбатлантириш тартиби

11. Таннархни пасайтиришнинг тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларини бажариш ва ташқи бозорларда сотишнинг ўсиши таъминланган тақдирда календарь йил якунлари бўйича раҳбар ходимларга 8 та лавозим маоши миқдорида бир йўла мукофот тўланади.

Маҳсулот таннархини камайтириш ва ташқи ва ички бозорларда сотиш ҳажмининг ўсиши бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида олинган корхонанинг қўшимча фойдаси ана шундай мукофотлашнинг манбаи ҳисобланади. Бунда мукофотлашнинг умумий суммаси маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда ташқи бозорларда сотиш ҳажмини кўпайтиришнинг тасдиқланган йиғма чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш натижасида олинган фойда ҳажмининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

12. Корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан, корхона фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда, календарь йил якунлари бўйича айрим раҳбар ходимларга ҳатто умуман корхона бўйича мақсадли кўрсаткич бажарилмаган тақдирда ҳам уларга тегишли қисм юзасидан харажатлар (маҳсулот таннархи)ни камайтиришнинг белгиланган мақсадли кўрсаткичларига эришганлик учун мукофот тайинланиши мумкин. Ушбу ҳолатда бир йўла бериладиган мукофот миқдори 6 та лавозим маошидан ортиқ бўлмаслиги керак.

13. Йиғма чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган айрим тадбирлар бажарилмаган тақдирда ушбу тадбирлар бажарилиши учун масъул бўлган тегишли раҳбар ходимларни мукофотлаш амалга оширилмайди.

14. Ҳар чораклик мониторинг олиб бориш давомида, мақсадли параметрлар, шунингдек таннархни пасайтириш бўйича умуман йил бўйича уларнинг бажарилиши барбод бўлишига хавф солаётган аниқ чора-тадбирлар бажарилмаган тақдирда корхонани бошқаришнинг ваколатли ва ижро этувчи органлари юзага келган аҳволни ўрганиб чиқишлари, чора-тадбирлар рўйхати бажарилмаслигининг сабабларини ва айбдор шахсларни аниқлашлари, уларни бажариш бўйича барча зарур қўшимча саъй-ҳаракатларни кўришлари керак. Чуқур ўрганиб чиқиш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича чора-тадбирлар бажарилишидаги қолоқликни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун корхонани бошқаришнинг ваколатли органи тафтиш комиссиясини, корхонанинг ички аудит хизматини ёки бошқа ташқи экспертларни жалб қилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда чора-тадбирлар рўйхати бажарилиши барбод бўлишида айбдор бўлган мансабдор шахслар корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан белгиланган даврда мукофотлардан ва (ёки) лавозим маошларига алоҳида устамалардан маҳрум бўлади. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган бошқа тадбирлар ҳам қўлланилиши мумкин.

## IV. Харажатларни (маҳсулот) таннархини пасайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш

15. Корхонани бошқаришнинг ваколатли органлари корхона томонидан харажатларни (маҳсулот таннархини) пасайтириш чора-тадбирлари бажарилиши юзасидан доимий мониторинг олиб борадилар.

16. Ҳар бир календарь чорак якунлари бўйича корхонани бошқаришнинг ваколатли органи бошқарувнинг юқори органига (вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси, мустақил корхоналар — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаментига) ушбу Низомнинг 8 — 10-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар ҳажмида йиғма чора-тадбирлар комплекси бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

17. Ҳар бир хўжалик бирлашмаси бўйича йиғма ахборот ҳар чоракда мақсадли кўрсаткичлар бажарилмаслиги хавфи мавжуд бўлган корхоналар бўйича аниқ таклифлар билан Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

18. Вазирлар Маҳкамаси кўрсатиб ўтилган ахборот асосида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва мустақил корхоналарнинг раҳбарлари билан биргаликда:

харажатларни (маҳсулот таннархини) пасайтириш чора-тадбирлари бажарилмаслиги сабабларини таҳлил қилади;

заруриятбўлганда, харажатларни (маҳсулот таннархини) пасайтиришнинг назарда тутилган параметрлари бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш, шу жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини пасайтиришда кўмаклашиш, корхонанинг менежментини бошқариш бўйича Ҳукумат қарорлари қабул қилиш борасида корхоналарнинг раҳбарларига ёрдам беради.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 45 Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889*

***(2009 йил 3 февралдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги 89-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2007 йил 19 сентябрдаги ЎРҚ–111-сонли Қонуни)»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2003 йил 11 ноябрдаги 67-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляцияларни топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (2003 йил 24 декабрь, рўйхат рақами 1293) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат патент идораси директори** **Б. АМОНОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 25 декабрь,
100-сон

Давлат патент идораси бошлиғининг
2008 йил 25 декабрдаги 100-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан кейинги ўринларда Апелляция кенгаши деб юритилади) апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

### 1. Апелляция кенгашига топшириладиган апелляциялар ва аризалар

1. Апелляция кенгашига қуйидаги апелляциялар топширилиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (бундан кейинги ўринларда Патент идораси деб юритилади):

ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номлари, селекция ютуғи, интеграл микросхемалар топологиясига талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги;

ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига патент бериш тўғрисидаги ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги;

товар белгиси, товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга ошириладиган муҳофаза бериш тўғрисида ёки муҳофаза беришни рад этиш тўғрисидаги;

интеграл микросхемалар топологиясини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорлари устидан;

б) ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига патент берилишига қарши;

в) интеграл микросхемалар топологиясининг рўйхатдан ўтказилишига қарши;

г) ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи патентларининг ҳақиқийлигига қарши;

д) товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси учун гувоҳноманинг, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлигига қарши;

е) белгини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишига қарши;

ж) интеграл микросхемалар топологиясини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида;

з) товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси учун ҳамда товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида;

и) товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш ҳақида.

2. Апелляция кенгашига Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризалар (бундан кейинги ўринларда ариза деб юритилади) топширилиши мумкин.

3. Ушбу Қоидаларнинг 1-банди «а» кичик бандида назарда тутилган апелляциялар ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига талабнома, товар белгисига, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказишга талабнома, товар келиб чиққан жой номлари, интеграл микросхемалар топологиясини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширган талабнома берувчи томонидан берилади.

Мазкур Қоидаларнинг 1-банди «б» — «и» кичик бандларида кўзда тутилган апелляциялар манфаатдор шахслар томонидан берилади.

Мазкур Қоидаларнинг 2-бандида назарда тутилган ариза ўз товар белгисини Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб ҳисоблаган шахс томонидан берилади.

## 2. Апелляциялар ва аризаларни топшириш шартлари

4. Ушбу Қоидаларнинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган апелляциялар ёки аризаларни бериш билан боғлиқ ҳаракатларни кўрсатилган шахслар шахсан ўзлари ёки вакиллари, шу жумладан Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий истиқомат қиладиган жисмоний шахслар ва чет эл юридик шахслари ёки уларнинг вакиллари башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, апелляциялар ёки аризаларни бериш билан боғлиқ ҳаракатларни, шу жумладан Апелляция кенгаши йиғилишларида қатнашишни ўз вакиллари, шунингдек Патент идорасида рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

5. Вакилнинг, тегишли ҳолларда патент вакилининг ваколатлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган ва ваколатларнинг ҳажми кўрсатилган ишончнома билан тасдиқланади.

6. Апелляция ёки ариза ихтиёрий шаклда тузилади ва умумий қабул қилинган техника воситаларида (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказоларда) босилган кўринишда тақдим этилади.

7. Апелляция ёки аризада қуйидагилар кўрсатилади:

а) апелляция ёки ариза берган юридик шахслар учун — унинг номи,

жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахслар учун фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи (тўлиқ манзили) ва бошқа маълумотлар;

б) ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига талабнома, товар белгисига, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказишга талабнома, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологиясига талабноманинг рақами ёки апелляция оид бўлган объектга берилган муҳофаза ҳужжатининг, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами.

Ушбу Қоидаларнинг 2-бандида кўзда тутилган аризада товар белгисига гувоҳноманинг ёки уни рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабноманинг рўйхат рақами кўрсатилади. Ариза Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белгига оид бўлса, аризага «Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»га (2002 йил 1 ноябрь, рўйхат рақами 1184) мувофиқ тайёрланган товар белгиси намунаси илова қилинади.

в) устидан шикоят берилган қарорнинг қонунга зидлиги, патент, гувоҳнома берилганлиги ёки ҳуқуқий муҳофаза берилганлиги қонунга зидлигининг асоси, апелляция берувчи шахснинг барча сабаб ва далиллари, таклиф этилган объектнинг унга қарши қуйилган барча объектлар билан таққосланган таҳлилини (муҳофаза ҳужжати бериш рад этилганда) апелляция ўз ичига олиши керак.

Ушбу Қоидаларнинг 1-банди «г» — «з» кичик бандларида кўзда тутилган апелляцияларга қўшимча материаллар тақдим этилган ҳолда, улар патент, гувоҳнома ёки ҳуқуқий муҳофаза беришни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб тан олиш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган сабабларни ўзгартирмаслиги юзасидан текширилади.

Ушбу Қоидаларнинг 1-банди «и» кичик бандида келтирилган апелляция ва/ёки унга илова қилинган материаллар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

жуғрофий объектга хос бўлган шартларнинг йўқолганлиги ҳақида ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрида кўрсатилган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарни ишлаб чиқариш имкони йўқлиги ҳақида;

чет эл юридик шахслари ёки чет эл фуқаролари томонидан товар келиб чиққан мамлакатда ушбу товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқ йўқотилганлиги ҳақида;

товар Ўзбекистон Республикасининг товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрида ушбу товар келиб чиққан жой номига нисбатан кўрсатилган ўзига хос хусусиятларни йўқотганлиги ҳақида.

Ушбу Қоидаларнинг 2-бандида кўзда тутилган ариза ва унга илова қилинадиган материаллар товар белгисининг ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилганлигини тасдиқлайдиган аниқ маълумотлардан иборат бўлиши керак. Қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар шундай материаллар сифатида тақдим этилиши мумкин:

товар белгисидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг фойдаланилгани ҳақида;

товар белгисидан фойдаланилган ҳолда товарлар реализация қилинган аҳоли пунктларининг рўйхати;

ушбу товарлар реализациясининг ҳажми ҳақида;

ярмарка ва кўргазмаларда товар белгисидан фойдаланилган маҳсулотлар ва/ёки хизматлар рекламаси ва тақдимотини ҳам ҳисобга олган ҳолда, товар белгисидан фойдаланиш усули ҳақида;

товар истеъмолчиларининг ўртача йиллик сони ҳақида;

товар белгиси машҳур бўлган мамлакатлар ҳақида;

Патент идораси белгилаган тавсияномаларни ҳисобга олган ҳолда, ихтисослашган мустақил ташкилот томонидан товар истеъмолчилари орасида ўтказилган сўров натижалари ҳақида.

Товар белгисидан узоқ вақт давомида, узлуксиз, кенг ва катта ҳажмда фойдаланилганлиги исботи сифатида маҳсулот сифатини назорат қилувчи ташкилотлар, савдо ташкилотлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва жамиятларнинг хулосалари (маълумотномалари), декларациялар, сифат сертификатлари ва шу каби ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин.

Аризада товар белгисидан фойдаланиш қайси санадан бошлангани ва ариза берган шахс қайси санадан бошлаб ўз товар белгисини Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этганлиги кўрсатилиши керак.

г) апелляция ёки ариза берган шахснинг апелляция ёки ариза моҳияти бўйича аниқ баён қилинган талаблари.

Апелляция ёки ариза апелляция ёки ариза берган шахс ёхуд унинг вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан апелляция ёки ариза ташкилот раҳбари ёки белгиланган тартибда ваколатга эга бўлган шахс томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади, имзо юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади.

Имзо чекаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши шарт.

8. Апелляция битта ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига талабнома ёки товар белгисига, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологиясига талабномага ёхуд битта муҳофазаланадиган объект — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига, товар белгисига, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказишга, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологиясига оид бўлиши керак.

Ушбу Қоидаларнинг 2-бандида кўзда тутилган ариза ҳам битта товар белгисига тааллуқли бўлиши керак. Апелляция материаллари икки нусхада топширилади, фақат ушбу Қоидаларнинг 1-банди «а» кичик бандида назарда тутилган апелляциялар ва 2-бандида кўзда тутилган аризалар бундан мустасно равишда бир нусхада топширилади.

9. Ушбу Қоидаларнинг 1-банди «а» кичик бандида кўзда тутилган апел-

ляциялар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 158-модда), «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда), «Селекция ютуқлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 9-сон, 156-модда), «Интеграл микросхемалар топологиясининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 5-сон, 87-модда) қонунларида белгиланган муддатларда берилади.

10. Апелляция ёки аризага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги 65-сонли қарори билан тасдиқланган «Патент божлари тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 19-сон, 151-модда) мувофиқ белгиланган патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинмаган тақдирда, апелляция ёки аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

11. Апелляция ёки ариза ўзбек ёки рус тилларида топширилади. Барча қўшимча материаллар, шу жумладан техник ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида икки нусхада топширилади. Агар қўшимча материаллар бошқа тилда топширилган бўлса, апелляция ёки ариза берган шахс уч ой муддат ичида ушбу материалларнинг ўзбек ёки рус тилларига таржимасини тақдим этиши лозим. Таржима тақдим қилинмаган тақдирда, ушбу материаллар апелляция ёки аризани кўриб чиқишда эътиборга олинмайди.

## 3. Апелляциялар ва аризаларни рўйхатга олиш ҳамда қабул қилиш

12. Патент идорасига келиб тушган апелляция рўйхатга олинади ва унга рўйхат рақами берилади.

13. Агар апелляция ушбу Қоидаларнинг 2-бўлимида назарда тутилган шартларга жавоб берса, Апелляция кенгашига келиб тушган санадан эътиборан ун кунлик муддат ичида апелляция берган шахсга апелляция кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида билдиришнома юборилади.

Ушбу Қоидаларнинг 1-банди «б» — «и» кичик бандларида кўзда тутилган апелляциялар Апелляция кенгаши йиғилиши ўтказилгунга қадар ўз мулоҳазаларини тақдим этиши ҳақидаги таклиф билан апелляция берган шахсга юборилади.

14. Агар апелляция мазкур Қоидаларнинг 2-бўлимида белгиланган шартлар инобатга олинмасдан топширилган бўлса, апелляция берган шахсга апелляцияни кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни уч ой муддат ичида тақдим этиш таклифи баён қилинган сўровнома юборилади.

Сўровномада талаб қилинган маълумотлар кўрсатилган муддатда тақдим

этилмаса, апелляция бўйича иш юритиш тўхтатилади ва бу ҳақда апелляция берган шахсга хабар берилади.

15. Апелляция берган шахс кўриб чиқишнинг исталган босқичида апелляцияни чақириб олиши мумкин. Бу ҳолда, апелляция бўйича иш юритиш тўхтатилади.

16. Йиғилишдан ўн кун аввал томонларга Апелляция кенгаши йиғилишининг ўтказилиш жойи, санаси ва вақти ҳақидаги билдиришнома юборилади.

17. Ушбу Қоидаларнинг 12 — 16-бандларида белгиланган тартиб Апелляция кенгашига топшириладиган Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризаларга нисбатан ҳам қўлланилади, 14-банднинг иккинчи хатбошиси бундан мустасно.

## 4. Апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш муддатлари

18. Апелляциялар қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

а) келиб тушган санасидан эътиборан икки ой мобайнида:

Патент идорасининг ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номларига талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Патент идорасининг фойдали моделга патент бериш тўғрисидаги ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Патент идорасининг селекция ютуғига патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар, агар қўшимча синовлар ўтказиш зарурати туғилмаса.

б) келиб тушган санасидан эътиборан тўрт ой мобайнида:

Патент идорасининг ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент бериш тўғрисидаги ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Патент идорасининг товар белгиси, товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Патент идорасининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга ошириладиган муҳофаза бериш тўғрисидаги ёки муҳофаза беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Патент идорасининг интеграл микросхемалар топологиясини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент берилишига қарши берилган апелляциялар;

интеграл микросхемалар топологиясининг рўйхатдан ўтказилишига қарши берилган апелляциялар;

ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляциялар;

белгини халқаро рўйхатдан ўтказишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилишига қарши берилган апелляциялар;

интеграл микросхемалар топологиясининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги апелляциялар;

товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси учун гувоҳнома, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги апелляциялар;

товар келиб чиққан жой номлари рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш ҳақидаги апелляциялар;

в) келиб тушган санасидан эътиборан олти ой мобайнида:

селекция ютуғига патент берилишига қарши апелляциялар;

селекция ютуғи патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляциялар, агар қўшимча синовлар ўтказиш зарурияти туғилмаса.

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризалар Апелляция кенгаши томонидан ушбу аризалар келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида кўриб чиқилади.

19. Апелляция кенгаши йиғилишини ўтказиш санаси тайинланганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган томонлар йиғилиш санасини олти ойдан ошмаган муддатга кўчириш ҳақида асосланган расмий илтимоснома билан Апелляция кенгашига мурожаат этишлари мумкин. Бу ҳолда, апелляцияни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ўтиши Апелляция кенгаши йиғилишини ўтказишнинг янги санасигача тўхтатилади.

20. Муддатлар йиғилиш ўтказишнинг аниқ календарь санаси билан белгиланади.

21. Иш бўйича иш юритиш тўхтатилиши билан барча ўтиб кетмаган муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатилади. Иш бўйича иш юритиш барча зарур маълумотлар ва/ёки материаллар олинмагунга қадар, шунингдек уларсиз апелляция тўлиқ ва объектив кўрилиши мумкин бўлмаган бошқа масалалар ҳал қилинмагунга қадар тўхтатиб турилади. Иш бўйича иш юритиш тикланган кундан бошлаб муддатларнинг ўтиши давом этади.

## 5. Апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш

22. Апелляция ёки аризани кўриб чиқиш таркибида камида учта аъзоси, жумладан раислик қилувчиси бўлган Апелляция кенгаши йиғилишида амалга оширилади. Зарур ҳолларда, Апелляция кенгашига мустақил олимлар ва мутахассислар киритилиши мумкин.

23. Апелляция кенгашида ишни кўриб чиқишда апелляция ёки ариза берган шахс ёки унинг вакили, бошқа манфаатдор юридик ёхуд жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Ишни кўриб чиқишда қатнашиш ҳуқуқи бўлган ва Апелляция кенгаши

йиғилиши ўтказиладиган сана ва жойи ҳақида хабардор қилинган исталган шахснинг келмай қолиши ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўла олмайди.

Апелляция кенгаши ишни кўриб чиқишда қатнашиш ҳуқуқи бўлган шахслардан бирортаси келмаганлиги оқибатида ушбу йиғилишда ишни кўриб чиқиш имконияти йўқлигини инобатга олиб, кенгаш йиғилиши ўтказиладиган санани бошқа кунга кўчириш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган шахслар Апелляция кенгашининг исталган аъзосига ёки бутун таркибига нисбатан асосланган раддия бериши мумкин. Раддия ишнинг моҳиятини кўриб чиқиш бошлангунга қадар берилиши лозим.

Раддия Апелляция кенгаши аъзолари томонидан кўриб чиқилиши керак. Агар раддия қаноатлантирилса, апелляция ёки ариза бошқа таркибда кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқишда қатнашадиган шахслар йиғилишнинг янги санаси ва вақти ҳақида ушбу Қоидаларнинг 16-бандида белгиланган тартибда хабардор этиладилар.

24. Апелляция кенгаши бир шахс ёки бир неча шахснинг битта объектга — муҳофазаланаётган ёки талабнома берилган ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номлари, интеграл микросхемалар топологиясига оид бир неча апелляциялари кўриб чиқишда эканлигини аниқласа, томонларнинг розилигини олган ҳолда, бу апелляцияларни кўриб чиқишни битта йиғилишда бирлаштириши мумкин. Апелляция кенгашининг қарори ҳар бир иш бўйича алоҳида чиқарилади.

Агар аризалар бир ёки бир неча шахслар томонидан берилган бўлса ҳамда уларда битта товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисини Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этиш сўралаётган бўлса, Апелляция кенгаши бир неча аризаларнинг кўриб чиқилишини бирлаштириши мумкин.

25. Томонлардан бири мазкур иш юритувдан чиқиб кетганда (апелляция ёки ариза берган шахснинг вафот этиши, юридик шахснинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши ва шу кабилар), Апелляция кенгаши асосланган ариза бўйича ушбу томонни меросхўри ёки ҳуқуқий ворислари билан алмаштиради. Ҳуқуқий ворислик апелляция жараёнининг исталган босқичида амалга оширилиши мумкин.

26. Ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, қўшимча материаллар ва маълумотлар тақдим этишнинг зарурати пайдо бўлса, қўшимча материаллар ва маълумотлар уч ой ичида топширилади.

Қўшимча материаллар ва маълумотлар тақдим этувчи томоннинг расмий илтимосномасига кўра, қўшимча материаллар ва маълумотларни тақдим этиш муддати Апелляция кенгаши томонидан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Расмий илтимоснома билан сўралган маълумотларга жавоб бериш муддатини узайтириш учун узайтиришнинг ҳар бир ойи учун белгиланган патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Бу ҳолда, апелляция ёки аризани кўриб чиқиш муддатларининг ўтиши узайтириш муддати давомида тўхтатилади.

Белгиланган патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаса, расмий илтимоснома берилмаган деб ҳисобланади.

27. Апелляция кенгаши аъзолари иш кўриб чиқилишида ва қарор қабул қилишда мустақилдирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси соҳасидаги халқаро шартномаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисида»ги низомга амал қиладилар.

28. Апелляция кенгашида ишни кўриб чиқишда тижорат ва хизмат сирлари ошкор этилишини олдини олиш мақсадида, кенгаш иштирокчилари исталган бирининг расмий илтимосномаси бўйича ишни кўриб чиқиш махфийлиги ҳақида ажрим чиқаради. Бу ҳолда, кенгаш йиғилишига киритилган иштирокчиларнинг ҳаммаси Апелляция кенгашида ишни кўриб чиқиш муносабати билан ўзларига маълум бўладиган тижорат ва хизмат сирларидан иборат бўлган аниқ маълумотларнинг махфийлигини сақлаш ҳақида мажбуриятни оладилар.

29. Апелляция кенгашида ишни юритиш ўзбек ёки рус тилларида олиб борилади. Иш юритиш олиб бориладиган тилни тушунмайдиган шахсларга материаллар билан таржимон орқали танишиш ва Апелляция кенгаши ишида қатнашиш, шунингдек кенгаш йиғилишида ўзбек ёки рус тилларида сўзга чиқиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Апелляция кенгаши йиғилишида ёзиб олиш аппаратураларидан фойдаланиш кенгаш аъзоларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

30. Апелляция ёки аризани кўриб чиқиш раислик қилувчининг ишнинг моҳиятини баён қиладиган маърузаси билан бошланади. Ишни кўришнинг кейинги босқичлари одатда қуйидагилардан иборат бўлади:

апелляция ёки ариза берган шахс ва/ёки унинг вакили, шу жумладан патент вакилининг сўзи;

ишга жалб қилинган экспертнинг сўзи;

кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг Апелляция кенгаши аъзолари ва йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоблари;

кўриб чиқишда иштирок этувчи шахслар томонидан олдинги сўзланган нутқларнинг тўлдирилиши.

31. Апелляция кенгаши йиғилишининг баённомаси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган Апелляция кенгаши котиби томонидан олиб борилади.

Апелляция кенгаши йиғилишининг баённомаси раислик қилувчи ва Апелляция кенгаши котиби томонидан имзоланади.

32. Ишни кўриб чиқишда ҳар бир томон ўз талабларининг асоси сифатида келтирган далилларни исботлайди.

Апелляцияни кўриб чиқишда исбот ва далиллар томонлар ва бошқа иштирокчилар тарафидан ёзма равишда тақдим қилинади ҳамда нусхаси барча иштирокчиларга тарқатилади.

Агар тақдим қилинган исботлар етарли бўлмаса, Апелляция кенгаши

томонлар ва апелляция жараёнининг бошқа иштирокчиларига қўшимча исботлар тақдим этишни таклиф қилади.

33. Томонлардан бири бошқа томоннинг нуқтаи назари асосли ва қонунийлигини ёзма равишда тан олган ҳамда низодан воз кечган ҳолда, Апелляция кенгаши апелляция бўйича иш юритишни тўхтатади. Апелляция кенгашига худди ўша томонлар орасидаги ўша иш ва ўша асослар бўйича такрорий мурожаат этиш ушбу ишни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янгидан пайдо бўлган ҳолатлар аниқланганда мумкин бўлади.

34. Апелляция кенгаши апелляцияни кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляцияни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Апелляция кенгаши аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисида ёки эътироф этишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳолда, Апелляция кенгаши бир вақтнинг ўзида ушбу рўйхатдан ўтказилиш билан боғлиқ товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

## 6. Апелляция кенгашининг қарорлари

35. Апелляция кенгашининг қарори апелляция ёки ариза моҳиятини кўриб чиқиш тугагандан сўнг кенгаш аъзоларининг ёпиқ йиғилиши натижаси бўйича кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Апелляция кенгашининг қарори раислик қилувчи ва низони кўриб чиқишда қатнашган Апелляция кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва тасдиқланган санадан эътиборан қабул қилинган деб ҳисобланади.

Апелляция ёки аризани кўриб чиқишда қатнашган шахслар ва Апелляция кенгаши аъзолари кенгаш йиғилишида ёки Апелляция кенгаши йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида ёзма равишда ўзларининг алоҳида фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи Апелляция кенгаши қарорининг хулоса чиқарилган қисмини апелляция ёки аризани кўриб чиқишда қатнашганларга ўқиб эшиттиради.

36. Апелляция кенгашининг қарори ёзма шаклда баён қилинади ҳамда кириш, тавсифлаш, асослаш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

а) кириш қисмида:

иш рақами (рўйхатга олиш рақами) ва апелляция ёки ариза топширилган сана;

қарор қабул қилинган сана;

Апелляция кенгашининг таркиби;

апелляция ёки ариза топширган шахснинг ва/ёки унинг вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми;

низони кўриб чиқишда қатнашган бошқа шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

б) тавсифлаш қисмида:

апелляция ёки ариза берган шахс талабларининг қисқача баёни;

апелляция ёки ариза берган шахс мулоҳазасининг қисқача баёни ёки давлат экспертизаси вакилининг тушунтиришлари;

апелляцияда иштирок этаётган томонлар ва/ёки уларнинг вакиллари тушунтиришларининг қисқача баёни;

в) асослаш қисмида:

низонинг Апелляция кенгаши томонидан аниқланган жиҳатлари;

томонларнинг илтимосномалари ва исботларини Апелляция кенгаши қабул қилишига ёки рад этишига сабаб бўлган далиллар ва фактлар;

Апелляция кенгаши қарор қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

г) хулоса қисмида:

қўйилган талаблар бўйича уларни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида, қабул қилинган қарор устидан шикоятнома бериш муддатлари ва тартиби ҳақидаги маълумотлар.

37. Апелляция кенгашининг қарори апелляция ёки ариза бўйича иш жилдига қўшиб қўйилади.

38. Апелляция кенгашининг қарори қабул қилинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида апелляция ёки ариза берган шахсга ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади ҳамда Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Патент идорасининг қарорига қарши апелляцияларни топшириш учун тўланган патент божлари Апелляция кенгаши томонидан апелляция берувчи фойдасига қарор чиқарилганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги 65-сонли қарори билан тасдиқланган «Патент божлари тўғрисида»ги низомда белгиланган тартибда ушбу шахсга қайтарилади.

39. Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 46 Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1890*

*(2009 йил 3 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.** **А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 17 декабрь,
75-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги
75-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

### Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар авиация техникасига техник хизмат кўрсатишда, таъмирлашда, шунингдек, фуқаро авиацияси тизимига кирувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларида (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) баландликдаги қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар ер, том тўсини ёки ишчи тўшама юзасидан 1,5 метр ва ундан баландликда нарвонлар, нарвончалар, супалар, майдончалар, машиналар ва бошқа ёрдамчи ускуналарнинг устида туриб бажариладиган ишларга, шунингдек, ҳаво кемалари конструкциялари элементи ҳамда бино ва иншоотларнинг устида уларнинг баландлиги чегарасидан 2 метрдан ортиқ бўлмаган масофадаги ишларни бажаришга татбиқ этилади.

2. Мазкур Қоидалар корхоналарда баландликдаги техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, шунингдек, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажарувчи шахслар томонидан қўлланиши шарт.

3. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг раҳбари ва меҳнатни муҳофаза қилишга масъул ходимлар зиммасига юклатилади.

4. Мазкур Қоидалар Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, Санитария қоидалари ва меъёрлари, тармоқлараро стандартлар ва маълум турдаги ишларни бажариш бўйича мавжуд бўлган бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

5. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ корхоналарда қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

бахтсиз ҳодисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

## II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

6. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки тегишли масъул ходимларига бўйсунади ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

8. Корхоналарда баландликда ишларни бажурувчи меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг ходимлари (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жум-

ласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

9. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги низом«га (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

## 2-§. Ходимларга йўриқнома бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

11. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

12. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

## 3-§. Баландликда ишларни бажаришдаги хавфли ва зарарли омиллар

13. Ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришнинг аниқ шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг рўйхати тузилади.

14. Баландликда ишларни бажаришда қуйидаги хавфли ва зарарли омиллар таъсир қилиши мумкин:

конструкцияси носоз бўлган нарвон, нарвонча, ҳавоза, супа ҳамда бошқа ёрдамчи ускуна ва мосламалар;

баландликдан тушиб кетувчи буюмлар (асбоблар, материаллар ва бошқалар);

юқори даражадаги сирпанишнинг мавжудлиги (ер, пол, трап, ҳавоза, сўри ва бошқа қўшимча ускуналарнинг юзасини музлаши, намланиши ва мойланиши натижасида);

ҳаракатланувчи махсус автотранспорт воситалари, ўзи юрар механизмлар, буюмлар ва бошқа материаллар;

очиқ ҳавода ишлаганда шамол тезлигининг ошиши;

атмосферада электрик разрядларининг ҳосил бўлиши (яшинлар);

иш зонасининг етарли даражада ёритилмаслиги;

ортиқча жисмоний зўриқиш ва руҳий чарчаш.

15. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар камайишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

## 4-§. Ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишга қўйиш юзасидан талаблар

16. Корхона ходимлари ишларни бажаришнинг касбий усулларига, ишларни хавфсиз юритишга ўқитилиб, олинган билимлари «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги Намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ ҳужжатли расмийлаштирилган ҳолда синовдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши мумкин.

Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

17. «18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати«га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 11-сон) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

18. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати«га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 1-сон) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

## 5-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш

19. Баландликдаги барча ишларни бажаришга белгиланган тартибда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтган ҳамда тиббий жиҳатдан соғлом бўлган шахслар қўйилади.

20. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган баландликдаги ишларни бажарувчи ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

21. «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш

тўғрисида»ги буйруққа (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) мувофиқ ходимлар, шу жумладан муҳандис техник ходимлар ишга киришда дастлабки ва кейинчалик йилда бир марта даврий тиббий кўрикларидан ўтиши шарт. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

22. Тиббий кўриклар корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриклар даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан якунланиши лозим.

Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

23. Даврий тиббий кўриклар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхона маъмурияти зиммасига юкланади.

24. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

25. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда маъмурият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

## 6-§. Ходимларнинг ҳимоя воситалари

26. Ходимларнинг зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш ишловчиларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли стандартлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

27. Ишчи ва хизматчилар белгиланган тартиб бўйича корхона томонидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланади.

28. Ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишловчилар уларнинг қўлланилиши, ҳимоя хусусиятлари, амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши ҳамда улардан фойдаланишга ўргатилиши лозим.

29. Ходимлар баландликда тўсиқ ўрнатиш имконияти бўлмаган қисқа муддатли ишларни бажараётганларида сақлаш камарларидан фойдаланишлари шарт. Бундай ишлар бажарилаётган жойда бошқа ишлар билан банд бўлмаган ва ишлаётган ходимга шошилинч ёрдам кўрсатишга тайёр ҳамда ўзида сақлаш камари ва тирноқлари бор (ёғоч мачтада иш бажарилаётган ҳолатда) ишчи туриши лозим.

30. Камарлар тасмали (елка ва сон тасмалари) ёки тасмасиз бўлиши мумкин.

31. Камарлар узунлиги бўйича ўзгарувчан бўлиши ҳамда тана бел қисмининг 640 мм. дан 1500 мм.гача бўлган қисмини ўраб туришга мўлжалланган бўлиши лозим. Шунингдек, камар тасмасининг кенглиги 50 мм.дан,

тасмасиз камарларнинг тана елка қисмидан ўтадиган жойининг эни 50 мм.дан, тана бел қисмидаги эни эса 80 мм. дан кам бўлмаслиги лозим.

32. Камар ва унинг амортизатори учун ишлатиладиган материалларнинг статик узилиш оғирлиги 7000 Н дан (700 кг.) кам бўлмаган юкланишга чидамли бўлиши лозим.

33. Камар массаси 100 кг. юкнинг камар тасмасининг икки максимал узунлигига тенг бўлган, баландликдан қулашида юзага келадиган ва динамик оғирликка бардош бериши лозим.

34. Камарнинг пружинали илгаги қалин қўлқоп кийганда бир қўл билан тез ва мустаҳкам қотириш ва ечишни таъминлаши керак. Бунда пружинали илгакнинг қотириш ва ечиш ишларининг давом этиш вақти 3 сониядан ошмаслиги керак.

35. Пружинали илгак кутилмаган очилиш ҳолатларини истисно қилувчи сақлаш қурилмаси билан таъминланган бўлиши лозим. Пружинали илгакни очиш учун зарур бўлган ҳаракат, 30 Н дан (3 кг.) кам ва 80 Н дан (8 кг.) ортиқ бўлмаслиги шарт. Пружинали илгак автомат тарзда ёпилиши керак.

36. Ҳар бир камар ўзининг маркировкасига эга бўлиши керак. Ишловчи камардан фойдаланиш жараёнида ҳар 6 ойдан кейин, навбатдаги фойдаланишдан олдин ҳар бир камарни 2250 Н га (225 кг.) тенг бўлган статик юкда синаб кўриши керак ва бу ҳақда навбатдаги синовнинг санасини кўрсатиб, маркировка қўйиладиган жойга белгилаб қўйиши керак.

37. Сақлаш камарларининг боғлаб қўядиган тасмалари бўлмаса, муҳофаза арқонларини қўллаш зарур бўлади.

38. Баландликда ишларни бажаришда ишловчилар сирпанишга қарши ишланган махсус пойабзал ҳамда ҳимоя каскаси билан таъминланган бўлишлари керак.

## III. Баландликда бажариладиган ишларга (технологик жараёнлар) бўлган талаблар

39. Баландликда бажариладиган ишларнинг (технологик жараёнлар) тахминий рўйхати 1-иловада келтирилган.

40. Баландликда бажариладиган технологик жараёнлар технологик ҳужжатлар, қўлланилаётган машина ва механизм ҳамда ишчиларни иш жараёнида мавжуд бўлган хавфли ва зарарли омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилишни таъминловчи талабларга риоя қилган ҳолда ташкил этилиши ва олиб борилиши керак.

41. Баландликда бажариладиган ишлар ҳар қандай турдаги ишлар учун қуйидаги махсус тўсиқларга эга бўлган ускуна ва мосламалар ёрдамида бажарилиши керак:

док, супа ва ҳавозалар;

кўчма вишка, платформа ва осма кажавалар;

доимий мустаҳкамланган нарвон;

нарвон ва нарвончалар.

Тўсиқ ўрнатиш имкони бўлмаганда баландликдаги ишларда қўлланиладиган сақлаш камарларидан фойдаланилади.

42. Баландликда ишларни бажаришда туриш учун мўлжалланган тўшамаларни бочкалар, яшикларнинг устига ва бошқа жойларга ўрнатиб кетавериш мумкин эмас. Шунингдек, ҳавоза, платформа ва супалардан тал ва блокларни мустаҳкамлаш учун таянч конструкцияси сифатида фойдаланиб бўлмайди.

43. Мустаҳкамланмаган нарвон билан ишларни бажараётганда нарвон ишчи томонидан турғун ҳолатда ушлаб турилиши лозим. Нарвоннинг юқори қисмини қўшимча боғичсиз горизонталига $75^0$С дан ортиқ бурчак остида ўрнатиш ман этилади.

44. Қуйидаги ишларни бажаришда юқори майдончасида тўсиқ бўлмаган нарвон ва нарвончаларда ишлаш ман этилади:

айланадиган механизмлар, ишлаб турган машиналар, транспортёр, гальваник ванналар ва бошқаларнинг олдида ва тепасида;

электрик ва пневматик асбоблар, қурилиш-монтаж тўппончаларидан фойдаланишда;

газ-электр чилангарлик ишларини бажаришда;

ишловчига йиқитиб юбориш ҳолатларини юзага келтирувчи куч таъсирида (симларни таранг тортишда ва бошқа ҳолатларда).

45. Массаси 20 кг.дан ортиқ юкларни юқорига кўтариш (тушириш) ишлари механизация воситалари ёрдамида амалга оширилади. Массаси 20 кг. ва ундан камроқ юкларни юқорига кўтариш (тушириш) ишлари узунлиги кўтариш (тушириш) баландлигининг уч бараваридан кам бўлмаган арқон ёрдамида амалга оширилади. Арқондан фойдаланишда юк унинг ўртасига боғланади.

46. Буюмларни нарвонларда қўл билан кўтариш ва тушириш ман этилади. Массаси 10 кг.дан кам бўлган буюмларни нарвон орқали олиб чиқиш ва туширишда елкага тақиладиган халталардан фойдаланишга рухсат берилади.

47. Зарурат бўлганда айни бир вақтда деталларни ушлаб туриб ишларни бажаришда устки майдончаси бор, уч томонлама тўсиқли (панжарали) нарвон ва нарвончаларни қўллаш лозим. Нарвон ёки нарвончанинг юқори поғонасида туриб ишлашга йўл қўйилмайди.

48. Осма кажаваларга кириш ва чиқиш фақат ерда амалга оширилади. Дераза ўрни, балкон, томлардан шу мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

49. Момақалдироқ, яхмалак, туман ва иш фронти доирасида кўриш қийинлашганда, шунингдек, шамолнинг тезлиги соатига 15 м. ва ундан ортиқ бўлганда, об-ҳаво омилларининг пасайиши туфайли қўшимча чеклашлар мавжуд бўлмаса, баландликдаги ишларни очиқ майдончаларда бажариш ман этилади.

Шамолнинг тезлиги соатига 10 м. ва ундан ортиқ бўлганда тик тушган панелларни кўчириш ва ўрнатиш бўйича ишлар тўхтатилади.

Шамолнинг тезлиги соатига 7 м.дан ортиқ бўлганда самолёт фюзеля-

жини (корпуси) ва баландликда жойлашган қисмларини ғилофлаш ва ғилофини ечиш ман этилади.

## IV. Ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган талаблар

50. Баландликдаги ишларни бажаришда қўлланиладиган ёрдамчи ускуналар стандарт ва техник шароитларга мувофиқ бўлиши лозим бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

ҳавоза ва рўйхатга олинган супалар;

нарвон ва нарвончалар;

ҳаракатланувчи кузатув минораси, майдонча, осма кажава ва бошқалар.

51. Докларнинг платформалари (майдонлари) дағал, йиқилиб кетиш ҳолатлари таъсирига нисбатан мустаҳкам бўлиши, унинг устида ишлаган вақтда жойини ўзгартиришни истисно қилувчи аутригерлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

52. Докларнинг ҳар бир қаватида ишлаш майдончалари 1 м. баландликдаги тўсиқлар билан ўралган бўлиши лозим бўлиб, бунда 1 м. баландликдаги тўсиқларни ўрнатиш мумкин бўлмаган жойлар истисно қилинади.

53. Платформаларнинг ишлаш майдончаларидаги тўшама ва нарвон зиналари ёқилғи-мой материаллари таъсирига чидамли, осон ювиладиган, оловга чидамли ҳамда сирғаниб кетмайдиган бўлиши керак.

Платформаларни кўтариш учун мўлжалланган трос-блоклари тизими ўзини ўзи тўхтатиб қолувчи механизмларга эга бўлишлари керак. Платформаларда муҳофаза камарларини мустаҳкам илиб қўйиладиган жой кўзда тутилган бўлиши керак.

54. Ҳавоза ва супаларнинг тўшамалари қалинлиги 40 мм.дан кам бўлмаган тахталардан қилиниши ҳамда тахталарнинг ўртаси 5 мм.дан ошмайдиган оралиқли текис юзага эга бўлиши лозим. Бир-бирига бирлашувчи тахталарнинг учи таянч жойда жойлашган бўлиши ва уни ҳар томонидан камида 200 мм.дан ёпиб туриши керак.

55. Ер сатҳи ёки том тўсинидан 1,5 м. ҳамда ундан баландда жойлашган тўшама, ҳавоза, майдонча ва супаларнинг баландлиги 1,5 м.дан кам бўлмаган тутқич, оралиқ элементи ва ёнбош тўсиқлари бўлган, баландлиги 1 м.дан кам бўлмаган панжаралар билан тўсилади. Тўшаманинг эни 1 м.дан кам бўлмаслиги, тутқич устунларининг оралиғи эса 2 м.дан кам бўлмаслиги керак.

56. Ҳавозаларнинг тўсиқ ва тутқичлари 700 Н (70 кг.) статик юкланишга бардош бериши керак.

57. Доклар ва ҳавозалар одамларни ва материалларни кўтариш ҳамда тушириш учун мустаҳкам нарвонга эга бўлиши керак. Доклар, платформа ва ҳавозаларнинг конструкцияларига массаси 20 кг.дан ортиқ юкларни кўтариш ускунасини ўрнатиш ман этилади. Тўшамадаги нарвондан чиқиш ўрни 3 тарафдан тўсилган бўлиши керак.

58. Доклар, ҳавоза ва супаларнинг нарвонлари ва тўшамалари иш та-

мом бўлгандан кейин вақти-вақти билан ахлат, мой ҳамда материал қолдиқларидан тозалаб турилиши керак.

Қиш пайтларида тўшама ва нарвонлар қордан, музламалардан тозаланиши ҳамда зарурат бўлганда уларга қум сепилиши керак. Уларда учи қайирилган михлар, бош қисми чиқиб қолган болтлар ва бошқа чиқиб турган буюмлар ҳамда мустаҳкамланмаган тахталар бўлмаслиги керак.

59. Доклар ва металл ҳавозалар пачоқланмаган, ёрилмаган ва бошқа нуқсонларга эга бўлмаган тўғри металл трубалардан тайёрланган бўлиши лозим.

60. Доклар ва қисмларга ажраладиган металл ҳавозалар ортиб борадиган тирагичларнинг ишончли бирикмаларига эга бўлиши керак. Доклар ва ҳавозаларни мустаҳкамлаш учун фақат металлардан ясалган мустаҳкамлаш элементларини ишлатиш керак (болтлар, торлар ва скобалар).

61. Доклар ва металл ҳавозалар ерга уланган бўлиши керак.

62. Доклар ва металл ҳавозаларни очиқ ҳавода ўрнатишда яшин қабул қилувчи, ток ўтказгич ва ерга улагичдан иборат бўлган яшиндан ҳимоя қилувчи қурилма мавжуд бўлиши керак. Ерга улаш қаршилиги 15 ОМдан ошмаслиги керак.

63. Осма кажавалардан фойдаланишга уларни фақат ҳисоблангандан 50% ошиқ статик юкланишда ҳамда ҳисоблангандан 10% ошиқ динамик юкланишда синалгандан кейин рухсат берилади ва бу ҳақда далолатнома тузилади. Агар ишлаб чиқарувчининг техник шартлари ёки йўриқномаси билан бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, синовлар камида олти ойда бир марта ўтказилади.

64. Одамларни чиқариш ва тушириш учун қурилмалар тўсиқларга эга бўлиши ва хавфли зоналардан ташқарида жойлашган бўлиши керак. Осма кажавани кўтариш учун ишлатиладиган пўлат симлар ҳисоб билан текширилган бўлиши ва тўққиз баравардан кам бўлмаган мустаҳкамлик даражасига эга бўлиши керак. Осма кажаваларни кўтариш учун хизмат қиладиган юк кўтариш кранлари кранларининг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланишнинг белгиланган талабларига жавоб бериши лозим.

65. Осма кажаваларнинг баландлиги 1,2 м. бўлган тўрт тарафлама тўсиққа эга бўлиши керак. Улар осилиб турадиган консоллар, деворга таглик орқали таяниб туриши керак. Карнизлардан таянч сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

66. Металл мачталар ишловчини кўтариш учун нарвонлар билан таъминланган бўлиши керак. Нарвонлар тасма-тасма ёки думалоқ пўлатдан бўлган, баландлиги 700 — 800 мм.дан ёй кўринишидаги сақлаш тўсиқларига эга бўлиши керак. Ёйлар бир-биридан 800 мм. масофа узоқликда ўрнатилади ва ўзаро учта пўлат тасма ёки сим парчаси билан бирлаштирилади.

67. Вертикал нарвонларнинг поғоналари диаметри 18 мм. думалоқ пўлатдан, узунлиги камида 400 мм.дан кам бўлмаган, сирпанишга қарши нов шаклига эга бўлиши керак. Поғоналар ўртасидаги масофа 400 мм.дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Мачтага кўтарилишда ишловчининг дам олиши учун бир-биридан 20 м.дан

ортиқ бўлмаган масофада жойлашган металл майдончалар кўзда тутилган бўлиши керак. Майдончаларнинг баландлиги 1 м.дан кам бўлмаган панжаралар билан ўралган бўлиши керак.

68. Нарвон ва нарвончаларнинг конструкциялари хавфсиз иш шароитларини таъминлаши ва қуйидагиларни кўзда тутиши керак:

ўз-ўзидан йиғилиш ва сурилиб кетишни олдини олувчи мосламанинг мавжудлиги;

чўкиш ва ағдарилиб кетишни олдини олувчи мосламанинг мавжудлиги;

1,5 м. ва ундан баландда ишлаётганда панжара ва сақлаш камарларининг мустаҳкамланганлигини таъминловчи мосламаларнинг мавжудлиги;

металл поғоналарнинг тарам-тарам юзага эга бўлиши.

69. Металл нарвон ва нарвончалар улар ҳақида аниқ маълумотлар баён қилинган ҳужжатларга эга бўлган материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

Пайвандланган чоклар узунлиги бўйича текис ҳамда чокнинг мустаҳкамлигини пасайтирувчи, дарз кетиш, куйиш каби нуқсонларга эга бўлмаслиги зарур. Нарвон ва нарвончаларнинг юзасида оддий кўз билан кўринадиган пачоқланган, қирилган, шунингдек, ўткир қирра ва ғадир-будур жойлар бўлмаслиги керак. Пўлат қисмлари сифатли занглامайдиган қопламага эга бўлиши керак. Поғоналар бўшашиб ва айланиб кетмаслиги лозим.

70. Кўчма тахтадан ясалган нарвон ва нарвончалар кўзсиз 1-2 навли нинабарг жинсли чидамли қуруқ ёғочдан тайёрланган бўлиши керак.

71. Нарвоннинг тахта деталларига кейинчалик уларни рангсиз лак билан қопланиш учун иссиқ шароитда асл алифмойга сингдирилган бўлиши керак. Нарвонларни бўёқлар билан бўяш ман этилади.

72. Тахтали нарвонларнинг узунлиги 5 м.дан ошмаслиги, бунда нарвоннинг умумий узунлиги унинг юқори учидан 1 м.дан кам бўлмаган масофадаги поғонасидан туриб ишлашга имкон бериши керак. Нарвоннинг баландлик жойлашган қисмининг кенглиги 300 мм.дан, пастда жойлашган қисмининг кенглиги 400 мм.дан кам бўлмаслиги керак.

73. Нарвоннинг ён томон ёғочлари юқори ва пастки поғоналар остидан диаметри 3 мм.дан кам бўлмаган тортилувчи болтлар билан маҳкамланади. Нарвонларнинг узунлиги 2 м.дан ортиқ бўлганда қўшимча тортиб турувчи болтлар шундай ўрнатилиши зарурки, улар орасидаги масофа 2 м.дан ошмаслиги лозим.

74. Нарвон ва нарвончаларнинг поғоналари ён томон ёғочларига ёриб киргизилади. Поғоналари мих билан қоқилган нарвонларни қўллаш мумкин эмас. Нарвонларнинг поғоналари орасидаги масофа 250 мм.дан ортиқ ва 150 мм.дан кам бўлмаслиги лозим.

75. Ғадир-будур бетон полларда ишлаганда пастки учлари резинали нарвонлар қўлланади. Тахтали ва тупроқли полларда ишлаганда пастки учларида ўткир пўлат учи бор нарвонларни қўллаш керак.

76. Икки ёққа очиладиган нарвонларда, нарвоннинг ўз-ўзидан очилиб кетишига имкон бермайдиган, мустаҳкам бирлашмалар кўзда тутилган бўлиши керак.

77. Ҳаво кемасининг конструкциясига, қувур ёки тросларга қўйиладиган нарвонларнинг юқори учлари, махсус боғловчи камарлар ёки илиб олувчи пружинали илгак билан таъминланган бўлиши зарур.

78. Нарвон ён ёғочлари кесимининг нарвон узунлигига тавсия қилинаётган нисбати 2-иловада келтирилган.

79. Фойдаланишда бўлган ҳар бир тахтали ёки металлдан ясалган нарвонлар, нарвончалар ва арқонларнинг биркаларида уларнинг инвентарь рақами, кейинги синов муддати, қайси бўлинмага (цех, хизмат, участка ва ҳоказо) тегишли эканлиги кўрсатилган бўлиши керак. Барча нарвонлар ва нарвончалар 3-иловага мувофиқ «Нарвон ва нарвончаларнинг ҳисобга олиш ва синов журналининг шакли»да рўйхатга олинган бўлиши керак.

80. Барча кўчма нарвон ва нарвончалар тайёрлангандан кейин ва таъмирдан чиққандан сўнг 1200 Н (120 кг.) статик юкланишда синаб кўрилиши керак. Синаб кўрилаётганда фойдаланиш ҳолатида бўлган нарвоннинг ўртасидаги поғоналаридан бирига статик юк қўйилади. Фойдаланиш жараёнида тахтали нарвон ҳар ярим йилда, металл нарвон эса йилда бир марта синовдан ўтказилиши лозим.

Нарвончалар синовдан олдин текис горизонтал майдончага ўрнатилади. Нарвончанинг ўрта қисмидаги кучайтирилмаган поғонасига юк илинади. Агар поғоналар нарвончанинг иккала ёндош томонларида ҳам бўлса, унда биринчи томон синалгандан сўнг айнан шу тарзда иккинчиси синалади. Агар унинг иккинчи томони ишчи ҳисобланмаса ва фақат таянч учун хизмат қилса, унда ўша томон ён қисмларининг ҳар бирининг ўртасига бевосита 1000 Н (100 кг.) юк осиб қўйиб синалади.

81. Носоз ҳолатда бўлган, шунингдек, навбатдаги синов муддати ўтиб кетган ҳавоза, супа, майдончалар, нарвон, нарвончалар ва бошқа ёрдамчи ускуналардан фойдаланиш ман этилади.

82. Нарвон ва нарвончаларнинг ҳолати учун назоратни бўлинма (цех, участка) бўйича буйруқ билан тайинланган муҳандис-техник ходимлар орасидан тайинланган шахслар амалга оширади.

83. Барча нарвон ва нарвончалар қўлланишдан олдин иш бошқарувчи томонидан кўриб чиқилади

84. Тахтали нарвонни кўриб чиқиш жараёнида уларнинг техник талабларга мувофиқлилиги, тахтанинг ҳолатига, шунингдек, шимдирилган қопламанинг сифатига эътибор қаратилиши лозим.

Нарвон поғоналари ва ён томон ёғочларида узунлиги 100 мм.дан, чуқурлиги 5 мм.дан ортиқ бўлмаган ёриқлар бўлишига рухсат берилади, бунда ёриқлар нарвоннинг ён томонларини ва поғоналарини кучсизлантирмаслиги керак. Ёриқли жойларни шпатлёвка, елимлаш ёки бошқа усуллар билан қандайдир ёпиб текислаш тақиқланади. Ён томон ёғочларининг тугайдиган қисмидаги учликлар мустаҳкам бириктирилган бўлиши ва люфт ҳосил қилмасликлари керак. Металл бўлмаган учликларни артишда улар ерга уланган бўлиши керак, ўтмаслашиб қолган металл учлар чархланиши керак.

85. Металл нарвон ва нарвончаларни текширишда унинг қисмларида деформация йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак, металлда ёриқлар, ғадир-

будур, ўткир қирралар, поғоналарни ён томон қисмларига маҳкамлашда камчиликлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

86. Сақлаш камарларини текширганда навбатдаги синов муддати тўғрисидаги белги бўлган бирка борлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Синовдан ўтганлиги тўғрисида белги бўлмаганда, муҳофаза камарларидан фойдаланиш ман этилади.

## V. Ишларни бажаришда хавфсизлик талаблари

87. Баландликда иш жойи ва ишларни бажаришни ташкил қилиш ишловчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини истисно этишга қаратилган бўлиши керак.

88. Иш жойини ташкил қилиш ишловчининг мустаҳкам туриши, эркин ҳаракат қилиши ва фаолиятини визуал назорат қилишни ҳамда меҳнат операцияларини хавфсиз бажарилишини таъминлаши лозим.

89. Ҳаво кемаси планерининг юқорида жойлашган қисмларида ишларни бажараётган, ходимларнинг муҳофаза мосламаларини маҳкамлаш жойлари кўзда тутилиши керак.

90. Баландликдаги иш жойларини ва иш майдончаларини ташкил қилишда одамларга хавфли ишлаб чиқариш омиллари доим таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган хавфли зоналар аниқланиши керак. Хавфли жойлар хавфсизлик белгилари ва ёзувлар билан аниқланиб кўрсатилиши керак.

91. Электр қурилмаларининг ток ўтказувчи ёки кучланиш остида бўлган қисмлари яқинида ва уларга бехосдан тегиб кетиши хавфи бўлганда, электр линиялари ва электр тақсимлагичлари кучланишдан ўчириб қўйилади. Бунда ўчирувчи ускунага: «Ёқилмасин! Иш кетяпти!» деб ёзилган тахтача осиб қўйилиши керак. Иш пайтида кучланишни ўчириб қўйиш имконияти бўлмаган ҳолларда металл нарвон ва нарвончалардан фойдаланиш ман этилади.

92. Ҳавоза, супа трап ва бошқа ускуналарда уларнинг ҳисобланган юк кўтариш даражасидан ошиқ миқдорларда одамларнинг тўпланиши ва материалларнинг тахланиши ман этилади.

93. Баландликда ишларни бажаришда технологик оралиқлар, лифт шахталари ва тўсиқларда мавжуд бўлган оралиқлар ва туйнуклар тўсиқлар ёрдамида тўсилиши ёки ёпилиши зарур.

94. Шахсий асбоб-ускуналар сумкаларда ёки махсус сортировкаларда жойлашган бўлиши керак. Баландликда ишларни бажараётганда ишчи асбоб, қисм ёки материалларни пастда турган одамлар устига тушиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Иш бажарилаётган жойнинг остида одамлар бўлган ва иш жойларининг остида яхлит тўшама йўқ бўлган ҳолатда муҳофаза қилувчи тўсиқларни ўрнатиш лозим.

95. Док, ҳавоза, супаларни ўрнатиш ёки ажратиш ишлари бажарилаётган жойдаги ҳудудга бегона одамларнинг кириш йўли ёпиб қўйилиши ва огоҳлантириш белгилари осиб қўйилиши лозим.

96. Нарвондан мачталарга кўтарилаётганда ишловчи ўзида муҳофаза камарларига эга бўлиши ҳамда иш вақтида мачтанинг конструкциясига занжир билан маҳкамланиши керак.

97. Баландлиги 15 м.дан ортиқ бўлмаган ёғоч мачталарга монтёрларнинг тирноқлар ёрдамида кўтарилишига рухсат берилади. Ишловчи кўтарилаётган пайтида муҳофаза камарининг занжири билан мачтага боғланган бўлиши керак. Чўзиш орқали ўтиш даврида хавфсизликни таъминлаш учун иккита занжирли муҳофаза камарини қўллаш зарур.

98. Ишловчини осма кажавада мачтага кўтарилаётганда, у муҳофаза камари билан осма кажавага боғланиши керак.

99. Ишловчини 10 дақиқадан ошмаган тезликда фақат унинг кўрсатмаси билан кўтариш ва тушириш лозим. Юқори баландликда ишлаётган ишловчи мегафон билан таъминланган бўлиши зарур.

100. Ишчи 1,5 м. ва ундан баландда кўчма нарвонларда ишлашда бирор конструкцияга ёки тиргакка муҳофаза камарининг пружинали илгаги билан маҳкамланиши зарур.

Маҳкамланмаган нарвонга муҳофаза камарининг пружинали илгаги билан боғланиш ман этилади.

101. Икки ёки ундан ортиқ ишчига битта кўчма нарвонда ёки нарвоннинг бир тарафида ишлаш, шунингдек, бирданига нарвондан кўтарилиш ва тушиш ман этилади.

102. Транспорт воситалари ва одамлар ҳаракатланадиган участкада кўчма нарвонлар ишлатилганда нарвон ўрнатилган жой иш бажарилаётган вақтда тўсиб қўйилиши ёки қўриқланиши лозим.

103. Баландликда пайвандлаш ишларини бажаришда ҳавоза ва майдончалар ёнмайдиган (қийин ёнадиган) материаллардан ўрнатилиши керак. Ҳавоза (майдончалар) бўлмаганда электрпайвандчилар оловга чидамли муҳофаза камарлари, арқонлари ва карабинли муҳофаза канатларидан, шунингдек, асбоб ва электродларнинг қолдиқлари учун мўлжалланган махсус сумкалардан фойдаланишлари керак.

104. Бир вертикал бўйича турли баландликларда бир вақтда ишлар олиб борилаётганда пастки қаватда ишловчи ходимнинг металл парчалари ва учқунларидан ва бошқа нарсаларнинг бехосдан тушиб кетишидан ҳимоя қилиниши кўзда тутилган бўлиши керак.

## VI. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

105. Баландликдаги ишларни бажаришда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидаларга риоя қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи корхоналар зиммасига юклатилади.

106. Жавобгарликка инструктаж бўйича тегишли ўқитиш ва уни рўйхатга олиш амалга оширилганидан сўнг меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини

бузган ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир бошқа талабларни бажармаган ишчилар ҳам тортилишлари мумкин.

107. Баландликда ишларни бажаришда жабрланган ходимларга етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

## VII. Якуний қоида

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси билан келишилган.

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси*** *Д. ЖАҲОНГИРОВА*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 декабрь*

***«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Бош директори*** *В. ТЯН*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 декабрь*

***Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари*** *Т. ТУРАГАЛОВ*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 декабрь*

***«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси раиси*** *Ш. ШАДИЕВ*

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 9 декабрь*

Баландликда ишлаганда меҳнатни
муҳофаза қилиш қоидаларига
1-ИЛОВА

**Баландликда бажариладиган ишларнинг
(технологик жараёнлар) тахминий
РЎЙХАТИ**

1. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари:

1.1. Ҳаво кемасининг планер, двигатель, ёқилғи ва бошқа юқорида жойлашган тизимларига, уларнинг авиацион ва радиоэлектрон ускуналарига техник хизмат кўрсатиш;

1.2. Ҳаво кемаларига кема устида туриб ёқилғи мой маҳсулотларини қуйиш;

1.3. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмларини (қўл ёрдамида) ювиб чиқиш;

1.4. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмларини (қўл ёрдамида) лак-бўёқ билан бўяш (қоплаш);

1.5. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмларидан лак-бўёқ қопламларини қириб ва тозалаб ювиш;

1.6. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмларида чилангарлик-йиғув ишларини олиб бориш;

1.7. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмларида пайвандлаш (узеллар ва деталлардаги ёриқларни пайвандлаш) ишларини олиб бориш;

1.8. Ҳаво кемасининг багаж бўлимлари, кабиналари жипслигини (герметиклигини) текшириш бўйича бажариладиган ишлар;

1.9. Ҳаво кемасининг баландликда жойлашган қисмларидан муз қопламларини (қўл ёрдамида) олиб ташлаш.

2. Юклаш-тушириш ишлари (почта, багаж, балласт, контейнерлардаги авиадвигателлар, борт таомлари, борт жиҳозлари ва бошқа юкларни ортиш ва тушириш).

3. Таъмирлаш-қурилиш ва қурилиш-монтаж ишлари:

3.1. Бетон ишлари;

3.2. Вентиляция ишлари (вентиляция тизимларини монтаж қилиш, созлаш ва таъмирлаш ишларида);

3.3. Юқорида бажариладиган ишлар (таъмирлаш-қурилиш ва қурилиш-монтаж ишлари учун ҳавозаларни қуриш, демонтаж ва йиғиш ишлари);

3.4. Ердаги ишлар (хандақ, котлован, ўраларнинг тупроғини шиббалаш);

3.5. Изоляция ишлари;

3.6. Тош ишлари;

3.7. Том ёпиш ишлари;

3.8. Монтаж ишлари (темир-бетон конструкцияларининг монтаж ва демонтаж, металлконструкцияларининг монтаж ва демонтаж, ёруғлик-сигнал

(мачта) ускуналарини монтаж ва демонтаж, электр ускуналарининг монтаж ва демонтаж);

3.9. Бўёқчилик ишлари (бино ва иншоотларни бўяшда);

3.10. Қоплаш ишлари;

3.11. Юклаш-тушириш ишлари (қурилиш материаллари, қувур, тахта материалларни илиб туширишда);

3.12. Дурадгорлик ишлари;

3.13. Ишга тушириш-созлаш ишлари;

3.14. Чуқурлиги 1,5 м.дан ортиқ бўлган ўралар, хандақ ва котлованларнинг четида ҳамда 1,5 м. дан ортиқ тепаликларда олиб бориладиган ишлар;

3.15. Баландлиги 1,5 м. дан ортиқ бўлган тикка жойлашган сиғимларда олиб бориладиган ишлар;

3.16. Машина ва механизмларни қўллаш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишлари;

3.17.Санитар-техник ишлар (ташқи санитар-техник тармоқларнинг монтажи бўйича);

3.18. Пайвандлаш ишлари (бино ва иншоотларни плита, тўсиқ, колонна, тўсин, ригелларини монтаж қилишда);

3.19. Дераза ўрни, витраж, фонарларга ойна қўйиш бўйича ишларни олиб бориш;

3.20. Радиотелевизион марказларнинг ёнғин-муҳофаза қурилмалари сигнализацияси бўйича ва қабул қилувчи ҳамда узатувчи антенна-мачта иншоотларини ўрнатиш бўйича махсус ишлар;

3.21. Радиоэлектрон ускуналар, электр қурилмалар, электр тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича ишлар;

3.22. Сувоқчилик ишлари;

3.23. Электр монтаж ишлари;

3.24. Витраж, фонар деразаларни ювиш бўйича ишлар.

4. Вертикал жойлашган 1,5 м.дан ортиқ баландликдаги нефть маҳсулотлари, шунингдек, портловчи ва заҳарли моддаларнинг сиғимлари ичида таъмирлаш, тозалаш ва текшириш бўйича ишлар.

5. Қуйидаги юк кўтариш машиналари, юк илиб олиш мосламалари ва ускуналарининг юқори жойлашган қисми ва конструкцияларига техник хизмат кўрсатиш:

5.1. Кран-блок;

5.2. Тельфер;

5.3. Автокран;

5.4. Оёқли кранлар;

5.5. Кўприкли кран;

5.6. Минорали кран.

6. Ёруғлик-сигнал тизимлари, радио махсус ускуналари, ёритиш мачталари ва электр ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш.

Баландликда ишлаганда меҳнатни
муҳофаза қилиш қоидаларига
2-ИЛОВА

## Нарвон ён ёғочлари кесимининг нарвон узунлигига тавсия қилинаётган нисбати

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Нарвоннинг узунлиги, метрда | 5,0 м. | 4,0 м. | 3,0 м. | 2,0 м. |
| Нарвон ён ёғочининг кесими, мм. да | 80 х 30 мм. | 70 х 30 мм. | 60 х 30 мм. | 50 х 30 мм. |

Изоҳ: бунда нарвоннинг узунлиги 5,0 м. бўлганда нарвон ён ёғочининг кесими 80 х 30 мм.га, 4,0 м. бўлганда 70 х 30 мм.га, 3,0 м. бўлганда 60 х 30 мм.га ҳамда 2,0 м. бўлганда 50 х 30 мм.га тенг бўлади.

Баландликда ишлаганда меҳнатни
муҳофаза қилиш қоидаларига
3-ИЛОВА

## Нарвон ва нарвончаларнинг ҳисобга олиш ва синов журналининг шакли

| Т/р | Ускунанинг номи | Инвентарь рақами | Бўлинмага қарашлилиги | Охирги синов санаси | Синовнинг сабаби | Таъмирни ўтказиш тўғрисида асосий маълумотлар | Техник кўрикнинг натижалари | | | Кейинги синов ўтказиш санаси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Кўрик | Статистик синов | Синов ўтказган шахс фамилияси | | |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 47 Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891*

*(2009 йил 7 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 26 декабрь,
120-сон

Молия вазирининг
2008 йил 26 декабрдаги 120-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

### Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) мувофиқ бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мақсадларида бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш деганда тадбиркорлик хавфларини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта ҳимоясини тақдим этиш тушунилади.

2. Мазкур Низом билан белгиланган ягона талаблар бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини тақдим этаётган суғурталовчилар учун мажбурийдир.

3. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари стандарт тушунчалар ва суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандарт шартларидан иборатдир. Суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари, агар қонун ҳужжатларида ёки суғурта шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатишда қўлланилади.

## II. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари

4. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи истеъмолчига (тадбиркорлик хавфини суғурталаш шартномасини тузмоқчи бўлган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорга) қуйидагилар ҳақида ҳаққоний ва тўлиқ ахборотни тақдим этиши шарт:

а) суғурталовчи ҳақида (ошкора ахборотни);

б) суғурталовчи номидан ва топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган суғурта воситачилари (суғурта агентлари) ҳақида (агар истеъмолчи томонидан бундай талаб мавжуд бўлган тақдирда);

в) суғурта хизмати, яъни унинг нархи (суғурта мукофоти), қопламаси, шартлари, хизматнинг мақсадлари, таваккалчилик омиллари, кафолатлар, махсус истиснолари ва ҳ. к. ҳақида;

г) суғурта хизматининг истеъмолчи учун афзалликлари ва камчиликлари ҳақида;

д) суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари ҳақида;

е) суғурта мукофотлари (бадаллари) ва маблағларнинг кутилаётган қайтарилиши ҳақида (қўлланилиши мумкин бўлганда);

ж) суғурта даъволарини ҳал этиш тартиби ва суғурта шартномасининг бошқа шартлари ҳақида.

Суғурталовчи тақдим этаётган ахборот барча муҳим шартлар (позициялар) бўйича аниқ ва равшан, янглиштирмайдиган, осон тушуниладиган ва ёзма шаклда ёки тегишли электрон ташувчиларда бўлиши шарт.

5. Суғурталовчи:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган суғурта хизматлари ва тақдим этиши;

суғурта хизматларини, ҳатто улар амалга оширилишининг ўзига хос шартларига эга бўлган ҳолатларда ҳам, мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ кўрсатиши;

ўз ходимларининг барча ишларини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаши;

кўрсатилаётган хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот, шунингдек суғурта шартларидаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ахборот тақдим этиши;

истеъмолчининг талабларига айнан мос келувчи суғурта хизматларини танлашга ёрдам бериши;

суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта товонини ўз вақтида тўланишини таъминлаши;

ўз ишидаги хатоларни сўзсиз тузатиши ҳамда суғурта қилдирувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиши шарт.

6. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 929-моддасида назарда тутилган суғурта шартномасининг муҳим шартлари бўйича келишувга эришилиши ҳамда улар суғурта шартномасида аниқ ва равшан баён этилиши шарт.

7. Суғурта шартномаси янглиштирувчи тасвирловчи ҳаракатлар ёки таърифлардан ҳоли бўлиши шарт. Суғурта шартномаси тузилаётганда суғурталовчи қонун ҳужжатларида ва/ёки умум қабул қилинган амалиётда назарда тутилган суғурта қилдирувчи олдидаги қайсидир мажбуриятини ёки жавобгарлигини истисно қилиш ёки чеклашга интилиб, қайсидир меъёрни асоссиз равишда далил қилиб кўрсатишга ҳақли эмас.

8. Агар суғурта шартномаси суғурталовчининг қайсидир саволларига суғурта қилдирувчининг жавоблари бўлмаган ҳолда тузилган бўлса, суғурталовчи тегишли ҳолатлар суғурта қилдирувчи томонидан маълум қилинмаганлигига асосланиб кейинчалик шартномани бекор қилишни ёхуд уни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қила олмайди.

9. Суғурталовчилар суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизимини яратишлари ва қўллаб-қувватлашлари шарт. Суғурталовчилар суғурта даъволарини ўз вақтида ва одилона ҳал этишлари шарт. Суғурта даъволарини самарали ва тез ҳал этиш мумкин бўлган суғурта даъволарини ва низоларни ҳал этишнинг содда ва объектив жараёни мавжуд бўлиши лозим. Ушбу жараён аниқ ва осон тушуниладиган бўлиши лозим.

Суғурталовчи суғурта даъволарини кўриб чиқишнинг муқобил механизми сифатида ўзидан мустақил бўлган ташкилотга (масалан, Ассистанс хизмати ёки аджастерларга) мурожаат қилишга ҳақли.

10. Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган воқеа содир бўлганлиги тўғрисида хабарни ва ушбу воқеага алоқадор ҳужжатларни олгандан кейин уч банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай етказилган зарарларнинг сабаблари ва миқдорларини аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган қўшимча ҳужжатларни сўрашга ҳақли.

11. Агар суғурталовчи воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олса, у суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузиши, унда суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига тўлаши лозим бўлган суғурта товонининг миқдорини кўрсатиши ва суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузилган кундан

бошлаб беш банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай суғурта товонини тўлаши шарт.

Воқеа суғурта ҳодисаси деб тан олинмаса, суғурта қилдирувчи зарарларни қоплаш талаби билан мурожаат этган кундан бошлаб ўн беш кун бўлган муддатдан кечиктирмай суғурталовчи суғурта қилдирувчига рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган хабарномани йўллаши шарт.

## III. Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг стандартлари

12. Суғурта шартномалари ва бизнес соҳаси учун суғурта хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа ҳужжат айланмасида (иш хатларида, зарарларни ҳал этиш ҳужжатларида ва ш. к.) фойдаланиладиган асосий атамалар ва таърифларнинг турлича талқин этилишини олдини олиш мақсадида, қуйидаги стандарт тушунчалар қўлланилади:

**айланма** — суғурта қилдирувчи томонидан сотилган ва етказиб берилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун суғурта қилдирувчига тўланилаётган (сийловлар чегирилган ҳолда) ва тўланган пул маблағлари;

**бизнеснинг тўхташи** — суғурта қилдирувчининг одатдаги фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган ташқи ва ички омиллар билан боғлиқ равишда тадбиркорлик фаолиятининг тўхташи;

**жорий харажатлар** — суғурталанган фаолиятнинг тўхташи даврида суғурта қилдирувчининг муқаррар равишда давом этаётган харажатлари;

**контрагент** — суғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатларга кирувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

**контракт** — суғурта қилдирувчи ва контрагент ўртасида ҳақ эвазига тузилган товарларнинг олди-сотди (хизматлар кўрсатиш, иш бажариш) шартномаси;

**кутиш даври** — контрактда кўрсатилган тўлов санасидан бошлаб ҳисобланадиган, суғурта шартномасида келишилган воқеа натижасида содир бўлган зарарни қоплашгача ўтиши лозим бўлган кетма-кет календарь кунлари сони;

**суғурта шартномаси** — ёзма келишув бўлиб, унга кўра суғурталовчи келишувда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига келишувда назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади;

**суғурталанган фаолият** — маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва (ёки) истеъмолчиларга товар сотиш бўйича суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта қилдирувчининг хўжалик фаолияти (бизнеси);

**суғурталовчи жавобгарлигининг лимити** — суғурта шартномасида белгиланадиган пул миқдори бўлиб, унинг чегарасида ҳар бир алоҳида ёки барча суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонининг миқдори белгиланади;

**суғурта даври** — суғурталовчи суғурта шартномаси амалда бўлган даврда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган давр;

**суғурталовчи** — умумий суғурта соҳасининг тегишли класслари бўйича суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**суғурта қилдирувчи** — суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузган, суғурта шартномасида келишилган суғурта мукофотини (суғурта тўловини) тўловчи ва суғурталовчи билан аниқ суғурта муносабатларига кирувчи ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

**суғурта полиси** — суғурта шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ва суғурта қилдирувчига у суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлагандан кейин бериладиган ҳужжат;

**суғурта суммаси** — суғурта қилдирувчи ва суғурталовчининг келишувига мувофиқ белгиланадиган пул маблағлари миқдори бўлиб, суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ундан ошмаган миқдорда тўлаш мажбуриятини олади;

**суғурта ҳодисаси** — суғурта шартномасида кўрсатилган ва у содир бўлиши билан суғурталовчининг суғурта қилдирувчига суғурта товони тўловини амалга ошириш мажбурияти келиб чиқадиган юз берган воқеа;

**суғурта мукофоти** — суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи;

**суғурта товони** — суғурталовчи суғурта шартномасида келишилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчи кўрган зарарларини суғурта суммасидан ошмаган миқдорда тўлайдиган пул маблағлари миқдори;

**стандарт айланма** — зарар кўришдан бевосита аввалги ўн икки ойга тенг қоплама тўлашнинг энг кўп даврига тўғри келадиган маблағлар айланмаси;

**суғурта ҳудуди** — суғурта амалда бўладиган ҳудуд. Суғурта шартномаси суғурта ҳудудида содир бўлган ҳодисаларга нисбатан амалда бўлади;

**тегишли равишда товарларни жўнатиш (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш)** — контрактнинг шартлари ва муддатларига мувофиқ контрагентга товарларни жўнатиш (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш), бунда:

а) жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) контрагент томонидан контракт шартлари ва муддатларига мувофиқ қабул қилиб олинган;

б) товарлар (хизматлар, ишлар) суғурта шартномаси амалда бўлган даврда жўнатилган (кўрсатилган, бажарилган);

в) товарлар (хизматлар, ишлар) контракт валютасига сотилган (кўрсатилган, бажарилган);

**тадбиркорлик хавфи** — тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбурият-

ларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи;

**фойданинг йўқотилиши** — суғурта қилдирувчи суғурталанган фаолиятидан бизнеси тўхташи даврида олиши мумкин бўлган фойда;

**франшиза** — суғурта шартномасида назарда тутилган, суғурталовчи томонидан қопланмайдиган суғурта қилдирувчи зарарларининг бир қисми. Франшиза ҳам суғурта суммасидан фоизлар кўринишида, ҳам аниқ суммада ўрнатилиши, ҳамда шартли ва шартсиз бўлиши мумкин. Шартли франшиза ўрнатилганда, суғурталовчи франшиза миқдоридан кўп бўлмаган зарар учун жавобгарликдан озод бўлади. Шартсиз франшиза ўрнатилганда эса, суғурталовчининг жавобгарлиги зарардан франшиза миқдорини чегириб қолган ҳолда аниқланади.

Шунингдек, суғурта шартномаларида вақт кўринишидаги франшиза (вақт франшизаси), яъни зарар содир бўлган пайтдан бошланиб, белгиланган вақт ўтиши билан тугайдиган вақт оралиғи ўрнатилиши ҳам мумкинки, бу вақт оралиғи давомида кўрилган зарарлар қопланмайди.

13. Суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ёзма аризаси асосида тузилади:

а) суғурта қилдирувчи фаолиятининг қонунийлигини белгилайдиган ҳужжатлар (ушбу турдаги фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома, лицензия ва б.);

б) суғурта ҳимояси сўралаётган контракт (шартнома, битим) нусхаси (зарурат бўлганда);

в) суғурталовчига таваккалчилик даражасини баҳолашга имкон берувчи бошқа ҳужжатлар.

Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатлар асосида суғурта шартномасини тузиш имконияти тўғрисидаги қарор қабул қилади. Суғурталовчи суғурта қилдирувчи томонидан хабар қилинган, суғурта шартномасига алоқадор маълумотларни текширишга ҳақли. Хусусан, суғурталовчи ёки унинг вакиллари суғурта қилдирувчининг контрагенти билан контракт муносабатларига алоқадор ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини текшириш ҳуқуқига эга.

Суғурта шартномаси тузилгандан сўнг ариза унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

14. Бир йил давомида амалда бўладиган бир нечта (қатор) контрактларга нисбатан Бош суғурта шартномасини тузишда суғурта мукофотларини тегишли контрактлар суғурталашга қабул қилиниши билан тўлашга йўл қўйилади. Бош суғурта шартномаси қуйидаги шартларга амал қилинганда тузилиши мумкин:

а) контрактлар бир хил турда бўлиши лозим (савдо-сотиб олиш ёки воситачилик ёки ш. к.);

б) контрагентлар таркиби Бош суғурта шартномаси амалда бўлган муддатда доимий бўлиши ва уни тузишдан олдин суғурталовчига маълум бўлиши лозим.

Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи Бош суғурта

шартномасининг таъсир доирасида бўладиган алоҳида контрактлар бўйича суғурта полисларини бериши шарт. Суғурта полисининг мазмуни Бош суғурта шартномасига номувофиқ бўлган тақдирда, суғурта полиси афзал кўрилади.

15. Таваккалчилик даражаси ўзгарганда қопланаётган таваккалчиликларнинг тавсифидан келиб чиқиб, суғурталовчи махсус ишлаб чиқилган тарифларни қўллашга ҳақли.

16. Суғурталовчидан суғурта товони талаб этилганда суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини ва зарарнинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини, ёки бошқа далилларни (контракт, юк ҳужжатлари, ҳисоб-фактуралар, тўлов ҳужжатлари, суғурта қилдирувчи ва дебитор ўртасидаги ёзишмаларни, ушбу зарарга тегишли бошқа ҳужжатларни) ҳамда воқеанинг содир бўлиш сабабларидан келиб чиқиб бошқа ҳужжатларни тақдим этади.

17. Суғурта товонининг миқдорини аниқлашда аризада кўрсатилган даромадни олиш учун суғурта қилдирувчи кўрган чора-тадбирлари ва шу мақсадда амалга оширган тайёргарликларини тасдиқловчи ҳужжатлар суғурталовчи томонидан инобатга олинади ва ўрганиб чиқилади (суғурта қилдирувчи томонидан товарлар, ускуналар (қарздордан бутловчи қисмларни олишни ҳисобга олган ҳолда) ва ш. к. етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича тузилган шартномалари (контрактлари), янги ускуналарни ўрнатиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб борилиши ва бошқа шу каби далиллар).

18. Агар суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, суғурталовчи суғурта қилдирувчидан тушунтиришлар ва тегишли қўшимча ҳужжатларни (бухгалтерия, банк ҳужжатларини ва б.), шу жумладан далолатномалар ҳамда аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларнинг хулосаларини сўрашга, зарур ҳолларда эса, содир бўлган воқеанинг тафсилотлари, суғурта қилдирувчининг ололмаган даромадларни (йўқотиш) сабаблари ва миқдорини эксперт баҳолаш учун мутахассисларни (экспертларни) жалб қилишга, шунингдек содир бўлган воқеанинг тафсилотларини ва зарарнинг миқдорини аниқлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.

19. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда тегишли равишда жўнатилган товарлар (кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун суғурталовчи томонидан зарарни қоплаш бўйича талаблар зарар юз берган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида қабул қилинади.

20. Суғурта қилдирувчи зарарни келтириб чиқарган воқеанинг содир бўлганлиги ҳақида хабар қилганда, суғурталовчи суғурта даъвосини кўриб чиқиш ва содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини батафсил ўрганиб чиқиш учун ўз ходимини ёки бошқа шахсни юборишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг вакилига содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини ўрганиб чиқиш имкониятини таъ-

минлаши ёки зарарни келтириб чиқарган воқеа содир бўлганлигини тасдиқловчи видео-, фотоматериалларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

21. Суғурта ҳодисасининг содир бўлиши муносабати билан жиноий иш, фуқаролик суд иши ёки маъмурий жазолар қўллаш ҳақида иш қўзғатилган бўлса, суғурталовчи тегишли суммаларни тўлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишини мутасадди идоралар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар кечиктиришга ҳақли.

22. Содир бўлган воқеа, зарарлар ҳажми ва суғурта товони миқдори бўйича томонлар ўртасида келишмовчиликлар бўлмаса, суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдори кўрсатилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани (суғурта далолатномасини) тузади.

## IV. Якуний қоидалар

23. Томонлар суғурта шартномаси ёки томонларнинг молиявий аҳволига тегишли маълумотларни нашр этиш, бошқа усул билан учинчи шахсларга ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

24. Суғурта шартномасини тузиш ва ижро этиш жараёнида юзага келадиган барча баҳс ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилиши, келишувга эришилмаган тақдирда эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилиши лозим.

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 48 Банк кассаларидаги накд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-2*

*(2009 йил 7 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банк кассаларидаги накд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2006 йил 21 июль, рўйхат рақами 1598 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 28-29-сон, 287-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 18 январь,
1/2-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2009 йил 18 январдаги 1/2-сонли қарорига
ИЛОВА

### Банк кассаларидаги накд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «меъёрдир» сўзи «меъёр» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 8-банддаги «биринчи бошқарма орқали» сўзлари «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» устхати қўйилган ҳолда ва ушбу ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 49 «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1594-3*

*(2009 йил 7 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 20 июндаги 54, 2006-28-сонли «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга (2006 йил 17 июль, рўйхат рақами 1594 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 281-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь,
5-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь,
2009-4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 50 Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-1*

*(2009 йил 7 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга (2000 йил 5 июль, рўйхат рақами 943) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2008 йил 27 декабрь,
30/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 24 январдан 30 январгача бўлган маълумотни маълум қилади**

## *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 декабрдаги 100-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1889 (2009 йил 3 февралдан кучга киради).***

2. «Баландликда ишлаганда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 75-сонли буйруғи.*

***2009 йил 24 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1890 (2009 йил 3 февралдан кучга киради).***

3. «Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги 120-сонли буйруғи.*

***2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891 (2009 йил 7 февралдан кучга киради).***

4. «Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 18 январдаги 1/2-сонли қарори.*

***2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1598-2 (2009 йил 7 февралдан кучга киради).***

5. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 20 январдаги 5, 2009-4-сонли қарори.*

***2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1594-3 (2009 йил 7 февралдан кучга киради).***

6. «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/3-сонли қарори.*

***2009 йил 28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-1 (2009 йил 7 февралдан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляцияларни топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директори томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1293, 2003 йил 24 декабрь).*

***Адлия вазирининг 2009 йил 24 январдаги 14-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## *III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг 2005 йил 1 апрелдаги 162-сонли буйруғи.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2005 йил 18 апрелдаги 20$^{а}$-сонли буйруғи.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 9 июндаги 1951/10-05-сонли хати.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимномалар киритилди.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ**

**ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

*— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

*— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

*— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

*— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:*

*— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

*— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

*— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

*— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

*— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

*— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

*— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

*— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;*

*— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

*— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

*— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

*— излаш шартларини сақлаб қолиш;*

*— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;*

*базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

***WWW.LEX.UZ***
***сайтига марҳамат қилинг***